

МАЖБУРИЙ НУСХА


Исҳоқжон НИШОНОВ

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

ҚИССА

ИККИНЧИ КИТОБ

«Наманган» нашриёти
2012 йил



84(59)7 - 98.9908

УДК:
КБК

821.512.133-3
(84) (5936) 7
H-69

ISBN-978-9943-4051-3-4

НГ 1063-3196.0-1549800 2012
1064-(10,0)-(09)

NO 42243/2
2

201 <u>4/12</u> A 10.95	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-------------------------------	--

Ҳамид ўйлаб-ўйлаб, ўғирликни ёлғиз ўзи амалга оширолмаслигига иқрор бўлди. Ҳовлида ўзидан ташқари Витя ва Володя исмли хизматкорлар ҳам туришарди. Уларнинг ётиб-турадиган кулбаси, оврақланадиган жойи Барон ётадиган хонанинг қарама-қарши томонидаги пастаккина уйча эди. Бу бинонинг қачон ва ким томонидан қурилганини ҳатто кекса лўлининг ўзи ҳам билмасди. Болалиги қийшайиб, сувоқлари кўчиб, томидаги шиферлари эскириб, қорайиб кетган мана шу кўримсизгина бинода ўтган. Лўли чол ёши улғайиб, қўлига пул тушгач, унинг рўпарасига ўзи учун янги уй қурди-ю, бироқ эскисини бузмади. Володя билан Витя пешоналарига шундай омонат кулба битганидан кўп шикоят қилишарди. «Ишқилиб ер силкинмасин-да, қаттиқроқ момақалдироқ гумбирламасин-да», деб бир-бирларига шикоят ҳам қилиб кўйишарди. Афсуски, улар ўз норозиликларини хўжайинларига изҳор қилишолмасди. Уларнинг том босиб қолишидан ҳамиша қаттиқ ҳавотирга тушишаётганини Ҳамид сезарди. Гоҳида ошқора, гоҳида пинҳона шерикларини молхонадан фарқи қолмаган уйчада яшаётганларидан афсусланиб ҳам кўярди.

Бароннинг уйда йўқлигида уччалалари дастурхон устида тўпланиб қолишарди. Володя билан Витя

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

хўжайинлари томонидан тўланаётган иш ҳақининг камлигидан кўп бор нолишганини эшитган. «Барон уларнинг кўнглини оғритибдими, демак, улар менга шерик бўлиши мумкин», деб ўйларди.

Барон қандайдир иш билан кўчага чиқиб кетган куни улар дастурхон атрофида тўпланишди. Ҳамид дўкондан бир шиша арақ олиб келди. Ҳамхоналарини сийлаш, шу мақсадда кўнглидаги гапларни уларга гапириб беришни мақсад қилганди. Учовлон маза қилиб ичишди. Бироз кайфлари ошди. Ҳамид мақсадини айтиш мавриди келганини сизди.

- Хўжайиннинг пуллари қаерда туришини биламан, - деди у худди ёш болалардек мақтаниб. Бу гапдан шерикларининг қулоғи динг бўлди, хушёр тортишди ва унга бақрайиб қарашди.

- Қаерда? - Володянинг овозидан ҳам ҳайратлангани, ҳам қизиққани билинди. Витянинг арақ қиздирган юрагига чўғ тушди. Икковлари Ҳамидга яқинроқ сурилишди ва юқоридаги саволга жавоб олиш мақсадида ичкиликдан сузилган кўзларини унга қадашди.

- Буниси сир, аммо сизлар хўжайиннинг қанча пули борлигини биласизларми?

- Йўқ! - дейишди шериклари бараварига. Пул ҳақидаги хабар уларнинг қизиқишларини янада кучайтирганди.

- Мен биламан... - Ҳамид ҳар бир сўзи билан уларни ўзига ром айларди. Володя билан Витянинг кайфлари янгиликни эшитган заҳотиёқ тарқаб кетганди. Сеҳрланган одамдек Ҳамиднинг оғзига тикилиб туришарди. Лекин у сирни фош қилишга у қадар шошилмади.

- Қанча пули бор? - Володянинг сабри чидамай сўради.

Ҳамид дўстларининг елкасига қўлини ташлаб, ниҳоят сирни очди.

- Бир қоп!

- Йўғ-е!

- Олиб қоч-а!

- Гапим ёлғон бўлса, Худо урсин! Ўша пулларни ўзим елкамда кўтариб келдим! Елкам шилиниб кетди! - Ҳамид шерикларини ишонтириш мақсадида кўйлагини ечди. Ҳақиқатдан ҳам офтоб тегмаган оппоқ елкасининг чап томони бйроз қизариб кетганди. - Ишонмасаларинг қасам ичишим мумкин!

- Ишондик, - деди Витя. - Хўжайин пулларни қаерга беркитган?

Ҳамид Бароннинг хонасига қараб қўйди. Шериклари унинг ишорасини тушунишди.

- Пулни кўтариб келган куним, Барон остонада мени қолдирди. Ўзи қопни кўтариб ичкарига кириб кетди. Деразадан мўраладим, шунда яширган жойини кўриб қолдим. Худди банкнинг темир сандиғига ўхшайди. У ерда яна шунча пули бор экан!

Володя типирчилаб қолди.

- Ўғирлаймиз, - деди шерикларига юзланиб.

- Барон хитланиб қолса, бирортамизни соғ қўймайди. - деди Витя. - Уни узоқроққа кетишини кутишимиз керак.

- Яқин орада ҳеч қаерга бормайди. - деди Володя.
- Ахир Москвадан кеча келди.

- Аввал режа тузишимиз керак! - деди Ҳамид овозини гўё биров эшитиб қоладигандек пасайтириб. - Бунинг учун камида бир ҳафта кутамиз.

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

- Бир ҳафта узоқ, пулларни ишлатиб қўйиши мумкин...

- Ишлатмайди, Барон ҳеч қачон нақд пулга савдо қилмайди. Иннайкейин у ердаги пулларни ишлатгани билан тугаб ҳам қолмайди.

- Дўстларим, - деди Володя шерикларига ўйноқи кўзларини жовдиратиб. - Ҳеч эътибор бердиларингми, яқиндан бери лўлининг юриш-туриши ўзгариб қолди. Хаёли ҳам ўзида эмас. Ниманидир ўйлайди, кўп чекади, безовта. Уйда ҳам кам бўляпти!

- Бирорта фирибгар чув туширгандир-да, - фикр билдирди Витя. - Зарарга ишласа, қовоғидан қор ёғади.

- Барон яқин кунлар ичида қайсидир лўлининг туғилган кунига боради. Ўша ерда қолиб кетса ажаб эмас, - гапга қўшилди Ҳамид.

- Қайдан била қолдинг?

- Телефонда гаплашаётгани қулоғимга чалиниб қолди.

- Яхши имконият!

Шундан сўнг улар режа тузишди. Ичкарига ким кириши, пулни олиб чиққанларидан сўнг қаерга қочишни келишиб олишди. Ниҳоят, бўлиб ўтган гап-сўзлар сир сақланишига қасам ичиб тарқалишди.

* * *

Москвалик лўлилар Баронни иззат-икром билан кутиб олишди. Бу унинг тадбиркор бўлиб, катта маблағ эгаси бўлганлиги учун эмас, балки, лўлилар орасидаги мавқе ва ҳурмати баландлиги боис, кўр-

сатилган илтифот эди. Унинг ташрифи шарофатига шаҳарнинг каттагина ресторанида зиёфат уюштирилди. Меҳмондорчиликка бообру, бой-бадавлат лўлилар жамланишди.

Барон кейинги икки йил давомида «лўлилар жамғармаси»га бирор тийин ҳам ўтказмай қўйганди. Бу унинг хасислашиб кетганидан эмас, балки қадрдонлари билан, қолаверса, ўзларининг оғир кунларида кор келиб қолиши мумкин бўлган жамият ўртасидаги масофанинг олислашиб кетганидан эди. Барон ишларининг юришиб кетганидан дўстларини унутиб қўйганини яширмади. Ва бунинг учун улар олдида қарздор эканлигини айтиб, узр сўради. Икки йил давомида жамиятга ўтказиши лозим бўлган маблағни ҳамманинг кўз олдида стол устига ташлади. Унинг бу олийжаноблиги олқишлар билан кутиб олинди. Барон дўстлари билан узилиб қолган эски алоқани тиклашга, қолаверса, улар билан ҳамкорлик қилишга ваъда берди. Унинг ҳар бир сўзи лўлилар томонидан қарсақлар билан кутиб олинди ва шаънига энг яхши тилаклар ёғдирилди. Москвалик лўлилар Баронни қандай иззатикром билан кутиб олишган бўлишса, ҳурматини жойига қўйган ҳолда кузатиб қўйишди.

Барон уйига келгунча ўз миллатдошлари билан бўлган учрашувни унутолмади. Юрагининг бир четида уларга бўлган самимий ҳурмат ва меҳрмуҳаббат сақланиб қолди. Уйида бошига қайғу ва ғам соя ташлашини хаёлига келтирмаганди. Юзлари қорайиб, эти суягига ёпишиб қолган қизи ўзини отасининг бағрига отиб, уввос солиб йиғлаб юборди. Барон буни соғинчга йўйди ва оталарча меҳр

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

билан қизининг қўнғир сочларини силаб, қучоғига олиб, юпатган бўлди.

- Мен қайтдим, оппоғим, яна ёнингдаман, - деди қизининг кўз ёшларини артар экан ва бирдан Алёнанинг қизариб кетган кўзларига соғинч-у меҳр эмас, балки оғир мусибат соя ташлаганини оталарга хос сезги билан пайқаб қолди...

- Не бўлди сенга, оппоғим? - Бароннинг юраги ортга тортиб, вужуди титраб кетди.

- Одам ўлдирдим, ота? - гамғин овозда шивирлади Алёна. - Маҳмудни отиб қўйдим...

- Қачон? Нега? - отанинг овози ҳам титраб чиқди.

- Кеча, - деди қиз Бароннинг кўксидан бошини кўтарар экан. - Мени милиция қидиряпти.

- Қани, ичкарига кирайлик, оппоғим. Нима ишлар бўлганини менга бир бошдан тушунтириб бер!

Ичкарига киришди. Алёна бўлиб ўтган воқеаларни рўйи-рост гапириб берди. Ота унинг сўзларини бош эгиб, гамга ботиб, гоҳи гоҳида оҳ уриб тинглади.

- Келишимни кутсанг бўларди-ку, оппоғим? У ярамас билан қандай муомала қилишни мен яхши билардим. Керак бўлса ўзим мана шу қўлларим билан бўғиб ўлдирардим.

Алёна отасининг елкасига бошини қўйиб гамғин оҳангла сўради:

- Энди мени қамашади, ота...

- Ташвишланма, оппоғим. Бир иложини қиламиз. Мени Барон дейишади. Сени турмада ўтиришинг мен учун номус.

Чол ўйга толди.

Алёна йигирма йил ота бағрида яшади. Барон уни

камситмади. Ҳам оталик, ҳам оналик меҳрини бериб тарбиялади. У қизига шу қадар ўрганиб қолганди-ки, ўзини Алёнасиз бир сония ҳам бахтли ҳис этолмасди. Қаерга бормасин, ўзининг қадрдон дўстлари даврасидами, базм-жамшидлардами қизига бўлган соғинч ва меҳр бир зум ҳам унинг юрагини тарк этмасди. Қалаҳ кўтараётганда, аввало, қизининг соғлиги учун ичарди. Энди уни турмада ўтиришига қандай чидайди? Бароннинг юраги бундай айрилиққа дош бера оладими?

Барон юрагини сиқиб, кўз олдига қоронғулик пардасини ташлаётган ғамни оҳ уриш билан бўшатди. У ўрnidан турар экан, қизининг ҳам билагидан тутиб, унинг туришига ёрдамлашди. Кўзига Алёна бир неча кун ичидаёқ сарвдек қомати букилиб, гулдек юзи сўлиб қолгандек кўринди.

- Ўзингни қўлга ол, қизим, мен тирик эканман, сени ҳеч ким қамоққа тиқолмайди. Юрагингдаги қўрқув ва ваҳималар ўрнини шодлик қувончга бўшат. Илғари қандай яшаган бўлсанг, шундай яша. Мен ўзимнинг нимага қодирлигимни кўрсатаман! Сендан илтимос, ҳозирча ҳеч кимнинг кўзига кўринма. Яхшиси дала - ҳовлимизга жўна. У ерга ҳеч ким сени излаб бормаиди.

- Яхши, ота, - деди Алёна. - Сиз нима қиласиз?

- Мен икки-уч кундан сўнг олдингга ўтаман!

Барон ўз хонасига кириб, кийимларини алмаштириб, ҳамёнини пулга тўлдириб, уйдан чиқиб кетди. Қаерга ва кимнинг олдига кетаётганини, ҳатто қачон қайтишини хизматкорларидан яширди. Кекса лўли Қарагандага йўл солганди. Шаҳарга етиб келганида вақт пешиндан ўтганди. Лўлиларнинг

етакчиси шу шаҳарда яшарди. Ёши етмишлардан ўтиб қолган бўлса-да, қадли-қомати барваста, кўришидан анчагина бақувват бўлган бу одамни Макар, деб аташарди. У ўзини ҳамиша ёшлардек бардам ва тетик олиб юришга одатланганди. Юзининг ярмини эгаллаган оппоқ соқоли кўксига осилиб тушган мўйсафиднинг ўткир кўзлари остона ҳатлаб ўтган Баронни гарчи бир неча йилдан бери кўрмаган бўлса-да, таниди. Мартаба ва ғурури меҳмонни ўрнидан туриб кутиб олишга монетьлик қилди. Келгувчи томонидан берилган саломга бош ирғаш билан жавоб қайтарди. Бу ичкарига киришга ҳамда етакчининг қўлини олиб кўришишга берилган изн эди. Барон остонани босиб ўтди. Оралиқ уч-тўрт қадам қолганида Макар чидаб туролмади. Қадрдон дўстини ялпайиб ўтирган ҳолда кутиб олишни ўзининг ахлоқига зид эканлигини тушуниб, ўрнидан турди. Барон эса буни ўзига нисбатан билдирилган ҳурмат ўрнида қабул қилди...

- Тунда тушимда отамни кўргандим, - деди ҳали унга яқинлашмаган Макар. - Бу сенинг ташрифинг бўлса керак, қадрдоним! - Кенг гавдали Макар қўлларини ёйиб, меҳмонни бағрига босди.

- Хуш келибсан, қадрдоним!
- Хушвақт бўл, азизим, Макар!
- Кўришмаганимизга неча йиллар бўлди?
- Бунда менинг гуноҳим кўпроқ, азизим.

Макар дўстини девор вазифасини ўтаб турувчи гуллар олдидаги курсига бошлади. Дастурхон безоғлик эди. Хизматкор кечки таом ҳозирлаб қўйган, бироқ хаёллар уммонига чўмган Макар дастурхонга келишга улгурмаганди. Уй эгаси стаканларга шароб

қуйди. Дўстлар бир-бирларининг соғликлари учун қадаҳ кўтаришди.

- Нега бу қадар хомушсан? - ниҳоят сўради уй эгаси меҳмоннинг кўзларига тикилиб.

Савол Бароннинг мақсадини айтишга туртки бўлди. У қизининг бошига тушган савдоларни ётиғи билан гапириб берди.

- Уни қамашган куни мен ўламан, Макар! Биласан, Алёна менинг якка-ю яғонам, овунчоғим, юпанчим, ҳаётим!

- Яхши иш бўлмабди, - деди мезбон бошини чайқаб. Унинг кўзларига ҳам ғам сояси тушганди. - Мендан қандай ёрдам керак?

- Биласанми, - деди Барон бироз жимликдан сўнг. - Болаликдаги Денис исмли дўстимиз бўларди...

- Унинг ўлганига ўн йил бўлди, - Макар меҳмоннинг сўзини кесди.

- Хабарим бор. Дениснинг ўнта қизи бўларди. Улар менинг уйим атрофида улғайиб, кўз олдимда катта бўлишган. Худди кечагидек эсимда, қизларидан бири Алёна билан дугона эди. Иккалалари узукка кўз қўйгандек бир-бирига шу қадар ўхшаш эдиларки, кўпинча ажратолмай қолардим. Адашмасам унинг исми Аниса эди.

- Нима демоқчилигингга тушунмадим? - Макар ҳайрон бўлди.

- Менга ўша қиз керак!

- Ҳозир уларнинг қаерда яшаётганидан беҳабарман, азизим. Ахир ёшлар улғайиб, кўпчилиги бизнинг удумларимизни унутиб, ота-боболаримиз эъзозлаб келаётган борди-келдиларни ҳам эсдан чиқариб юборишган. Дунёнинг катта-катта шаҳарларига та-

рқаб кетишди. Илгарилари кўчада юрсам қаршимдан келаётган миллатдошимнинг кийимидан, юришидан таниб, юрагим шодликларга тўлиб кетарди. Ҳозир эса улар миллий удумларимизни унутишган. Ўзга миллат йигит-қизларига турмушга чиқиб, томирларимиздаги соф лўлилар қонини булғашмоқда. Бу кетишда ер қуррасида лўли, деган миллат бадном бўлиши муқаррар.

- Бу биргина сенинг дардинг эмас, Макар. Менинг юрагимни ҳам шу азоблар ўртайди. Сендан яширмайман, Алёнани ҳам чечен йигитига турмушга узатгандим... Кел, бу масала бизнинг дардли азобимиз бўлса-да, ҳозир бир четга суриб турайлик. Менга Анисани топишда ёрдам бер!

Макар жим қолди. Унинг хаёли анча олисларга кетганди.

- Бир-икки кун кутишингга тўғри келади, - деди ниҳоят чуқур ўйга толган лўлилар етакчиси. - Мен суриштирай, бошқа шаҳарлардаги танишларимга хабар берай. Зора, уларни танийдиган одам топилса.

- Кутишга тоқатим ҳам, сабрим ҳам йўқ, Макар. Айтаяпман-ку, қизимнинг ҳаёти хавф остида. Уни милиция қидирыпти. Тутиб кетса, уйим куяди, мен тириклай ўламан. Қамалган одамни чиқариш осон бўлмайди.

- Мени тўғри тушун, азизим, сен учун қўлимдан келган барча ёрдамимни аямайман. Қиз ҳақида хабар топсам, ўша заҳотиёқ сенга етказаман. Ҳозироқ бу ишга киришаман! Сен эса хоҳла, менинг кулбамда тур, хоҳла уйингга жўна!

- Бир соат ҳам бу жойда қололмайман, Макар.

Қизимнинг олдида бўлмасам, уни кўрмасам юрагим жойига тушмайди. Назаримда, уни тутиб олишаётгандек.

Барон телефон рақамини қолдирди. Кекса лўлининг бесар юраги қуш мисоли уйига, хатарда яшаётган қизининг хузурига талпинарди. Турли ўй ва хавотирлар қарияга тинчлик бермасди. Барон кетиш олдидан ҳамёнидан ўн минг доллар олиб, Макарнинг олдига ташлади. Уй соҳиби бир пулга, бир Баронга қаради-ю, аммо бир сўз айтишга тили айланмади.

* * *

Қоплон Шухрат Шарифовични кутишга сабри чидамай, Элёрни Олма-Отага жўнатди.

- Биз боргунча ўша ерда бўл. Мен Шухрат Шарифович билан орқангдан етиб бораман! - деди.

Элёр Олма-Отага учиб кетди.

Кечга яқин Шухрат ака кириб келди. «Тилла йигит» унга Ҳамиднинг Олма-Отада эканлигини, Анвар уни кўрганини гапириб берди.

- Элёрни ёлғиз жўнатиб, нотўғри қилибсиз. Агар у Анварни таниган бўлса, аллақачон қочиб кетган, - деди бош чайқаб кекса изкувар.

- Баронга қўнғироқ қилайми? - ўз хатосини тушуниб етган Қоплоннинг юзи бироз қизарганди.

- Ҳозирча хабардор қилмаганимиз дуруст.

- Унда биз ҳам жўнаймиз. Ҳамидни ўзимиз ушлаймиз!

- Бу қалтис иш, - деди изкувар бир зум ўйга толгач. - Олма - Ота бошқа давлат, ўзининг қонунлари бор. Фақат ички ишлар идоралари ўзаро

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

келишиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиргач, уни қўлга олиш мумкин.

- Унда биз ютқазамиз! - аччиқланди Қоплон. - Бир йўлини қилинг, Ҳамидни ўзимиз ушлаб, бор ҳақиқатни унинг тилидан эшитиб, кейин қонун посбонларининг ихтиёрига топширайлик!

- Барон бизнинг гапимизга кирармикин? - сўради изқувар бироздан кейин.

- Киради! Ахир биз эски қадрдонмиз.

- Унда ҳозироқ Олма-Отага жўнашимиз керак. Лекин сизни олиб кетолмайман. Шу ерда қолиб бизни кутинг!

Қоплон нима дейишни билмай қолди...

- Унда ҳозироқ Баронга кўнғироқ қилиб, сизнинг йўлдалигингизни айтаман!

- Кераги йўқ, у билан ўзим тиллашаман...

* * *

Кўнғироқнинг жиринглаши уч улфатнинг хаёлини тўзгитиб юборди. Уларнинг кўнглидан «Барон келди», деган фикр ўтди. Улфатлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

Ҳамид ўрнидан турди-ю, маст ҳолда Бароннинг кўзига кўринишдан қўрқди.

- Витя, сен оча қол! - деди у шеригига.

- Зарур кептими? Баронга рўпара келсам сўкиш эшитаман.

- Володя, балки сен очарсан?

- Бу менинг хизмат доирамга кирмайди, биродар, ҳар ким ўз вазифасини бажарсин.

Ҳамид остонада бошидаги шляпасини қошигача

тушириб, устидаги плашчининг ёқасини кўтариб олган одамни кўриб, юраги шув этди. Унинг юма-лоқ, бугдой рангли юзини, қирғий бурнини, кийим-лари яшириб турарди. Фақат совуқ ялтираб турган мовий кўзлари кўриниб турарди

- Ким керак сизга? - оғзидан титраб чиққан сўздан Ҳамиднинг ҳаяжонланганини билиш мумкин эди.

- Баронни чақириб беролмайсизми?

- Барон уйда йўқ эди, - жавоб қилди Ҳамид.

- Узоққа кетганми?

- Кетган жойларини бизга айтмайдилар.

- Қачон хабар олай?

- Эрталаб келинг!

- Раҳмат сизга. Хайр!

- Кечирасиз, у кишига ким келди, деб кўяй?! -

Ҳамид бу саволни атайлаб берганини меҳмон сезди.

- Яшнар келди, денг, озарбайжонлик дўстингизнинг ўғли, десангиз танийди.

Ҳамид эшикни беркитди...

* * *

Шуҳрат Шарифович икки нафар йигит билан Олма - Отага кечки пайт етиб келишди. Бароннинг уйдалигини билиш мақсадида Элёрни унинг олдига жўнатишганди. У қайтиб келиб, ўртада бўлиб ўтган воқеадан изқуварни хабардор қилди.

- Ҳамид сизни танимадими?

- Танимади-ю, бироқ шубҳаланди. Озарбайжондан, дўстининг ўғлиман, дедим.

- Яхши қилибсиз!

Улар Баронни кутишга қарор қилишди.

* * *

Ҳамид қайтиб келгач, дўстлар яна яримлаб қолган шишанинг тепасида тўпланишди. Бироз кайфлари ошгач, гап мавзуси хўжайиннинг бойлигига келиб тақалди. Пулнинг исини олган Володянинг ороми бузилганди. Қўлига каттароқ сармоя тушган куни юртига, қариндошларининг хузурига жўнашни ўйлаб юрарди.

- Вақт ўтяпти, биродарлар, хаёл сургунча таваккал қилиб, ишга киришишимиз керак. Акс ҳолда бойликдан маҳрум бўлиб қоламиз.

- Шошилма, - деди Витя қафти билан лунжини артиб. - Ҳамид пулни кўрганига ҳали бир ҳафта бўлгани йўқ. Хўжайиннинг хаёлидан кўтарилсин, акс ҳолда биздан шубҳаланиши муқаррар. Нима дединг, Ҳамид?

- Ақлли одамсан-да, Витя. Шу муштдек каллангдан ақлли фикрлар чиққанига қойилман. Лекин виж-виж ақл тошган калланг билан лўли чолнинг уйида хизматкор бўлиб юрганингга доғман-да, дўстим.

- Демак, яна кутар эканмиз-да, - масхараомуз жилмайиб қўйди Володя. - Тўғриси бу ерда ишлаш жонимга тегди. Рус ўрмонларини соғинганман. Ҳар сафар юртимни эслаганимда, хўрлигим тутиб, йиғлагим келади. Эҳ, Витя, Витя! Қани шаробингдан куй, юрт соғинчида ёнган юрагимга малҳам бўлсин!

Володя шишани ўзи олди ва қадаҳга тўлдириб арақ қўйди, уни бир симиришда бўшатди. Газак ўрнига бошидаги кепкасини искади.

Володянинг сўзларини эшитиб, Ҳамиднинг ҳам

кўнгли бузилди. Юртини, қишлоғини кўз олдига келтирди. Бошига шундай азобларни солган Баҳром ҳам ўлиб кетди. Володя юртига қайтиш учун пулга муҳтож, Витя қорни тўйганига шукр қилади. Тунайдиган кулбасини Ватан, деб билади. Ундан шу кулбани тортиб олишмаса, ҳайдашмаса бас! Унинг фикрича жасади қаерга қўйилса, ўша ер Ватан!

Ҳамиднинг қўлида озми-кўпми пули бор. Қорни тўқ, усти бут, аммо юраги зада, дили садпора. Юртдан йироқда. Қайтган куни тўрт одамнинг қотили сифатида қамоққа олишади. Икки ўт орасида ёнарди у.

* * *

Бароннинг қўл телефони жиринглаб қолди. Қўнгироқ қилаётган Макар эди.

- Анисанинг яқинларини топдим, - деди қария мамнун оҳангда.

- Қаерда экан? - шошиб сўради Барон.

- Икки ой бурун Жамбулга кўчиб кетибди.

- Манзилени аниқладингми?


- Шаҳарда яшаётганини айтишди. Одамларим ҳозир уни қидиришмоқда!

- Мен уни зудлик билан кўришим керак!

- Кўрасан! Одамларим қизни олдингга олиб боришади.

- Раҳмат сенга, Макар, ўлгунимча яхшилигингни юрагимда сақлайман, қадрдоним!

Анисанинг топилиши қариянинг сўниб бораётган умидига мой сепди. Чолнинг сабри чидамай, ўша



заҳотиёқ Жамбулдаги танишларига сим қоқди. Улар биргина жавоб қилишди:

- Топишга ҳаракат қиламиз!

* * *

Баронни остонада Ҳамид кутиб олди.

- Сизни боягина бир нотаниш йигит сўраб келувди, хўжайин, - деди унинг йўлига пешвоз чиқаркан.

- Ким экан? - чол тўхтади ва хизматкорининг кўзларига тикилди. Юрагидан бир нима узилиб тушгандек бўлди.

- Исми Яшнар, озарбайжонлик дўстларининг ўғлиман, деди.

- Яшнар дедингми? - Қария хира тортиб қолган хотирасини қанчалик титкиламасин, Яшнар исми танишини эслай олмади.

- Озарбайжонда менинг Яшнар исми танишим йўқ! - деди ўзига - ўзи гапиргандек. Бироқ унинг ороми бузилганди. «Ҳойнаҳой, милициядан бўлса керак», деган ўй миясига миҳдек санчилди. «Уларнинг шунақа найранглари бўлади. Ўзларини гоҳ таниш, гоҳ туғишган қилиб кўрсатишади». Бароннинг юрагига ғулғула тушганди. У уйга кирмади.

- Мени сўрашса иш билан кетганимни айт? - деди хизматкорга юзланиб. - Ичкарига ҳеч кимни қўйма!

- Қачон қайтасиз, хўжайин?

Барон Ҳамидга ўқрайиб қаради.

- Хоҳлаганимда!

У ерга тупуриб, орқасига қайрилиб, индамай уйдан чиқиб кетди.

Милицияни эслаганида кўз олдига қизи келган-

ди. Икки кундан бери уни кўргани йўқ. «Қийналиб қолмадимикин? Озиқ-овқати тугаб, оч ўтирган бўлса-я, балки у шўрликни мелиса тутиб кетгандир?» Ота юраги ҳар хил ваҳималардан патиллаб, қизининг олдига жўнади.

Барон эшикдаги қулфни кўрганида ваҳимадан гурсиллаб тепаётган юраги андак босилди. Ўзи беркитган қулфини очди. Алёна қоронғи хонада ёлғиз ўтирарди. Уйга кирган падарини оёқ товушидан таниди. Ўрнидан турди.

- Ота!

- Алёна, оппогим, зерикмадингми?

Улар бир-бирларини бағриларига босишиб, унсиз йиғлашди. Барон қизининг озиб-тўзиб кетганини қўллари ила ҳис этди. - Қийналдингми, оппогим?

- Ёлғизлик азоб экан, ота!

- Озгина сабр қил. Кейин уйга қайтасан.

- Мени милиция излаётгандир?!

- Улар сездирмай изингга тушган кўринади.

- Сизга қийин бўлди, ота. Мелисалар сизни ҳам тинч қўйишмайди, деб кўрқаман!

- Хавотир олма, оппогим, уларга қандай муомала қилишни ўзимни яхши биламан.

Барон титроқ қўллари билан қизининг пешонасини силади. Режасини Алёнага айтишга шошилмади. «Ҳозирча билмай тургани дуруст», деб ўйлади. Анисани тополмаса, қизи ноумид қолади.

- Ота, балки ўзим мелисага борганим маъқулмикин?

Кутилмаган саволдан кекса Барон қалқиб тушди. У ялт этиб қизига юзланди. Ним қоронғу хонада

Алёнанинг кўзларида ёш кўрди. Отанинг юраги баттар эзилди.

- Айбимга иқроп бўлсам, суд менга енгиллик берар.

- Ундай қила кўрма, оппоғим. Сенинг турмада ўтиришинг мен учун иснод! Шу пайтгача мағрур яшадим, ҳеч кимнинг олдида тилим қисилмади, бошим эгилмади. Кексайганимда шарманда бўлишни, бошим кўксимга осилиб тушишини истамайман! Агар мен ўйлаган режа амалга ошса, сен ҳам бошингни баланд кўтариб юришинг мумкин, оппоғим!

Барон қизининг олдида узоқ ўтирди. Ўз қўли билан унга овқат едирди. Шунда қизининг гўдаклик чоғлари эсига тушди. Болалигида ҳам уни ўзи овқатлантирарди. Алёна шўх ва ўйинқароқ эди. Отасининг тиззасида овқатланишни хуш кўрарди. Шуларни эслаганида Бароннинг кўзига ёш келди.

- Энди кетинг, ота, - илтимос қилди Алёна деразадан оқариб келаётган тонгни кўриб. - Ҳали замон кун ёришади. Бу ерга келганингизни одамлар кўрмагани яхши.

Барон ўрнидан турди. Титраётган лабларини қизининг пешонасига босиб, у билан сўзсиз ҳайрлашди. Қария остонага етганида, ортига қайрилди. Икки қадам нарида, қўлларини осилтириб, бошини эгиб турган қизи кўзига жуда ҳам ғалати ва ғариб кўринди. Назарида у аввалги Алёнага мутлақо ўхшамасди. Сочлари оқариб, юзлари буришиб, пешонасига ажинлар из солгандек эди. Уни сўнгги бор кўриб тургандек, эшикни ёпса абадий йўқотиб қўядигандек туюлди. Бароннинг ўпкаси шишиб кетди ва

ўзини қўлга ололмай ерга тиз чўкди-ю: «Алёна, қизим», деб ўкириб, йиғлаб юборди. Бошини чангаллаб, ичидан отилиб келаётган ўкирикни тўхта-толмай ҳўнграрди. Қиз ҳам отасини сўнгги маротаба кўраётгандек, остонадан ҳатлаб ўтса, бир умрга йўқотиб кўядигандек ўзини унинг иссиқ ва меҳрга тўла қучоғига отди. У ҳам йиғлаб юборди.

* * *

Эртаси куни Элёр Бароннинг эшигини тақиллатди. Бу гал Витя чиқди. У Бароннинг яқиндагина келганини ва дам олиш мақсадида хонасига кириб кетганини айтди.

- Сиздан илтимос, уйғотиб юборсангиз, мен жуда зарур иш билан келгандим, - деди худди иши ҳақиқатдан ҳам зарурдек типирчилаб.

- Уни уйғотишга менинг ҳаддим сифмайди, уришиб беради!

- Мен олиб келган хушхабар сизни бундай жазодан сақлаб қолади!

Хизматкор ноилож хўжайиннинг хонаси томон юрди. Бироз ўтиб Барон уйқусираган кўзларини ишқалаб, деразадан бошини чиқарди. Эшик олдида турган йигитни танимади. «Мелисадан бўлса керак», деган фикр вужудини титратиб юборди.

- Менда нима ишинг бор?

Элёр унинг олдида келди.

- Салом!

- Кимсан?

- Мени «Тилла йигит» жўнатди, - деди паст овозда.

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

Бароннинг юзига қизиллик югурди.

- Ичкарига кир!

Меҳмон кирди.

- Сени илгари кўрмаган эканман, исминг нима?

- Элёр! Илгари келганман, эсингиздан чиқарган-дирсиз-да?

- Икки-уч кун аввал Анвар келувди, сен нимага келдинг?

Элёр орқа-олдига қараб, овозини боягидан пайсайтириб деди:

- Жуда муҳим иш билан келдим, амаки...

- Қандай муҳим иш экан?

- Қоплоннинг бошига мусибат тушди...

- Мусибат?

- Шундай...

- Икки уч-бор телефон қилдим, олмади...

- Олдингизга ёрдамчисини жўнатган.

- Қаерда?

- Меҳмонхонада, сизни кутяпти.

- Нега ўзи келмади?

- Бу ерга келолмайди. Сизнинг боришингизни илтимос қилди.

- Мен ҳозир!

Барон ўрнидан турди ва кийиниб ташқарига чиқди. Улар меҳмонхонага етиб келишди.

- Уйингизда Ҳамид исмли йигит яшаркан, - деди Шухрат Шарифович Барон билан саломлашиб бўлгач.

- У хизматкорим.

- Ўша йигит бизга керак бўлиб қолди.

- Уни сенга беролмайман.

- Нега? - ажабланди изқувар.

- Ишларимни ўша бошқаряпти!

Шухрат Шарифович бўлиб ўтган ишлар ҳақида Баронни хабардор қилди. Лўли чолнинг қошлари чимирилди.

- Ахир улар қалин дўст эдилар-ку? - деди изқуварнинг таъсирили ҳикоясини тинглаб бўлгач.

- Ҳа, улар сиз айтгандек қалин дўст эди. Аммо одамнинг ичини билиб бўлмас экан. Қоплонбекнинг обрўсини тўкиш учун ўзи содир этган бир қатор жиноятларни унинг зиммасига ағдаришга уринди. Йигитларининг иккитаси терговда. Шаҳардагилар Қоплонбекка шубҳа билан қарашмоқда. Уни ва одамларининг ҳақлигини исботлаш учун Ҳамид бизга ҳаводек зарур.

- Мен уйимда илон сақлаётган эканман-да. Унинг қонхўрлигини билмас эканман, - афсусланди чол бошини чайқаб. - Омборхонани, уйимнинг калитларини қўлига топшириб қўйганман. Ҳозироқ бориб уларни тортиб оламан!

- Бундай қила кўрманг, - деди Шухрат ака Барон худди кетиб қоладигандек унинг тиззасига қўлини қўйиб. - У шубҳаланиб қолиши мумкин. Қочириб юборсак, қилган ҳаракатларимиз чиппакка чиқади. Озгина сабр қилинг! Ҳеч нарса билмаган одамдек юраверинг!

- Бу гапларни эшитгандан кейин тоқат қилолмайман! Юрагим қандайдир нохушликни сезяпти. Назаримда, уйимдаги бор бисотимни ўғирлаб, қочиб кетадигандек туюляпти.

Изқувар Баронни зўрға тинчитди. Шундан кейин кекса лўли ҳам ўз бошига тушган мусибатни унга ҳикоя қилиб берди.

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

- Яқинда Ризо Маҳмудни бу ерга жўнатган экан,
- дея сўз бошлади чол. - Мен Москвада эдим.
Алёна у билан учрашибди. Ўртамиздаги қарзни
қайтаришни талаб қилибди. У эса қизимга тегажоқ-
лик қилибди. Алёна бундан қаттиқ ғазабланиб, уни
отиб ўлдирибди. Ҳозир бутун шаҳар алғов-далғов.

- Яхши иш бўлмабди. Унинг милициядан қочиб
юриши менимча тўғри эмас, ўз ихтиёри билан
тергов идорасига борса, бўлиб ўтган воқеаларни
гапириб берса, енгиллик беришади. - деди изқувар
кекса лўлига ачиниб.

- Мен қизимнинг пешонасига қотил деган тамға
босишларини истамайман! Алёна менинг якка-ю
ягона фарзандим. Бундан ташқари Барон, деган
номим бор!

- Маслаҳатимни тўғри қабул қилсангиз яхши
бўларди.

- Ҳамидни қачон олиб кетасан? - сўради чол
изқуварнинг сўзини эшитмагандек.

- Бугун!

- Йўқ, икки-уч кун тоқат қиласан!

- Нега?

- Қўлида анчагина ҳужжатларим бор! Банк билан
боғлиқ ишларни у олиб боради. Янги одам топи-
шим, ҳужжатларни расмийлаштиришим керак.

Изқувар чолнинг таклифига эътироз билдиролмади.

- Сиздан яна бир бор ўтиниб сўрайман, амаки,
Ҳамид билан аввал қандай муносабатда бўлган
бўлсангиз, биз олиб кетгунча шундай муносабатда
бўлиб туринг!

Барон қўлини чўзди.

- Хотиржам бўл!

* * *

Жиноят қидирув гуруҳи ходимлари Алёнанинг изига тушишганди. Меҳмонхонанинг уч юз эллик биринчи хонасида содир этилган қотилликда унинг қўли борлиги аниқланганди. Марҳум хонасидаги идишларда қолган бармоқ излари, қўл телефондаги рақамлар, пастки қаватдаги гувоҳларнинг кўрсатмалари қотиллик Алёна томонидан содир этилган, деган қарорга келинга асос бўлганди. Изқуварлар жиноятчини лўлилар яшайдиган мавзелардан суриштира бошлашди. Ҳатто Бароннинг уйини кузатувга олишди. Лекин тез орада бу ерда қизнинг яшамаслигини билишиб, ҳафсалалари пир бўлди. Улар гумондорни «эри билан Чеченистонга қочиб кетган», деган хулосага ҳам келишганди.

Алёна қотилликни содир этганидан сўнг уйига қайтиб келиб, Қодирга бўлиб ўтган воқеани гапириб берганди ва уни зудлик билан ўз юртига жўнаб кетишга кўндирганди. Шундай қилганда милицияни чағғитиш мумкин, деб ўйлаганди.

Бароннинг юраги ёнарди. Ўйлаган режасини тезроқ амалга оширишга, шу йўл билан қизини қамоқдан сақлаб қолишга шошарди. Гарчи лўлилар бошлигининг ваъдасини олган бўлса-да, бунга қаноат қилмай, Жамбулдаги лўлиларнинг етакчисига кун ора сим қоқиб, Анисани тезроқ топишда ёрдам беришини илтимос қилди. Барча лўлилар уни излашга тушишди. Бироқ улар қизнинг ўнлаб исмдошларини топишган бўлишса-да, уларнинг бирортаси Барон таърифлаган қизга ўхшамасди. Би-

рининг ёши, бошқасининг афти-ангори тўғри келмасди. Ниҳоят, юқорида бизга маълум бўлганидек, Макарниинг одамлари Жамбулдан Анисани топишганини Баронга маълум қилишди.

- Уни зудлик билан олдимга жўнатинглар, - илтимои қилди Барон.

Лўлилар ўша кунидеъ қизнинг қўлига пул тутқазиб, машинага ўтқазиб, Бароннинг ҳузурига жўнатишди.

Тонг саҳарда Анисани Бароннинг ўзи кутиб олди. У қизни машинадан тушиб келаётгандаёқ таниди. Юраги патиллаб ура бошлади. Унинг нафақат чеҳраси, балки бўйи-басти, юриши ҳам фарзандига жуда ҳам ўхшарди.

- Нега мени кутиб олиш учун Алёнанингни ўзи чиқмади? - йўлга чиқишганда сўраб қолди Аниса.

- Бунинг сабабини борганинда ўзи гапириб беради, қизим, - деди кекса лўли.

Улар уйга етиб келишди. Аниса ўзининг ёшлик чоғлари ўтган Бароннинг ҳовлисини дарров эслади. Бироқ уни кутиб олиш учун ичкаридан Алёнанингни чиқмаганидан баттар таажжубга тушди. Барон унинг дилини ранжитмаслик мақсадида кечирим сўради. Бўлиб ўтган воқеаларни ипидан игнасигача гапириб берди. Аниса қариянинг сўзларини диққат билан тинглади.

- Мен аввал дугонам билан кўришсам, - деди қиз.
- Бўлиб ўтган ишларни сўраб - суриштирсам. Воқеани қанчалик яхши билсам, терговда жавоб беришим шунчалик осон бўлади.

- Албатта, сени Алёна билан учраштираман. Истасанг, ҳозироқ унинг олдига бошлаб бораман!

- Лекин мен бекордан-бекорга қизингизнинг айбини бўйнимга олмайман, - деди Аниса қариянинг сўзини кесиб.

- Қандай шартинг бор? - сўради Барон. У қизнинг барча таклифларига, оғзига сиққан пулни ҳозироқ қўлига тутқазिशга шай турарди.

- Биринчи шартим, - дея гап бошлади Аниса. - Шу шаҳардан менга уч хонали квартира олиб бера-сиз.

Уч хонали уйнинг баҳоси қанча туришини Барон яхши биларди. Аммо ҳозир уйнинг қиймати чолни қизиқтирмасди. Кўз олдидан бир неча кундан бери ташқарига чиқмай, қоронғу кулбада беркиниб ётган бечора қизининг озиб-тўзиб кетган юзи кетмасди.

- Таклифинг қабул қилинди, - деди Барон бироздан кейин.

- Иккинчи таклифим, - давом этди қиз. - Ҳозироқ банкда менинг ҳисоб рақамим очилиб, йигирма минг доллар қўйилиши шарт!

Барон ўрnidан туриб кетди. Биринчи шартга бир амаллаб рози бўлганди. Иккинчиси ошиб тушди. Анисадан бундай талабни кутмаганди. «Нари борса, икки-уч минг доллар сўрайди», деб ўйлаганди.

- Буниси ортиқча, қизим, - Барон қўлларини ёйиб норозилигини билдирди. - Мени тириклай хонавайрон қиласан. Бу пуллар билан терговчини сотиб олиб, қўзғатилган жиноят ишини ёпса бўлади.

Бароннинг илтижолари қиз қалбида раҳм-шафқат туйғусини уйғотмади.

- Унда менинг қайтиб кетишим учун чиптага пул берарсиз?

Аниса ўрnidан турди ва эшик томон юрди. Барон

унинг йўлини тўсди.

- Тўхта, - деди қизнинг қўлидан ушлаб. - Кетишга шошилма. Мен ўйлаб кўрай.

- Унда сизга эрталаб қўнғироқ қиламан!

- Менинг аҳволимни тушун, қизим. Бир кун эмас, бир соат ҳам кутолмайман. Алёнанинг ҳаёти хатарда. Уни тутиб олишса, уйим куяди. Қилган меҳнатларим зое кетади. Майли, таклифингга розиман. - деди иложсиз қолган Барон. - Энди мен билан ҳозироқ докторнинг олдига борасан!

- У ерда нима қиламан?! - ҳайрон бўлди қиз.

- Таниш докторлар бизни кутишмоқда.

Анисанинг юзидаги чандиқни олиб ташлаш учун жарроҳлар пластик операция ўтказишлари зарур эди. Қизнинг юзидаги чандиқ билан милицияни ишонтириб бўлмасди.

- Мен доктордан қўрқаман, амаки, - деди Аниса чўчиб.

- Бунинг қўрқадиган жойи йўқ, қизим, улар ўн дақиқада юзингдаги тиртигингни олиб ташлашади.

Аниса Бароннинг таклифига кўнди.

Чол ўзига қарашли докторнинг ҳузурига қизни бошлаб борди. Кекса шифокор қизнинг юзидаги чандиқни диққат билан кўрди.

- Йигирма дақиқада чандиқни йўқотиб ташлаш мумкин, - деди Баронга.

- Жароҳатнинг битишини неча кун кутаман? - сўради тоқатсизланган чол.

- Бир кун!

Бир кун барибир йилдан кўпроқдек туюлса-да, Барон ноилож рози бўлди.

Аниса ўша соатдаёқ операция столига ётди. Ярим

соат давом этган операция жараёнида қизнинг юзидаги нуқсон олиб ташланди. Жарроҳлик амалиёти учун Бароннинг ҳамёнидан ўн минг доллар маблағ кетди.

Эртаси куни Анисанинг юзидан докалар олинди. Унинг қўлига ойнани тутқозишди. Аниса аксини кўриб, ўзини танимай қолаёзди. Юзидаги чандиқ йўқолганди. Бурнининг пучуқлиги ҳам билинмасди. Ёш қизлардек гўзал ва дилбар қиёфага кирганди. Барон ҳам рўпарасида ўзининг эркатой ва қувноқ қизини кўргандек суюнди.

- Қачон бизга рухсат берасиз, доктор? - сўради бетоқлатланган Барон. У кечадан буён касалхонада яшаб, қизининг тақдирдан хавотирда эди.

- Яна бир кун сабр қилинг, - деди шифокор.

- Бардошим тугади, азизим - жавоб қилди Барон.

- Рухсат беринг, биз қайтайлик! - Айни дамда кекса лўлининг юрагини қандайдир нохун ҳислар чулғаб олганди.

- Унда эрталаб кетасиз. Биз ўзимизнинг охириги муолажаларимизни ўтказайлик.

- Яна қандай муолижалар ўтказасиз? - таажжубланди лўли чол.

- Малҳам суртаб қўямиз. - жарроҳ уни ранжитмаслик мақсадида шундай деди.

Барон рози бўлди.

Уйга қайтишган заҳоти Барон ваъдасининг устидан чиқди. Аниса учун шаҳар марказидан уч хонали уй олиб берди. Банкка пул ўтказди. Шундан сўнг уни дала - ҳовлисига олиб кетди. Алёна қиёфалошини кўриб, таёқдек қотиб қолди.

- Бўлиб ўтган воқеани рўйи-рост айтиб бер. - деди

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

Аниса дугонаси билан кўришиб бўлгач.

Алёна ўша кунги воқеани, хона ичидаги жиҳозларни, ўртада бўлиб ўтган гап-сўзларни, ҳатто Маҳмуд унинг қайси қўлидан ушлаб, тўшакка тортганини гапириб берди.

- Энди сен ўзингни озодман, деб ҳисоблайвер. - деди Аниса дугонасини бағрига босиб. - Турмага мен кираман!

- Менинг ўрнимга жазога тортилаётганингдан изтиробдаман, - Алёна кўз ёшларини артди. - Виждон азоби мени бир умрга тинч қўймаслигига ишонаман!

- Кўпам қайгураверма, сен ўзингнинг номусингни ҳимоя қилгансан, Ўрнингда мен бўлганимда ҳам шу йўлни тутган бўлардим. Бунинг учун қонун мени ҳимоя қилади. Суд нари борса, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилади. Балки қамамас!

- Гапингга тушунмадим, - деди Алёна. - Нега бундай деяпсан?

Аниса дугонасининг елкасига қўлини ташлади.

- Мен ҳомиладорман. Қорнимда тўрт ойлик болам бор. Ҳукуматнинг қонуни бўйича ҳомиладор аёллар қамоққа олинмайди!

Алёна дугонасининг қўлига тўппонча билан унинг ҳужжатини топширди.

- Буни сотиб олганман, ноқонуний эмас!

- Сен менга қўйиладиган яна бир айбдан халос қилдинг! Ярим соатдан кейин мен милиция идорасида бўламан, сен эса отанг билан ўз уйингга кетавер!

Аниса шу сўзларни айтиб, хонадан чиқиб кетди.

* * *

Шухрат Шарифовичга берилган ваъданинг уддасидан чиқиш учун Барон яна қўшимча икки кун муҳлат олди. Бунинг боиси, юқорида биз таъкидлаган воқеанинг содир бўлиши билан боғлиқ эди. Лўли чол ўз сўзининг уддасидан чиқди. Изқувар айтганидек ўртада бўлиб ўтган гап-сўзларнинг исини Ҳамидга сездирмади. Аввалгидек муносабатда бўлди.

Қизнинг ўша куннинг ўзидаёқ тўппончани олиб, милиция идорасига кетиши лўли чол учун ҳақиқий байрамга айланди. Шу пайтгача юрагини қийнаб, азоблаб келаётган барча оғриқлардан, хавотирлардан халос бўлган Баронни олдинда нималар кутаётгани тўғрисидаги ҳикоямизни давом эттириш фурсати ҳам етиб келди...

Володя ва Витя улар ўйлаб юрган режаларини тезроқ амалга оширишни бир неча бор Ҳамидга айтган бўлишса-да, негадир у ўзи таклиф қилган ишни пайсалга солаётганининг сабаби тушунишмасди. Бу галги машваратда ҳаммаларининг юракларини така-пука қилаётган нарса бош мавзуга айланди. Володя қандай қилиб бўлмасин, ишга нуқта қўйишни мақсад қилганди.

- Кутавериб сабр-бардошим тугади, - деди у ошкора хафа бўлиб. Ўзига қолса бу ишни шерикларини орага суқмасдан уддаламоқчи бўларди. Пул яширилган жойни кўрмаганидан афсусланарди. - Бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Тушларимда ҳам лаънати пулларни кўраман! Бугундан ортиқ кутолмайман!

- Ўринли таклиф, - гапга қўшилди Витя. - Ишдан кейин ҳаммамиз йигилайлик. Маслаҳатни бир жойга қўяйлик!

Унинг ҳам хаёлидан пул кетмасди. Ўзига қолса, бу ишни ёлғиз, шерикларини орага суқмасдан уддаламоқчи эди. Афсуски, пул яширилган жойни билмасди.

Улфатлар ишдан кейин кечки овқатни бирга қилишди. Бир шиша арақни майдалаб ичишди. Ҳамид дўстларига Баронни кечадан бери ўзгариб қолганидан шикоят қилди.

- Лўли мenden хонасининг калитини тортиб олди. Қоғозларни топширишимни айтди. Фақат янги ҳисобчи келмаяпти.

- Барон сенга ишонмай қўйган, - деди Витя. - Бугун - эрта уйдан ҳайдайди.

- Гуноҳ иш қилмадим, топшириқларини ўз вақтида бажармоқдаман! - соддалик билан деди Ҳамид.

- Чол бекордан-бекорга қўлингдан калитни тортиб олмаган, ҳужжатларни топширишингни талаб қилмаётган, бирор айб қилгандирсанки, шундай қилган!

- Унда ишни пайсалга солмай тезлатишимиз керак! - уни қувватлади Володя.

- Тўғриси кутиш менинг ҳам жонимга тегди. Эртага ҳайдаб юборса қаерга бораман?

- Дўстларим, - деди Витя шивирлаб. - Барон бугун тунда лўлиларнинг қандайдир маросимига боради. Эрталаб қайтиб келади. Ишни тунда бажарамиз! Соатларингни тўғрилаб олинглар. Операция тунги соат ўн иккида бошланади!

- Борди-ю, хўжайин келиб қолса-чи? - Бу ҳамма

наrsaга шубҳа билан қаровчи Ҳамиднинг сўзи эди.

- Эшик олдида Витяни қолдирамиз. Келиб қолса, остонадаёқ бошига тўқмоқ билан урасан! - буюрди Володя.

- Мен-а? - худди ҳозир чолни урадигандек кўрқиб кетди Витя. - Илтимос, бу ишни менинг зиммамга юклама. Умримда одам урмаганман.

- Аҳмоқ, урмаган бўлсанг энди урасан. Кўз олдинга Баронни эмас, қопоғон итни келтириб ур!

- Сандиқнинг калити Бароннинг ҳамёнида туради. Бусиз очиб бўлмайди. - деди Ҳамид. - Бирорта темир буюм тайёрлаб қўйишимиз керак. Калит ўрнида ишлатамиз...

- Сандиқни очишни менга қўйиб қўй, - керилиб жавоб қайтарди Валодя.

- Ўйлаб қўйган режамизнинг муваффақиятли амалга ошиши учун кўтардик, - Витя қадаҳларга арақ қўйди.

== ==

Ўша оқшом Барон шаҳардаги ишларини тугатиб, дўстларининг ҳузурига жўнаб кетганди. Аниса ўзини милицияга тутиб бергани, Алёнани эса Москвага жўнаб кетаётганидан кўнгли хотиржам тортганди.

- Мен сени кузатиш учун аэропортга чиқмайман, оппоғим, - деди қизи билан хайрлашиш олдида. - Ўзинг биласан, кўпчилик мени танийди. Ёнингда юрганимни кўришса, шубҳаланишлари мумкин.

- Бундан асло хафа эмасман, ота. Сиз мен учун қўлингиздан келган ҳамма ишни қилдингиз! Маблағларингизни сарфладингиз. Ўлмасам, уларни қайтараман!

Барон фарзандини бағрига олди.

- Нимаики топган, тўплаган бўлсам, барчаси сен учун, сенинг бахтинг учун!

Чол шу сўзларни айтиб йиғлаб юборди...

Лўлиларнинг ишдан сўнг ўзларининг шаҳар четидаги дам олиш чорбоғларида тўпланиб, ярим тунгача улфатчилик қилиб ўтирадиган удумлари бўларди. Барон ўзининг миллатдошлари билан бу тун тонггача ўтиришга, дилхушлик қилишга қарор қилди. Хотини ўлганидан сўнг дўстларининг қистови билан ўзидан анча кичик ёшда бўлган соҳибжамол Анастасия исмли аёлга илакишиб қолганди. Унинг висолдан ва ширин бўсаларидан фақатгина шундай ўтириш кунлари баҳраманд бўларди. Бугун у кўнглига барча хурсандчилик ва барча кайфу-сафоларни сиғдира оларди. Анастасиянинг эркалашларини ҳам соғинганди. Шу сабабли унинг ёнида ўтирарди. Бир қўлини аёлнинг белидан ўтказиб, гоҳи-гоҳида бошини унинг елкасига қўйиб оларди. Аёл кечага ўзига ҳаддан зиёд оро бериб, ноёб атир-упаларни суртиб, энг қимматбаҳо кўйлагини кийиб келганди. Кекса лўли димоғига урилаган тотли ҳиддан маст эди. Боши айлангудек бўлар ва ғам-ташвишлардан оқарган оқ сочли калласини аёлнинг кўкрагига янада қаттиқроқ босгиси келарди. Анастасия эса унинг сочларини силар, қулоқларининг супрасини уқалар, гоҳида меҳри ийиб, қорайиб кетган ва серажин пешонасидан ўпиб қўярди. Мана шу бўса Бароннинг томиридаги қонни кўпиртирарди. Умрининг йигирма йилини ёлғизликда ўтказаётганини эслаб, надоматлар чечарди. У аёлини ҳаддан ташқари суйгани ва унга

бўлган чексиз садоқати туфайли ҳам Анастасияни ўз кошонасига олиб кетолмасди. Бунга Алёна уна-масди. «Онамнинг руҳи безовта бўлишини истамай-ман, ота. Кўнгилхушликларингизни уйда эмас, кў-чаларда қилинг-у, аммо онамнинг руҳи қолган уйга бегона аёлни бошлаб кела кўрманг», деб минг бора уқтирганди.

Қизининг хатардан йироқда яшаётганидан боши осмонга етгудек хурсанд бўлган Барон айти пайтда Анастасия билан яқинлик қилиш истагида эканли-гини ўзининг қўл ҳаракатлари билан билдиришга ҳаракат қиларди. Унинг учун ҳаммаси ўз изига тушгандек эди. Эрталаб Қоплоннинг одамлари кел-са, Ҳамидни уларнинг кўлига топширади.

- Сабр қил, жоним, ҳаммасига улгурамиз. Ҳали тонг отишига анча вақт бор, - дерди Анастасия унинг юзларига енгилгина шапати уриб. - Қани, тур ўрнингдан, куй-қўшиқлар янграётган кечала биз ҳам ёшлигимизни хотирлаб, рақсга тушайлик, қўшиқ куйлайлик. Ҳамманинг эътиборини ўзимизга қара-тиб ўтиришимиз гуноҳ.

Анастасия ширакайф Бароннинг қўлидан ушлаб, ўрнидан турғазиб, саҳнага олиб чиқди. У шўх ва айти пайтда овози ўткир аёл эди.

- Ҳой, йигитлар! Биз учун Тангони чалинглар!! Унинг садолари остида Барон иккимиз рақсга ту-шамиз!

Созандалар созларини қўлга олиб, созлашиб, бир-бирлари билан кўз уриштиришиб, Тангони чалишди. Лўлилар созлар товушига ҳамоҳанг қий-қиришди. Анастасия ёш қизлардек даврани айла-ниб, пилдираб рақсга тушиб кетди. У гавдасига

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

қараганда анча енгил, худди ёш қизлардек ҳаракат қиларди. Барон ҳам қўллари ва оёқларини ҳаракатга келтириб, кенг кўкрагини кериб, ҳайбатли бошини орқага ташлаб, суйганининг ёнида парвона бўларди. У кўпдан бери бугунгидек рақсга тушмаганди. Чолнинг чаққон ҳаракатлари атрофни ўраб олган барча лўлиларни лол қолдирди. Куй уларнинг ҳаракатларига ҳамоҳанг тарзда янграрди. Барон юрагидан булоқдек отилиб келаётган қувонч ва шодликни тўхтатиб туролмади. Овозининг борича лапар куйлади. Унинг бу қўшиғи севги ва ишқни тараннум эртарди. Ҳозиргина қарсак чалиб, Анастасия билан Бароннинг рақсини олқишлаб турган лўлиларнинг барчасини қўшиқ мазмуни сеҳрлаб қўйганди. Ҳаммалари нафасларини ичларига ютган кўйи, Бароннинг қалбидан отилиб чиқаётган қўшиққа қулоқ тутишарди. Янграётган бу қўшиқ тун бағрида гўё қанот қоқаётган лочиндек жуда ҳам олисларга таралиб кетаётгандек, унинг сеҳридан мудраб ётган табиат уйғониб, маст-аласт бўлиб, кайф сураётгандек эди. Барон қўшиқни куйлаб, поёнига етказганида, мусиқа садолари тинганда ҳам лўлилар анча пайтгача ўз жойларидан қимир этишмади. Улар гўё сеҳрлангандек, сахна ўртасида турган Барон билан Анастасияга тикилиб қолишганди. Бир неча сониядан сўнг лўлилар бирдан ўзларига келишиб, қарсак чалишиб, икковларини олқишлашди.

- Браво!!

- Қойил, Барон!

Дилбар ва файзли бу базм ярим тунгача давом этди. Лўлилар яқин ўртада бу қадар яйраб кулишмаганди, бу қадар уларнинг диллари шодлик ва

қувончга тўлмаганди. Улар бир-бирлари билан хайр-хушлашар экан, яна бир бор Бароннинг санъатига тасаннолар айтишди.

- Энди бизнинг кечаларимиз, базмларимиз, ўтиришларимиз сенинг иштирокингизсиз ўтмайди, Барон. Мана, атрофингда сенинг ёр-биродарларинг, дўстларинг, жигарларинг! Шулар олдида бизни ёлғизлатиб қўймасликка, доимо биз билан бирга бўлишга сўз бер! Ахир, бир пайтлар ҳар томонга тўзиб кетган лўлиларни бир жойга жамлаб, бошларини қовуштиргансан-ку!

Бароннинг кўзлари севинч ёшларидан намланди. Ўзига кўрсатилаётган бу илтифотдан боши осмонга етгудек қувонди. Кекса-ёшларнинг олдида ҳурмати улуғлигидан, ҳозир ҳам уни аввалгидек иззат қилишларидан мамнун бўлди. Қани энди бугунги кечада Алёна бўлганида? Лўлиларнинг олдида отасининг мартабаси нақадар улуғ эканлигини кўрса, шаънига айтилаётган олқишларни эшитса эди...

- Ҳаммангизнинг олдингизда сўз бераман! - деди Барон ва гурсиллаб тепаётган юрагининг ҳаприқишини босиш мақсадида бир сония жим қолди лўли чол. Унинг катта-катта, томирлари қизариб кетган кўзларидан оқиб тушаётган қувонч ёшлари қорайган, бироз шишинқираган яноқларини ювиб, оқ оралаган соқоллари орасига сингиб кетарди. - Энди доимо биргамиз, азизларим!

Шундай қилиб лўлилар ҳар томонга тарқаб кетишди.

- Ажойиб қўшиқ куйладинг, - деди Анастасия сўқмоқ йўлдан уйлари томон боришар экан. У Бароннинг қўлтиғидан ушлаб олганди. - Бундай

ёқимли ва дилбар қўшиқни барча лўлилар ҳаётларида илк бора эшитишган бўлишса ажаб эмас. Шунинг учун сени ўз уйимга таклиф қилдим. Меҳмоним бўл, меҳрибоним! Тонгни бирга кутамиз!

Барон ўзи соғинган ва кўпдан бери кутаётган бу таклифни бошини эгиб, минатдорчилик билан қабул қилди. Улар ўзларининг ҳали бир-бирларига айтиб улгурмаган суҳбатларини давом эттириш мақсадида Анастасиянинг кулбаси томон кетиб боришаётганини ҳамма кўрди ва билди. Бироқ уларга боққан кўзларда ҳасад эмас, ҳавас учқунлари ялтирарди.

Барон Анастасиянинг кучоғида тонгни бедор қаршилади. Иккалалари ўзга одамларга айтиб бўлмайдиган, фақат ўзларигагина аён бўлган гапларни гаплашиб ётишди. Худди узоқ йиллардан бери бир-бирларини кўрмаган ошиқлардек, бир - бирларини маҳкам кучоқлашганича ётишди. «Қани энди тонг отмаса, кучоғимдаги дилбар ўрнидан турмаса», дея ўйларди кекса лўли. Аммо ҳеч кимнинг измига итоат этмайдиган табиат уйғонганди.

Барон ўрнидан туришга мажбур бўлди. Ювиниб-тараниб, уйига жўнаш фурсати келганлигини айтди. Анастасия тайёрлаб қўйган нонуштага ҳам қарамади. Бир пиёла қаҳва ичди-да, аёлнинг юзидан ўпиб, уйдан чиқиб етди. Ахир бугун Қоплоннинг одамлари унинг олдига келишлари керак эди-да!..

* * *

Тунги соат ўн икки бўлганда дўстлар жамланишди. Аввалдан келишганларидек, Витянинг қўлига бир қулоч келадиган арматурани бериб, эшик олди-

да қолдиришди. Володя қаердандир учи ялпоқ ломни топиб келди. Ҳамид ётоқхона эшигидаги қулфни бурагич билан очди. Ичкарига киришганида пул сақланадиган жойни Володяга кўрсатди.

- Бу ерда ҳеч қандай сандиқ йўқ-ку? - деди ҳайрон бўлган рус.

- Жавоннинг ичида, - кўрсатди Ҳамид.

- Аҳмоқ, бунинг ичида сандиқ нима қилади?

- Ўз кўзим билан кўрганман, Барон пулни шу жавон ичига солганди. Қаеридадир эшик бўлиши керак!

Улар ойнали жавоннинг эшигини бузишди. Токчаларга териб қўйилган буюмларни ерга улоқтиришди. Унинг ортида сандиқ борлигини ҳақиқатдан ҳам одам тасаввурига сиғдиролмасди. Сандиқнинг эшиги шу қадар мустаҳкам эди-ки, уни очиш унча-мунча одамнинг қўлидан келавермасди. Володянинг темирчиликдан хабардорлиги кўл келиб қолди. У ломни қаерга уришни яхши биларди. Эшикни бузиш анча вақтни олди. Ниҳоят, қулф очилди. Очилди-ю, ҳам Володянинг, ҳам Ҳамиднинг кўзлари соққасидан ирғиб чиқиб кетаёзди. Сандиқ ичида бир эмас, иккита қопда пуллар тахланиб ётарди. Қароқчилар хўжайинларининг бойлиги бу қадар бисёрлигини хаёлларига келтиришмаганди. Сандиқнинг тепа қисмида аёлларнинг тилла ва бриллиант тақинчоқлари териб қўйилганди. Буларга кўзи тушган заҳотиёқ Ҳамид елкаси билан шеригини туртиб, буюмларга чанг солди. Володя ҳам қуруқ қолишни истамади. Қўлига илинган нарсаларни чўнтақларига тикди.

- Ҳамид, Алибобонинг хазинасига дуч келиб

қолдик, биродар. Буларни бизга Худонинг ўзи етказди. Тиллалар тўғрисида Витяга оғиз оча кўрма. Билмагани яхши. Биз унга пулларни берамиз.

- Мени туртма, оёқларинг остидаги пулларни эзгилама, улар сочилиб кетса, иш пачава бўлади. Чўнтақларим тўлди, Володя, бас, етар энди, қолгани турсин!

- Нимага турар экан, ахир биз қайнар хумчага дуч келдик. Ташлаб кетсак, гуноҳга ботамиз. Кейин афсус чекиб, ўзимизни ўзимиз кечиролмаймиз.

- Барондан кўрқяпман, - Чўнтақлари аллақачон тақинчоқларга тўлган Ҳамид ҳамон қўлига илинган марварид, бриллиант ва олтин буюмларни қўйнига тиқишда давом этарди. - У ҳозир келиб, бизни тутиб олса-я, нақ теримизни шилиб олади. Бошимизда тегирмон тошини айлантиради.

- Келса келар, - дерди бунга жавобан Володя. - Ундан кўрқадиган жойим йўқ. - Бошига темир билан уриб, етти буклаб, мана шу сандиқнинг ичига тиқиб қўяман.

Володянинг ҳамёнлари ҳам тўлиб-тошганди. Ниҳоят, навбат пулга келганди. Улар кўтариб кетиш учун тайёр эди. Володя қопни елкасига ортиб, эшик томон юрди. Ортидан Ҳамид эргашди. Шунда унинг кўзи оёғи остида ёнғоқдек келадиган бриллиантга тушиб қолди. У ўзидан ўнга яқин нур таратиб, товланарди. Ҳамид уни олиб, кўкрак чўнтагига жойлади. Витя шерикларининг олдига физиллаб келди.

- Барон келяпти! - деди ит қувган соқовдек ҳансираб.

Володя билан Ҳамид турган жойларида тошдек

қотиб қолишди. Витянинг кўзи шерикларининг чўнтақларидан чиқиб, осилиб турган тақинчоқларга тушди У бир зум ақли-хушидан айрилган телбадек серрайиб қолди.

- Сен чиқ, - деди у Витяга. - Баронни гапга солиб тур. Биз деразадан ошиб ўтиб, тинчитамиз.

Витя топшириққа сўзсиз итоат этди.

- Қалтирама, ўзингни қўлга ол! - қўшимча қилди Ҳамид.

Афсуски, Витя ўзини қўлга ололмади. Рангирўйидан қон қочганди. Вужуди титраб, ташқарига юрди. Ўзини Бароннинг оёғи остига ташлаб, узр сўрашга шай эди. Бироқ у остонада Баронга эмас, бошқа одамга дуч келди.

- Баронни чақириб юборолмайсизми? - деди нотаниш кимса.

- У киши уйда йўқлар, - Витянинг тили зўрға айланди.

- Қаерга кетдилар?

- Билмадим, бу кеча уйга келмадилар.

- Қаёққа кетганларини айтмаганмилар?

- Йўқ.

- Биз бирор соатдан кейин хабар олармиз, келсалар тайинлаб қўйинг, бирор ёққа кетмай турсинлар!

Витя эшикни ёпди-ю, деворга суяниб, энгил тин олди. Кўксини ёриб чиққудек ураётган юрагининг гурсиллаши ўзига эшитилиб турарди. Володя билан Ҳамид шошганча унинг ёнига келди. Уларнинг ранги-рўйи бир аҳволда эди.

- Тинчликми? - сўрашди улар Витядан. - Нима гап? Ким экан?

- Танимадим, хўжайинни сўради. - деди Витя. -

Афтидан темир олиб келган бўлса керак!

Володя билан Ҳамид бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди...

- Тентак, нимага келдингиз, хўжайинда қандай ишингиз бор эди, деб сўрамадингми?

- Ҳушим жойида бўлмаса, нима қилай?

Учовлари яна ичкарига қараб юришди...

* * *

Барон кўча бошида машинадан тушиб қолди. Уйигача яёв юриб, увишган оёқларининг чигилини ёзмоқ мақсадида шундай қилганди. Қоплоннинг одамлари келадиған вақт бўлганди. Оқшом кўп ичиб қўйганидан боши зирқираб оғрирди. Ўзини ланж ҳис этарди. У шундоқ олдиға келиб тўхтаган машинаға ҳам эътибор бермади. Эшик очилиб, пастға тушган одам «Барон», деб чақиргандагина қария ортиға қайрилди. Ўн қадам нарида турган кимсани хира тортган, уйқуга тўймаган кўзлари илғамади.

- Мен Шухратман! - ўзини таништирди изқувар.

- Шундагина Барон ўзига келди ва келиши керак бўлган одамни таниди.

- Ҳозир уйингиздан келяпмиз.

Қария келгувчининг мақсадини тушунди.

- Қачон олиб кетмоқчисиз? - сўради гарчи уларға эрталаб келишни тайинлаган бўлса-да.

- Ҳозир қайтамыз. Қоронғу тушгунича чегараға етиб олишимиз керак. - деди Шухрат Шарифович.

- Унда машинани қайтаринг?! - буюрди Барон.

Кекса лўли машинаға ўтирди ва уларни уйига

бошлади. Бу орада Ҳамид билан Володя хўжайиннинг ётоғидан олиб чиққан пулларни йул сумкаларига жойлаб бўлишганди. Витя ҳам ичкаридаги қолган-қутган тақинчоқларни кичкинагина халтачага тиқиштирарди.

Куча эшик олдига машина келиб тўхтаганини биринчи бўлиб Володя сезди.

- Кимдир келди? - деди у ҳадикдан катта-катта бўлиб кетган кўзларини шерикларига қадаб. Ҳам-малари шамдек қотиб қолишди. Машинада Бароннинг келганига уларнинг ишончи комил эди. Эшик тирқишидан қараган Витя машинадан Барон тушганини шерикларига маълум қилди. Володя бояги арматурани қўлига олди ва ўзини эшик орқасига яширди. Уй эгаси остона ҳатлаб ўтиши биланоқ пахмоқ сочли бошига уриб, худди қовоқдек иккига ёриб ташламоқчи бўлди.

Барон ичкарига кирмади. Остонада туриб овоз қилди.

- Ким бор, чиқларинг!

Володя эчкидек сакраб, эшик олдида турган Витянинг ёнига келди ва унинг қулоғига шивирлади:

- Сен чиқ, ўзингни қўлга ол!

Витя кўйлаги билан юзини артиб, маст одамдек оёқлари чалишиб, ташқарига чиқди.

- Нима бало, ухламаганмисан, нега оёғинг қалтирайди?! - ўшқирди лўли Витяга юзланиб. - Ё ичиб олдингми? Биламан, мен уйда бўлмасам сенларга байрам бўлади!

- Ухламадик, хўжайин, - минғирлади Витя. - Сиз келмаганингизга хавотирландик...

- Ҳамидни чақир! - буюрди Витяга.

Витя хўжайиннинг сўроқ-саволидан осонгина қутулиб, чаққонгина ортига бурилиб, ичкарига кириб кетди. Бароннинг гапини Ҳамид эшитиб турганди. Юраги орқага тортиб, оёқлари қалтираб кетди. Бироқ унга рўпара бўлмасдан, қошига чиқмасдан иложи йўқ эди. Барон кириб келгудек бўлса, уйдаги аҳволни кўрса, ҳаммаси расво бўлишини, қўлга тушишларини яхши биларди. У шоша-пиша чўнтагидагиларни олиб, кўзга ташланмайдиган жойга яширди. Кийимларини эпақага келтирди, сочларини қўллари билан теккислаб, юз-кўзидаги қўрқув ва ҳаяжонни сохта кулгу билан ниқоблаб, эшик томон юрди.

Шуҳрат Шарифович Барон билан ўзаро суҳбатлашиб турарди.

- Бизни шаҳардан чиққунча кузатиб қўйсангиз, - деди у уй эгасига. - Ҳамид сиз билан бўлса хавотирланмайди. Шаҳардан чиққандан кейин у ёғига ўзимиз бир амаллаб олиб кетамиз.

- «Тилла бола» менга қатта яхшилик қилди, - деди Барон. - Аслида Ҳамидни мен ўз қўлим билан унга топширишим керак эди.

- Шунисига ҳам раҳмат. Қоплонбекни ҳар хил тухматлардан асрадингиз. Яхшилигингизни унутмаймиз.

Ҳамид чиқиб келди. Шуҳрат Шарифович тезда ўзини машина ичига урди. Ўзини танитмаслик учун кўзига қора кўзойнак тақиб олганди.

- Машинага чиқ! - буюрди Барон.

- Тинчликми, хўжайин? - Ҳамиднинг юраги қандайдир нохушликни сезди.

- Булар менинг меҳмонларим. Темир олиб келишибди. Ҳозир чегарага бориб келасизлар!

- Кийиниб олай!

- Тўйга кетаётганимиз йўқ, ўтир!

Барон орқа эшикни очди. Ҳамид ноилож машинага чиқди. Лули чол олдинги ўриндиққа ўтирди. Машина қўзғалганида Витя билан Володя енгил тин олишди.

* * *

Султонхон ташқарига чиқди-ю, ақлдан озган одамдек қаёққа боришни билмай, гангиб қолди. Ризонинг худбинлигидан, Мирхолдордек дўстига қилган юзсизлигидан қаттиқ ғазабланди. Унинг бу ерда пайдо бўлиб қолганидан ажабланди. Мирхолдор унга Ғаффорни ўлдириб, қочиб кетганини айтганди. Жувон Саидни ўз хўжайинига содиқ, вафодор, деб ўйлаганди. Кузатаётганда ҳеч ким халақит бермаслигини, ортидан одамлари кузатиб боришини тайинлаганди. Йўлга чиққанлигини Ризога ким айтган? Уни тушириб қолишга ким ундаган? Наҳотки, Саид сотган бўлса?

Султонхон чегарада кутаётганлар тўғрисида ўйлай бошлади. Ҳали ҳам йўлга термулиб ўтиришгандир? Мирхолдорга телефон қилиб, «одаминг келмади», деб хафа бўлишаётгандир? Энг ёмони Ризо узугини олиб қўйди. Учрашадиган кимсалар бусиз уни танишармикин? Мирхолдор «уларда ҳам шундай узук бор», деб тайинлаганди. Энди Султонхон уларни излайди. Ҳар бир одамнинг бармоғига боқади.

Аёл орқага қайтишга қарор қилди. «Бўлиб ўтган ишлардан Мирхолдорни хабардор қиламан», деб ўйлади... У йўлдан ўтаётган машиналарга қўл кўтарди. Бири тўхтади. Ҳайдовчидан темир йўл бекатига ташлаб қўйишни илтимос қилди.

Бекатда йўловчилар кўп эмасди. Султонхон бўш ўриндиққа ўтирди. Чарчаганди, кўзларига уйқу тўр ташлаганди. Бунинг устига қорни ҳам очганди. Аёл буфетдан егулик харид қилди.

- Ёнингиз бўшми? - эркак кишининг овозини эшитган жувон бошини кўтарди. Рўпарасида пўрим кийинган, кўринишидан талабага ўхшайдиган йигит турарди.

- Бўш, - хушламай жавоб қайтарди аёл.

Йигит ўтирди. Сумкасидан газета олиб варақлади. Аёлнинг юраги негадир безовта бўлди. Хаёлига ҳар турли фикрлар келди. Ваҳимага тушди. «Яна изимга тушишибди», деб кўнглидан ўтказди. Кетмоқчи бўлди, аммо улгурмади.

- «Дори» ёнингиздами?

Султонхон қулоғига чалинган овозни эшитиб, йигитнинг қўлига қаради. Бармоғида бриллиант кўзли узук ялтираб турарди. У ўз одами эканлигини билди.

- Мирхолдор ташвишда! - паст овозда гапирди йигит.

- Мени Саид Ризонинг қўлига тутиб берди, - ҳасрат қилди аёл шивирлаб.

- Хабаримиз бор. «Дори» нима бўлди?

- Ёнимда...

- Топишолмадимми?

- Топадиган жойга яширмагандим...

- Раҳмат, ҳозир келадиган поездга чиқинг. Олтинчи вагон, ўн иккинчи хона сизга ажратилган.

- Қаерда тушиб қоламан?

- Буни одамларимиз маълум қилишади.

Йигит чиптани аёлнинг ёнига қўйди.

- Узугимни олиб қўйишди!

Йигит газетадан бошини кўтарди ва аёлнинг юзига боқди. Лекин гапирмади. Бармоғидаги узукни ечиб, Султонхонга узатди.

- Ҳозироқ тақиб олинг! Саид қаерда?

- Ризонинг уйида!

Йигит ўрнидан турди ва ўзини одамлар орасига урди.

Аёл бармоғига узукни таққан заҳоти чанқоғи қонган ташна одамдек ўзини енгил ҳис этди. Ваҳима ва қўрқувларни унутди.

Султонхон хонага кирганида, ҳарбий кийимдаги зобитдан ўзга йўловчи йўқ эди. Поезд қўзғалиши биланоқ, ўзига ажратилган ўринга чиқиб ётди. Тезда ухлаб қолди. Кўзини очганда кеч бўлганди. Поезд шаҳар ва қишлоқларни ортда қолдириб, поёнсиз саҳроларда кетиб борарди. Хонада зобит борлиги учунми, чегарачилар уни ортиқча текшириб ўтиришмади. Шунчаки паспортини кўришди, холос. Поезд эртаси куни ҳам йўлда давом этди. Саҳролар тугаб, овул-қишлоқлар кўзга ташланиб, мол-қўй боқиб юрган чўпон-чўлиқлар кўриниб қолганди.

Поезд эрталаб шаҳарга кириб келди. Жувон қаерда туришини билмасди. Кечадан бери хонасига биров кирмади. У безовталаниб, тез-тез ташқарига чиқиб турди. Йўлакда тик турганча, ойнага юзини

босиб, кўз олдидан лип-лип ўтиб бораётган баланд биноларни томоша қилиб борди. Оёқлари толиқди.

- Мазангиз йўқми, опа? - сўради зобит Султонхон хонага қайтиб кирганда.

«Ўзимни сездириб қўйдим шекилли», ўйлади аёл.

- Зерикдим, ука, - деди қандай баҳона топишни билмай.

- Москвага борасизми?

Бу саволга жавоб бериш қийин эди.

- Йўқ, йўлда тушаман!

Эшик қия очиқ турарди. Йўлакдан ўтаётганлар кўриниб турсин, деб Султонхон атайин уни шундай қолдирганди. Дераза олдида пайдо бўлган ўрта ёшлардаги одам аёлнинг диққатини жалб қилди. У чап қўлини бошидан баландроқ кўтариб олганди. «Мен кутаётган кимса шу бўлса керак», ўйлади Султонхон ва ташқарига чиқди. Йўловчининг қўлларига қаради. Кўрсаткич бармоғида бриллиант кўзли узук ялтираб турарди. Аёл унинг ёнига яқин борди. Йўловчи қарамади.

- Навбатдаги бекатда тушасан, - буюрди ва бошқа сўз айтмай, қўшни вагонга ўтиб кетди.

Поезд тўхтади, беш-олтита йўловчи тушди. Бояги кимса Султонхонни бекатдан унча узоқ бўлмаган уйлардан бирига бошлаб кирди. Бу ерда ўзларидан бошқа одам кўринмади.

- «Дори»ни ол! - буюрди нотаниш кимса.

- Тескари қараб турунг, - деди аёл.

Эркак юзини бурди. Аёл кўйлагини кўтарди ва яширган жойидан муштдек «дори»ни олди.

- Ҳаммаси шуми?

- Шу!

Эркак жувоннинг қўлига қайтиш учун чипта тутқазди.

- Ҳафтанинг охирида сени шу ерда кутамиз, - деди у. - Бизнинг номимиздан Мирхолдорга салом айт! «Дори»дан кўпроқ жўнатсин! Каттанинг топ-шириғи шундай!

* * *

Мирхолдор зудлик билан Саидни йўқотишни буюрди:

- Ризога тегманглар, яшаш жойи маълум, биздан қочиб қутулолмайди. Истаган пайтда уни тутиб, жазосини берамиз. Муҳими унинг ёрдами билан Саидни ушланглар!

Тўданинг уч йигити йўлга чиқди.

Султонхон кетгач, Ризо ўйланиб қолди. Бу ишининг оқибати яхшиликка олиб бормаслигига ақли етди. «Аёл ҳамма гапни Мирхолдорга айтади. У қасоскор одам. Ўч олмагунча тинчимайди. Пайт пойлайди. Кутилмаганда шундай зарба беради-ки, бу зарбага унча-мунча одам чидамайди».

Ризо Мирхолдорнинг ғазабидан қутулиш учун баҳона изларди. Бугун бўлмаса эртага, албатта, одамлари келишади. Бу ишда қўли йўқлигига уларни ишонтириш учун важ-карсон зарур. Қутулишнинг йўли Саидни тутиб бериш. Ахир Султонхонни қайси вагонда, нечанчи хонада келаётганини у айтмаганида, Ризо қаердан биларди? Мана шу фикр Ризони хатар ботқоғидан қутқариши мумкин эди. У Саидни кўздан қочирмаслик мақсадида

шаҳардаги уйларидан бирини унинг ихтиёрига топширди.

- Айшингни суриб яшайвер, йигит! Бу ерда сенга ҳеч ким ҳалақит бермайди. Одамларим хабар олиб туришади, - деди калитни унинг қўлига топширар экан.

Ризонинг ниятидан беҳабар бўлган Саид бу илтифотни ўзига кўрсатилган меҳрибонлик ўрнида қабул қилди. Аслида уни шаҳарда қолишга тоқати йўқ эди.

Ризонинг ўйлаганлари ҳақиқат бўлиб чиқди. Икки кун ўтиб, Мирхолдорнинг «учар»лари келишди.

- Хўжайин сиздан қаттиқ хафа, одамимизни йигитларингиз тўсишибди.

- Тепамда Худо турибди, мен бу ишлардан беҳабарман, - ўзини гўлликка солиб қасам ичди Ризо. - Султонхонни шу ерда кўрганим чин. Аммо уни тутиб келишда менинг қўлим йўқ. Мирхолдор ўн йиллик қадрдоним. Унга хиёнат қилишга, одамларини ранжитишга ҳаддим сиғармиди?

- Одамларимизнинг хабар беришича, Султонхонни айнан сизнинг йигитларингиз поезддан тушириб қолганмиш.

- Ким айтган бўлсаям, бекорларнинг бештасини айтибди, одамларим менинг рухсатимсиз иш қилишга журъат этишолмайди.

Мирхолдорнинг одамлари бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

- Йигитларимиз хўжайинга ёлғон гап етказишмайди.

Ризо бетоқатланди.

- Одамингиз йигитларимдан бирортасининг ис-

мини, афти-башарасини эслаб қолибдими? Ҳозироқ тутиб келтириб, олдингизда терисини шилиб оламан!

- Афсуски, уларнинг исми бизга номаълум. Султонхон қайтганидан кейин, албатта, буни аниқлаймиз... Лекин Мирхолдорнинг сиздан ранжишининг бошқа сабаби бор.

- Хўш? - бетоқатланди Ризо.

- Саид паноҳингизда экан. Агар сиз бошлиғимизга дўст бўлсангиз, уни қўлимизга топширинг! Шунда хўжайин сиздан миннатдор бўлади.

- Йўқ, уни ўзим жазолайман, - деди Ризо меҳмонларга қарата. - Дўстимга қилган хиёрати учун оёғидан осаман!

Ризо ёлғон гапиришдан уялмади. Гоҳ бақириб, гоҳ асабийлашиб, меҳмонларнинг ишончини қозонишга мушарраф бўлди.

- Хўжайинга садоқатингизнинг кучлилигини билдик, - деди «учар»лардан бири. - Лекин Саидни бизга беринг! Хўжайин уни ўзлари жазоламасалар, юракларининг хумори босилмайди!

- Қадрдонимга ўша исқирт керак экан, марҳамат, ҳозироқ олиб кетишларинг мумкин. Аммо Мирхолдордек одамни алдаб юрган бу товламачи мен ҳақимда бўлар-бўлмас гапларни айтиб, ўртамиздаги биродарлик риштасини узмасайди, деб қўрқаман!

- Хотирингиз жам бўлсин, энди унинг рост гапига биз ҳам ишонмаймиз!

Меҳмонлардан бири томонидан айтилган бу сўз Ризонинг юрагига хотиржамлик сувини сепди.

- Энди бизга рухсат берасиз, Ризобек. Қайтишимиз лозим.

/// /// /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР /// /// ///

- Бу кеча қолинглар, азиз меҳмоним бўлинглар!
- Хўжайин кутмоқда. Бизга Саид яшаётган уйнинг қаердалигини айтинг?!

- Яхшиси ўзим сизларни бошлаб бораман! - деди Ризо. Йигитлар ўринларидан туришди.

...Саидга уй маъқул келганди. Зерикиб қолмаслик мақсадида дайдиб юрган енгил табиатли аёллардан бирини бошлаб келди. Музлаткичда егулик ва ичимликлар муҳайё эди. Улар ечиниб, бир-бирларининг пинжига кириб ичишди. Тезда кайфлари ошди. Кўнғироқ жиринглаганда Саид чўмилиш хонасида ювинаётганди. Эшикни аёл очди. Йигитлар ичкарига киришди.

- Саид қани?! - улардан бири аёлни бурчакка қисиб сўради.

- Ювиняпти, - зўрға тили айланиб жавоб қилди аёл.

Йигитлар чўмилиш хонасига ўтишди. Саидни яланғоч ҳолда судраб чиқишди. Булар Мирхолдорнинг югурдаклари эканлигини билди. Кўли орқага қайрилган Саид машинага ўтираётганда кўзи Ризога тушди. У ҳеч нарса билмагандек, тишларини кавлаб, ўзининг машинасида ялпайиб ўтирарди.

- Хоин, барибир итлигингни қипсанда, ифлос! Унутма, ўлмасам бир кун ёнингга қайтиб келаман. Оёғингдан осиб, қонингни ичмасам онамининг сути ҳаром бўлсин!

Ризо бу сўзларни эшитса ҳам парво қилмади.

- Аввал ўз жонингни ўйла, мишиқи! Сени курортга олиб кетишаётгани йўқ. Тавба қилиш ўрнига қонимни ичмоқчи бўляпсанми? Кўрамиз, ким кимнинг қонини ичаркин? - минғирлади Ризо.

Йигитлар жўнаб кетишди. Ризо «Жигули» ортидан бир зум қараб қолди. Кутилмаганда юрагини ваҳима босди. «Ишқилиб қочириб юборишмасинда», деган фикр дилидан ўтди.

* * *

Саидни Мирхолдорнинг олдига олиб келишди.

- Мен сени сўроқ-савол қилишни истамайман, - деди Мирхолдор ғазабдан тишларини гичирлатиб. - Ўз жазонинг ўзинг билан. Лекин бир гапни айтиб қўяй. Сен номардлик қилдинг, Фаффорни ўлдириб қочдинг!

- Хўжайин, - ўзини қандай жазо кутаётганини кўз ўнгига келтириб, қўрқувдан дағ-дағ титраётган Саид Мирхолдорнинг гапини кесди. - Мен... мен қочиш мақсадида уни ўлдирмадим. Сув сўрагандим, Ф аффор юзимга қараб чоптирди. Жаҳл устида...

- Мен боя сен билан гаплашишни истамайман, дедим. - Мирхолдор ташқарига қараб қичқирди. - Шавкат!

Ичкарига барзанги йигит кирди.

- Басалла!

Шавкат Саиднинг кўз ёшларига, ялиниб-ёлворишларига қулоқ солмай, ташқарига судради. Йўл-йўлакай елкасига илиб олган қўшотарни қўлига олиб, қўндоғи билан уриб борди. Чодир ёнида қумга санчилган белкуракни олишни ҳам унутмади. Саид Шавкат уни қаёққа олиб кетаётганини билганди. Шу сабабли тобора узоқлашиб бораётган чодир томонга қараб қичқирарди, Мирхолдорнинг афв этишини сўрарди.

- Тавба қилдим, хўжайин, бу гал кечиринг, бир кунингизга яраб қоламан!!

- Юм оғзингни, сотқин, энди нариги дунёда тавба қиласан. Бу ёруғ оламда сенинг тавбаларингни қабул қиладиган ҳам, эшитадиган ҳам одам қолмаган. Қани, имилламай илдамроқ юр! Акс ҳолда кундоқ билан бошингни иккига бўлиб қўяман, - дея қўлидаги милтиқни силтаб қўярди Шавкат. Саид зарба тушишидан, кўзига қон тўлган бу кимса ҳақиқатдан ҳам бошини ёриб қўйишидан чўчиб, тепаликка тирмашиб чиқарди. Бақирришлари, кўз ёшлари, тавбалари-ю ялиниб-ёлворишлари билан чодир ичида қолган Мирхолдорнинг юрагида зигирча меҳр-шафқат уйғотолмаслигини тушунди. Энди у қўлларини кўкка чўзиб Худога тавалло қиларди. Фақат угина ҳаётини сақлаб қолиши мумкинлигига ишонарди. «О, Яратган эгам, мўъжизангни кўрсат, тухматларнинг қурбони бўлаётган банданга раҳм қил. Уни мана шу дўзахдек саҳрода ўлиб кетишидан ўзинг асра! Бундан кейинги умримни фақат сенга тоат-ибодатда ўтказишга қасам ичаман. Ноумид қилма, илтижоларимни инобатга ол, ё Тангрим».

Улар бархандан ошиб ўтишди. Мирхолдорнинг чодирини кўринмай қолди. Шавкат тўхтади. У ўзи учун қулай жойни топганди. Саиднинг олдида куракни улоқтирди.

- Ўзинг сигадиган, қўл-оёғинг торлик қилмайдиган лаҳад ковла! - буюрди милтиқнинг учини Саиднинг кўкрагига тираб. - Имилламай, тезроқ қимирла, акс ҳолда гўр қазинингни ҳам кутмай, пешонангга бир жуфт ўқни жойлаб, ўлигингни қуш-у-

кумурсқаларга ташлаб кетвораман!

- Шавкат, - ялинувчан оҳангда илтижо қилди Саид.

- Юм оғзингни, сен билан гаплашиш ман қилинган!

Саид ноилож куракни олди ва қабр қазий бошлади. Шавкат четроққа бориб, пастаккина янтоқнинг соясига ёнбошлаб, милтиқнинг учини Саидга тўғрилаб, уни тезроқ ишлашга ундаб ўтирарди. «Қизиқ, деб ўйларди у. Одам ўлишини билиб, ўзи учун қабр кавласа-я? Ҳозир Саиднинг кўнглидан нималар кечяптийкин? Жасади қум тагида қолиб кетади. Шу билан номи ўчади».

- Шавкат!

- Юм оғзингни! Имиллама, тезроқ ишла, кун исияпти! Кутишга тоқатим йўқ. Қорним очган!

Саиднинг ҳам қорни очганди. Қўлидаги куракни зўрға кўтарарди. Ковлаган чуқурга ёнбошдан шовуллаб қум тушарди, иши унмасди. Бундан Шавкатнинг газаби тошар, оғзига келган сўзлар билан Саидни бўралаб сўкарди.

- Ён томонни кенг ол. Шундай қилсанг қум тушмайди. Чуқур бўлиши шарт эмас, тизза бўйи кифоя. Муҳими ўлигинг кўринмаса, сасиган ис атроф-теваракка тарқалмаса бас!

Қора терга ботган, юрак-бағри эзилиб адо бўлган Саид юм-юм йиғларди. Юзидаги терга кўзларидеги шашқатор ёшлар қўшилиб кетарди. Кўйлаги жиққа ҳўл бўлганди. Куруқшаб қолган, қум зарралари ёпишган қонсиз лаблари ҳамон титрарди. Болалигида ота-онасидан эшитган, хотирасида муҳрланиб қолган, бироқ кейинги ўн йил ичида бирор марота-

ба тилига олмай унутилиб бораётган дуоларни так-рорларди. Қандайдир мўъжиза рўй бериб, жони омон қолишини Худодан тиларди. Қаршисидаги бераҳм, бағритош Шавкатдан ўзга кимса бўлмаган поёнсиз саҳрода унинг жонини фақат Тангри ўзининг кутилмаган мўъжизаси билан сақлаб қолиши мумкинлигига ишонарди.

Шавкатнинг сабри чидамади. Қуёш тепалаб бораётганлиги учун янтоқнинг сояси кичрайиб офтобда қолганди. У ўрнидан турди. Саиднинг тепасига келди. Чуқурни айланиб кўрди.

- Менимча, бўлади, шу ерга сиғасан! - деди.

- Яна бироз ковлай, ҳеч бўлмаса тизза бўйи бўлсин! - ўлишни истамаган Саид бу гапни ҳам йиғлаб, ҳам қийналиб айтди. Кўнглининг бир четигадаги липиллаб турган бояги умид ҳали ҳам сўнмаганди.

Қуёш порлаб турса, осмонда тўрғайлар қанот қоқиб, бири олиб, бошқаси қўйиб сайраб учса, қум устида бўлса-да, янтоқ, явшонлар гуркираб ўсиб турса, кимнинг ўлгиси келарди? Ким ҳам ўз инонихтиёри билан ўзини ўққа тутиб берарди? Бирдан хаёлига Ризо келди. «Қонингни ичмасам, онамнинг берган сути ҳаром бўлсин», деб ичган қасами қулоқлари остида жаранглади. «Наҳотки, ўч олмай ўлиб кетсам», деб ўйлади. У белкуракни қумга санчиб, қаддини ростлаб, Шавкатга юзланди.

- Сенга бир гап айтиш эсимдан чиқибди, - деди юзидаги тер ва кўз ёшларини кафти билан сидириб ташларкан.

- Яна нима дейсан? - беписандлик билан тўнғиллади Шавкат.

- Амирхонни ким ўлдирганини биламан!
 - Қайси Амирхонни? Мен бунақа одамни танимайман!

Саиднинг ҳафсаласи пир бўлди.

- Мирхолдорга айтиб қўй, Амирхонни Ризо ўлдиртирган!

- Бунинг менга қизиғи йўқ, - Саиднинг сўзини кесиб деди Шавкат. - Вақтни чўзмай тезроқ қимирла. Ҳеч қандай баҳоналар, ҳеч қандай сабаблар сенинг бошингда айланиб турган ажал шарпасини ҳайдаёлмайди. Менимча қазиган чуқуринг бўлади.

Шавкат чуқурга қараб, уч-тўрт қадам нари кетди. Узоқроқдан отгани дуруст. Устига қон сачрамайди. Шавкат милтиқнинг тепкисини орқага қайирди.

- Шавкат! - сўнги бор илтижо қилди Саид, аммо шу заҳотиёқ томоғи гиппа бўғилиб гапини тугатолмади. У ҳўнграб йиғлаб юборди. Елкасидан юк босиб тургандек қадди букилиб, қум устига ўтириб қолди. Отаётган одамга қараш оғир эди. Қўллари билан юзини чангаллаб, ҳўнг - ҳўнг йиғлади. Бу хуноба ёшлар, бу илтижолар Шавкатнинг қалбидаги қаҳр музини эритолмагани каби қароридан ҳам қайтармади. У милтиқнинг кўндоғини елкасига тираб, бир кўзини юмиб, Саиднинг пешонасини нишонга олди. Унинг вужуди кўзга айланганди. Ортидаги одамнинг ҳаракатларини, ҳатто қўллари тепкига борганини ҳам ҳис этиб турарди. У ёшлардан ачишган кўзларини юмиб олди. Укирикни ҳам ичига ютди. Тишларини тишларига босиб, ўқ овозини кутди. Бир, икки, уч.. Негадир милтиқ жим эди. Кутилмаганда Шавкатнинг чинқириғи қулоғини тешиб юбораёзди. Саид ортига қарашга

улгурмади, бирин-кетин икки ўқ товуши янгради. «Нега тегмади? Нишонни хато олдимиз?», ўйлади Саид. У ортига бурилди. Шавкат ҳамон қичқирарди, бир метрлар чамасидаги эчкиэмар гоҳ сакраб, гоҳ пишқириб, тишларини кўрсатиб, унга ҳамла қиларди. Милтиқдаги иккита ўқни отиб бўлганди, бошқа патрон қолмаганди. Саид Худо зорига етганини билди. Шавкат ўзини эчкиэмарнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш билан овора бўлиб турганида, у пастлик томон чопди. Шавкатнинг жон ҳолатда қичқирганига қулоқ солмади.

- Саид.. и.. дд!!!

* * *

Аэропортда «Аниса»ни жиноят қидирув бўлимининг ходимлари тўхтатиб қолишди.

- Ҳужжатларингизни кўрсатсангиз? - деди улардан бири.

«Аниса» паспортини кўрсатди. Изқувар бир паспортдаги суратга, бир қизнинг ўзига тикилди. Кейин йигитлардан бири чўнтагидан фотосуратни олиб, унга солиштирди. Суратдаги қиз билан «Аниса» бир-бирларига жуда ўхшашлигидан ҳайрон қолишди.

- Бизни кечиринг, сизни қидирувдаги бир аёлга ўхшатдик, - узр сўради йигитлардан бири.

- Ҳечқиси йўқ, одам одамга ўхшайди-да, - «Аниса» ҳаяжонланаётганини билдирмасликка уринди ва айни пайтда отасининг «бир-икки кун сабр қил, кейин кетарсан», деган сўзига қулоқ солмаганидан афсусланди.

Қидирув бўлими ходими паспортни эгасига қайтариш асносида, унинг юзига диққат билан боқди. Изқуварнинг нигоҳи ҳужжат эгасининг юзидаги киши пайқаш қийин бўлган белгиларни илғаб олди. Расмдаги қизнинг чап юзида бир миллиметрча чандиги борлиги, бурнининг ялпоқлиги, қулогининг чўзинчоқлиги унда шубҳа уйғотганди. Аммо рўпарасида турган аёлнинг юзида бундай белгилар йўқ эди.

- Мумкин бўлса, қўшни хонага чиқиб турсангиз, паспортингизни текширувдан ўтказиб олсак, - деди изқувар. «Аниса» айтилган хонага ўтди.

- Темиртош, паспорт эгаси менда шубҳа уйғотмоқда, - деди изқувар шеригига. - Назаримда, ҳужжат бошқа одамники. Юзларидаги белгилар ўхшашаяпти!

Темиртош ҳужжатни олди ва ундаги расмга синчиқлаб қаради. Ҳақиқатдан ҳам тафовут бор эди.

- Паспорт олишда эски суратини бергандир-да.
- Ҳужжатни олганига икки йил бўлган.
- Алёна шу эмасмикин?
- Паспортини компьютерга сол!

Темиртош компьютерни очди. Алёнанинг расмини топди. Суратлар таққосланди.

Ҳақиқатдан ҳам улар бир-бирига ўхшаса-да, пешонасининг кенлиги, қулоқ ва бурун қисмлари уларнинг бошқа одам эканлигини билдириб турарди.

- Аниса паспортни Қарагандадан олган. Назаримда, у Алёна исмли қиёфадешининг паспортидан фойдаланаётган бўлиши мумкин.

- Қараганда билан боғлан, Аниса тўғрисида

маълумот сўра. Мен шаҳар ички ишлар бўлимига хабар қиламан.

- Алёна ўз ихтиёри билан олдимизга келди, - деди шаҳар ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмидаги зобит. - У ҳозир терговчининг хонасида кўрсатма берапти.

- Биз ҳам Алёнага ўхшаш аёлни қўлга олдик. Илтимос, қидирувдаги аёлнинг паспортини синчиклаб текшириб кўрсаларинг. Улар қиёфадош.

- Самолётнинг учишига қанча вақт бор? - сўради навбатчилик қисмидаги зобит.

- Бир соат.

- Унда «Аниса»ни идорага олиб келсаларинг. Уларни юзма-юз қилишимиз ҳам лозим.

Темиртош гумондор аёлни шаҳар милиция бўлимига боришини айтганида, «Аниса» бунга рози бўлмади.

- Менинг самолётга чиптам бор. Бир соатдан сўнг учишим керак. Москвада мени яқинларим кутишмоқда.

- Улгурасиз, - деди Темиртош. - Самолёт сизсиз парвоз қилмайди.

Барибир «Аниса» розилик бермай туриб олди.

- Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ. Устингиздан прокурорга арз қиламан.

- Биз сизни бир жинойатчи аёл билан юзлаштирамоқчимиз, бу билан сиз терговга ёрдам берган бўласиз, - аёлни кўндирилмаганидан хуноб бўларди Темиртош. Борамиз-у дарров орқага қайтамыз! Билиб қўйинг, агар бош тортгудек бўлсангиз, самолётдан ҳам қолиб кетасиз.

«Аниса» ноилож уларнинг талабига рози бўлди.

Тергов хонасига киришганда «Алёна» терговчининг рўпарасида ўтириб, унинг саволларига жавоб берарди. Бу орада терговчи паспорт бўлиmidан Анисанинг ҳужжатларини олдириб келганди. У аёлларнинг бир-бирига ўхшашлигидан лол қолди.

- Сизлар бир-бирингизни танийсизларми? - сўради терговчи.

Улар бир хил жавоб қилишди.

- Йўқ!

- Жиноятни қайси бирларингиз содир этгансизлар?

- Мен, - жавоб қилди ёлланган аёл.

- Мени паспортдаги суратлар таажжубга солмоқда. Назаримда ҳужжат олаётганларингда расмларинг алмашиб қолмаганми?

- Одамнинг қиёфаси бир кунда минг мартаба ўзгариб, тусланиб туради, - жавоб қилди «Аниса». - Айбдор айбига иқрор бўляпти. Мени ушлаб туришга ҳаққингиз йўқ. Самолётдан кечикяпман.

- Ҳа, айбдор қилмишига иқрор бўляпти. Сизни ушлаб туришга ҳаққимиз йўқ, - деди терговчи.

- Унда мени аэропортга ...

«Аниса» гапини тутатолмади. Телефон жиринглаб қолди. Терговчи узр, дегандек бармоғини лабига босиб, гўшакни кўтарди.

- Эшитаман. Шундайми, қайси Барон? Пионерский кўчасидаги... Ҳозир етиб бораман!

- Отамга нима бўлибди? - Бу сўз кутилмаганда «Аниса»нинг оғзидан чиқиб кетди. Терговчи унга юзланди.

- Отангиз одам ўлдирибди? - деди у аёлга юзланиб.

- Бўлиши мумкин эмас? - деди ранги-қути докадек

оқариб кетган қиз.

- Афсуски, менга шундай маълумот беришди.

«Аниса» бошқа гапирмади. У ўзини фош қилиб қўйганди.

* * *

Барон ўзида йўқ хурсанд эди. Қоплоннинг олдида юзи ёруғ бўлди. Бир неча кундан бери юрагини азоблаётган ғашлик ўрнини шодлик эгаллаганди. У уйига яхши кайфиятда қайтарди. Кеча кўпроқ ичиб қўйгани учун бошида енгил оғриқ турганди. Очлик ва ташналик уни ошхонага етаклади. Кекса лўли ўзига қулай жой топиб ўтирди. Кўнгли тусаган таомларни буюрди. Чолнинг иштаҳаси шу қадар очилиб кетганди-ки, хизматкорга бир йўла уч хил таом буюрди. Олдидаги овқатларни кўрган одам уни бир ўзи еб тугатишига ишонгиси келмасди. Икки юз граммча ароқ унга камлик қилди, кейин яна шунча буюрди. Ичкиликдан сўнг дили сархуш тортди. Қорни тўйгач ҳам уйига ошиқмади. Шошилишга ҳожат йўқ эди. Барча ташвишлари ортда қолди. Қизи ҳозир Москвага учиб кетган. Аниса мелисахонада. Терговчини қийнаб ўтирмайди. Одам ўлдирганини тан олади, ҳужжатларга имзо чекиб беради. Қарабсизки, суд ўн йилгами, ўн беш йилгами озодликдан маҳрум қилади. Алёнаси эса бошқа ном билан яна кучоғида яшайди.

Барон уйига жўнади. Икки чақиримли масофа қолганди. Кўнгли пиёда юришни тусаб қолди. У шу қадар бахтиёр, шу қадар қувноқ эди-ки, ҳатто ёнидан ўтиб бораётган йўловчиларга ҳам аҳамият

бермай, ўзи билган, кеча оқшом Анастасия билан рақсга тушиб, куйлаган қўшигини хиргойи қилиб борарди. Қўшиқ унинг танасидаги чарчоқни қувиб чиқарарди. Куйлаганида хаёлида Анастасиянинг дилбар жамоли намоён бўларди.

Барон ширин орзу ва ўй-хаёллар оғушида уйига етиб келди. Ичкарига кирмасидан юрагини ёмон ҳовур босди. Ҳовлида нимадир бўлгандек туюлди. Кенг дунё бирданига зулмат ичида қолгандек туюлди. Барон қадамини илдамлатди. Остонадан ўтиши биланоқ совуқ манзарага кўзи тушди.

- Витя, Володя! - Барон овозини баланд кутариб, хизматкорларини чақирди. Унинг шарпасини эшитган заҳоти ҳозир-нозир бўладиган хизматкорлардан жавоб қайтмади.

- Витя, Володя!! - боягидан қаттиқроқ бақириб ўз хонасига кириб борди лўли чол.

Ичкаридаги манзара ташқаридагидан баттар даҳшатли эди. Буюмлар остин-устун бўлиб, оёқлари остида ётарди. Бароннинг кўз олдини зулмат қоплади. Шошиб хонасига кириб борди. Темир сандиқни очиқ ҳолда кўриб, додлаб юборди. Пуллар ва тилла тақинчоқлар жойида кўринмасди. Бароннинг боши айланиб, ерга йиқилди. Бироқ ҳушидан кетмаган ва ўзини йўқотмаганди. Мушт бўлиб тугилган қўллари билан ерни муштлаб ётар экан, бирдан хаёлига чақиндек урилган фикрдан ўрнидан ирғиб турди. «Ўғрилар узоққа кетолмаган», деб ўйлади.

Барон шаҳардаги танишларига қўнғироқ қилди ва хизматкорларининг қиёфаларини уларга айтиб, тутишни буюрди.

- Улар мени бор - будимни шилиб кетишди, бири оқсоқ, чап оёғини судраб босади. Иккинчисининг бўйи паст, тепа сочи йўқ, билагиди Витя деган ёзув бор!

Барча лўлилар оёққа туришди.

* * *

Бу пайтда Володя билан Витя тезроқ шаҳардан чиқиб кетишга шошиларди. Киракаш машиналардан бирини тўхтатишди.

- Бизни чегарагача ташлаб қўй! - деди Володя ҳайдовчига.

- Қанча тўлайсизлар?

- Оғзингга сиққанини!

- Юз доллардан!

- Чегарадан ўтказиб қўйиш шарти билан!

- Унда яна юз доллардан қўшасизлар.

Тортишиб ўтирадиган пайт эмасди. Бошқа вақт бўлганида, айниқса, Володя ҳайдовчини арзимаган пулга кўндирган бўларди. Ҳозир эса унинг амрига итоат этишга мажбур, дақиқалар ганимат. Тезроқ шаҳардан чиқиб кетишлари лозим. Акс ҳолда ҳаммаси остин-устун бўлиб кетиши мумкин. Барон уйга қайтган ва ичкаридаги манзарани кўрган бўлса, мелесага хабар берган бўлиши ҳам мумкин. Қароқчилар ўзларини машина ичига уришди.

- Тезроқ ҳайда! - буюрди Володя. - Биз маросимга кетяпмиз, кечикмай етиб боришимиз керак!

Машина жойидан кўзғалганида ўғриларнинг кўнгли хотиржам тортиб, ўзларини эмин-эркин ҳис этишди.

Бор-будидан айрилган Барон беҳол ва бемажол ҳолда йиғлаб ётарди. У ўз одамларига хабар берганига икки соатдан ўтган бўлса-да, ҳеч ким телефон қилмади. Кекса лўлининг бутун диққати телефонга қаратилганди. Ниҳоят, у жиринглади.

- Бутун шаҳарни кезиб чиқдик. Аммо хизматқорларингга кўзимиз тушмади. Одамларимиз қидиришни давом эттиришмоқда. Назаримда, улар аллақачон шаҳардан чиқиб кетишган бўлса керак!

- Унда бошқа шаҳарлардаги лўлиларга ҳам хабар қилинлар! Улар топилмаса, мени тириклай қабрга тиқасизлар!

Бирин-кетин телефон жиринглай бошлади. Мамлакатнинг турли бурчакларидан қўнғироқ қилаётган лўлилар ўғриларни топишолмаётганини афсус билан маълум қилишарди. Барон умидини узди. Йиллаб терган, кўз қорачиғидек асраб - авайлаган бойликларидан жудо бўлганига ишонч ҳосил қилди. У бир неча соат ичида қариб қолгандек, бели букилиб, узоқ вақт тўшакда дард чеккан бемор аҳволига тушиб қолганди. Ўрнидан туришга ҳам мажоли қолмаганди. Кекса лўли ўзининг яқинлари даврасида ҳамиша бир сўзни айтишни ёқтирарди. «Пул одамни яшартиради, семиртиради, қувонтиради». Пулсизлик инсонни қандай азобларга гирифтор қилишини, кафансиз қабрга тиқишини эса бугун ҳис этди.

Эрталабгача ҳеч ким телефон қилмади. Барон эса қимирламай, кўзларини юммай, тонг оттирди. Ёзилиш мақсадида ўрнидан турди. Ташқарига чиққанида эшик очилиб, икки нотаниш лўли кириб келди. Барон уларни танимади. «Кўнгил сўраб

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

келишаётган бўлса керак-да», деган фикр хаёлидан кечди. Қария улар билан гаплашишни истамди. Ҳожатхона томон юрар экан, лўлилардан бири уни чақирди.

- Барон, суюнчини олиб чиқ!

Чолнинг юраги тўхтаб қолаёзди. «Наҳотки, ушлашган бўлишса», дея ўйлади.

- Қани улар? Менга кўрсатинг уларни?! - чол эшик олдида турган лўлилар томон чопди. Шу пайт эшик очилиб, яна икки лўли Витя билан Володянинг қўлларидан судраб киришди. Уларнинг елкаларида Баронга таниш йўл сумкалари бор эди. Гарчи бойликлари қайтганига ишонган бўлса-да, Бароннинг газаби босилмади. У қутурган йиртқич каби хизматкорларига ташланди.

- Нонимни еб, тузимни ялаб, мени таладингми, қаззоблар!! Қайси гуноҳим, қайси ёмонлигим учун шу ишни қилдиларинг?! - Барон биринчи бўлиб Витянинг бўйнидан бўғди. Унинг жаҳли келганида, асаблари тутиб қолганида, ўзини бошқара олмасди, нима қилаётганини ҳам идрок этолмасди. У танасидаги бутун кучни қўлига тўплаб, деворга тираниб турган Витянинг бўйнидан бўғарди. Хизматкорнинг ранги кўкариб, нафаси ичига тушиб, оғзидан кўпик келиб, бир-икки типирчилаб, кўзлари тепага битиб қолди. Барон унинг ингичка бўйнидан қўлини олганида, Витя ерга йиқилди. Қария бунга аҳамият бермади. У шундай жаҳл, шундай қаҳр билан Володянинг бўйнига ёпишди. Бироқ у хўжайиннинг газабидан қутулиш мақсадида бир оғиз сўзни айтишга улгурди.

- Ҳамид.. - У бошқа гапиролмади. Ҳамиднинг

номини тилга олиши ҳам хўжайиннинг қаҳридан туширмади. Барон унинг нима демоқчилигига қизиқмади ҳам. Бақувват, узун бармоқлари хизматкорнинг бўйнига паншахадек санчилганди. Нафас олиш йўллари тўсилганди. Бир зумда ранги-қути гезариб, кўзлари соққасидан ирғиб чиқиб, оғзидан кўпик келиб, ерга қулади. Барон жаҳл устида ҳар икки хизматкорини ўлдириб қўйганини бир неча дақиқа ўтгач, таранглашган асаблари бўшашиб, ўзига келгандан кейингина билди.

* * *

Эллик минг доллар Ризога тинчлик бермасди. «Ишқилиб аҳмоқ Баҳром аҳдидан қайтмасинда», деб кўрқарди. Баҳром ўша куниеқ гамини еб қўйганди. Шаҳарнинг казо-казо бойларига кўнгироқ қилиб, пулни тўплаганди. Ризо идорасига келиб, Борини чақириб, уни Олма-Отага жўнашини айтди.

- Аҳмад нима бўлади? Олдин уни бир ёқлик қилайлик, - деди.

- У кўлимизда, ҳеч қаёққа қочиб кетолмайди. Аввал биз Ҳамидни тинчитайлик. Ҳозироқ бориб, изига туш. Бароннинг кўзига чалинма. Ўзингни танитмай, Ҳамидни басарлаб, изингга қайт.

- Бу иш зарурми? - пулдан беҳабар Бори кутилмаганда бошлиғининг аҳди ўзгариб қолганидан ҳайрон эди.

- Менга савол берма. Топшириқни бажар!

Бори Олма-Отага жўнади. Ризо яна Баҳромга кўнгироқ қилди.

- Ваъдангда турибсанми ёки айниб қолдингми, ит?

/// /// /// ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР /// /// ///

- Нега айний? - деди Баҳром. - Ичимни ит тирнаяпти, кечалари ухламаяпман.

- Ваъда қилинган нарсанинг гамини едингми?

- Ҳаммаси тайёр. Топшириқ бажарилган заҳоти ўзим қўлингизга топшираман!

- О, кучайибсан-да?

- Ваъда улуғ нарса, хўжайин!

Ризо Борининг йўлига кўз тикарди. Уни тезроқ қайтишини кутарди. Юрагини пул ёндирадди. Уни қўлга киритса, Қоплонни синдиради, комбинатни сотиб олади. Корхона қўлга ўтса, шаҳарда обрўси, мавқеи кўтарилади. Аммо вақт имиллаб ўтарди, бундан Ризонинг юраги ёрилиб кетадигандек типирчиларди.

Ва ниҳоят Бори қайтди.

- Кўринишингдан бўрига ўхшайсан, - деди хўжайин уни қарши олар экан.

- Худо ишимни ўнглади, хўжайин? - деди тантанавор оҳангда Бори. - Иш сиз ўйлагандан ҳам осонроқ ҳал бўлди

- Гапир, нима қилдинг? Баронга кўринмадингми? - хушхабарни тезроқ эшитишга шошиларди Ризо.

- Бароннинг уйини осон топдим. Сиз чизиб берган схема бўйича бордим. Аммо ўша кунни лўлининг уйини мелиса босган экан!

- Нима, Ҳамидни ўлдирмадингми? - қовоқ-тумшуги осилиб кетган Ризо унинг сўзини кесди.

- Аввал гапимни охиригача эшитинг, - деди Бори қўл силтаб.

- Хуллас, мен етиб борганимда мелисалар Бароннинг қўлига кишан солиб, машинага ўтказишаётган экан. Панада туриб кузатдим. Мели-

салар уйининг эшикларини ҳам печатлашди. Қўш-ниларидан «Нима гап, нега Баронни ушлашди?», деб сўрадим. «Хизматкорларини ўлдириб қўйибди», деди улар. «Қайси хизматкорларини?» деб яна қизиқдим. «Уйдаги хизматкорларинида. Нонкўрлар чолнинг бойлигини ўғирлашган экан», деб жавоб қилишди қўшнилари.

- Ҳамид ҳам бор эканми, уни сўрадингми?! - бетоқатланган Ризонинг кўнгли жойига тушмасди.

- Сўрадим, хўжайин, бир ўзбек ҳам Бароннинг хизматини қиларди, ўшаниям ўлдирибдими, деб сўрадим. Улар «ҳа» деб жавоб қилишди. Кейин сиздан суюнчи олиш мақсадида изимга қайтдим!

- Менга далил, исбот керак, Бори! - Ризо безовталаниб асабийлашди.

Бори ёнини ковлди. Чўнтагидан букланган газетани олиб, хўжайинга узатди.

- Бароннинг қотиллиги тўғрисида шу газетада ёзишган.

Ризо газетани варақлади. Катта ҳарфлар билан «Барон хизматкорларини нега ўлдирди?» деган мақолага кўзи тушди. Аммо унда ўлган одамларнинг исми-шарифи кўрсатилмаганди. Бу билан Баҳромни ишонтириш мумкинми? Ишонади, ахир учрашганларида Ҳамиднинг хизматкор бўлиб ишлаётганини эшитган. Қолаверса, бундай ўғирлик унинг қўлидан келишига ҳам ишонади? Газета исбот ва далил ўрнини босади. Ахир унга ёлгон нарсаларни ёзишмайди-ку!

- Ҳамид Бароннинг бойликларини ўғирламоқчи бўлган, лўли чол бунга сезиб қолган ва аччиқ устида ўлдирган! Қойил! Энди эллик минг доллар чўнта-

гимда!

- Қанақа эллик минг? - ҳайрон бўлди Бори.

Ризо бу сўз ихтиёрсиз оғзидан чиқиб кетганини тушунди.

- Бориб дамингни ол, - деди Борига. - Керак бўлганигда ўзим чақиртираман!

Ризо гўшакни кўтарди. Баҳромга қўнғироқ қилди.

- Толшириқ бажарилди, пулни тайёрлайвер!

- Йўғ-е, мунча тез? - ишонқирамади Баҳром.

- Биз тезкорлик билан ишлаймиз-да!

- Сўзингизни исботлайдиган далил-исбот борми?

- Ҳужжатим бор, йигит!

- Кечки пайт «Ал - машриқ» ресторанида кўришамиз! - жавоб қилди Баҳром.

Ризо анчадан бери бугунгидек қувонмаганди. У қўлларини қарсиллатиб, эллик мингни бир неча бор тилига олиб, хона ичида айланди. Эшик очилиб, Шарофатнинг кириб келганини ҳам пайқамади.

- Мумкинми, Ризобек? - аёл остонада туриб изн сўради.

- Эй, киринг опа, киринг? - Анчадан бери бундай ширин сўз эшитмаган жувон ичкарига кирди.

- Хўш, қандай шамол учирди? Менинг хурсандчилигимга шодлик қўшадиган қандай янгилик келтирдингиз? Қоплон нима қияпти? Ҳалиям топганини қурилишга чаплаб юрибдими?

Шарофат қизининг ўқишига ўтказиладиган контракт пули масаласида келганди. Лекин муҳим хабар айтмай, ундан пул ундириб бўлмаслигини тушунарди. Гапни қулоғига чалинган янгиликдан бошлади.

- Қосим билан Элёр Олма-Отага кетишувди.

Бугун қайтишди.

- Яна Бароннинг ёнига пул сўраб боришгандир-да? - жилмайди Ризо.

- Бунисини билмадим-у, аммо кимни олиб келишганини аниқладим.

- Ким экан? - Шарофатни эрмаклагандек сўради Ризо.

- Бир гал айтгандим сизга, анови нефть база бошлиғининг мошинасини минадиган йигит бор эди-ку, оти қурғур...

- Ҳамид! - бирдан жиддийлашди Ризо.

- Ҳа, ўша Ҳамидни олиб келишди.

- Ёлғон! - Ризо ўрнидан туриб кетди.

- Кўзим билан кўрдим, иним! - Шарофатнинг овози қалтираб чиқди. Келтирган янгилиги Ризога ёқмаганлигини кейин билди.

- Ҳамид ўлган!

- Астаффуруллоҳ, ундай деманг, Ризожон. У ҳозир Қоплоннинг хонасида ўтирибди. Ўз кўзим билан кўрдим - а...

Ризонинг қути ўчди.

- Алдаяпсан?

- Сизни алдаган тилимга куйдирги чиқсин, иним!

«Бой ота»нинг вужуди қизиди. Зарб билан столни муштлади. Чойнак ерга учиб тушди.

- Менга қара, кампир, агар алдаган бўлсанг, тилингни юрагингга қўшиб суғуриб оламан!

Шарофатни қалтироқ босди.

- Нега ишонмаяпсиз, Ризобек?

- Ҳамидни илгари кўрганмидинг? Афти қанақа экан?

- Узун бўй, қотмадан келган, қирғий бурун,

қошлари қора, кўзлари қисик. - Шарофат Ризога кўзи билан кўрган одамнинг қиёфасини сўз билан тасвирлаб берди. Унинг ишонмасликдан ўзга иложи қолмади.

- Менга қара, кампир! Агар бу гапни мендан бошқа одамга гуллайдиган бўлсанг, тилингни кесиб оламан!

- Вой, нималар деяпсиз, иним...

- Ҳозир тўғри уйингга бор, бировга кўринма, ҳеч ким билан гаплашма, тушундингми? Икки кундан кейин олдимга келасан! Шарофат ичкаридан чиққунича шөшиб қолди.

Ризо соатига боқди. Учрашадиган вақтга ҳали икки соат бор эди. Нима бўлса бўлди? Энди орқага қайтиш йўқ. Қўлидан пулни олгунича Қоплон уни тутиб келганини милицияга ёки Баҳромга билдирмай турса бас.

Бу пайтда Баҳром тоқатсизлик билан вақт ўтишини кутарди.

* * *

Машина силжиганидан сўнг Ҳамид ёнидагилар Қоплоннинг одамлари эканлигини билганди. Лекин нима сабабдан айнан унинг одамлари тутиб кетишаётганини тушунмай ҳайрон эди. Қочишни кўп ўйлади, аммо икки йигитнинг ўртасида кетаётгани бунга имкон бермасди. Ҳамёнидаги бойликларни сумкага жойлаб қўйгани ва улар Бароннинг уйида қолганидан эса ичи ёнарди. Мабодо ёнини титиб қолишганида ва ўша бойликларни топиб олишганида, шу ернинг ўзидаёқ Барон унинг

жонини суғуриб оларди.

Йўлда машинани ҳеч ким тўсмади. Чегарадан ўтишаётганида ҳам пастга тушишмади. Хужжатларини кўриб, ўтказиб юборишди. Ниҳоят, шаҳарга етиб келишди. Шуҳрат Шарифович уни иккинчи қаватга олиб чиқди. Қовоқлари салқиган, кўзлари бироз қисилган йигитнинг хонасига киришди. Бу Қоплон эканлигини Ҳамид билди.

- Олдинда битта йўл бор, - деди Қоплон. - Ёлғон гапирсанг, алдасанг ўзингга жабр қиласан. Ҳаётингни фақат ҳақиқат сақлаб қолади.

- Нима истайсиз? - минғирлади Ҳамид.

- Ризо ва Баҳром тўғрисида билганларингни рўйи-рост гапиришингни!

- Мени ҳам битта илтимосим бор?

- Гапир?

- Мени милициянинг қўлига топширмасликка сўз беринг?

Қоплон Ҳамиднинг бундай шарт қўйишидан айблари етарли эканлигини билди.

- Аввал гапларингни эшитай, кейин ўйлаб кўраман.

Қоплоннинг жавоби унинг кўрқувдан музлаган юрагида умид уйғотмади.

- Мен ўз бошлигимни ўлдириб қочганман! - деди кўзларини ерга тикиб.

- Унинг хотини билан болаларини ким ўлдирган?

- Буни билмайман.

- Баҳромни нега ўлдирдинг?

- Қарзим кўп эди, сўрайвериб, жонимга тегиб кетди...

- Гапингдан ёлғоннинг иси келяпти!

- Қасам ичаман!

Қоплон Ҳамиднинг ўйнаб турган кўзларига тиклар экан, ниманидир яшираётганини кўнгли сезди.

- Шундай де? Сен бошлигингни бошқа мақсадда ўлдиргансан!

- Уни қандай ўлдирганим билан нима ишингиз бор? Қотиллигимни тан оляпман-ку, яна нима истайсиз?

- Ҳақиқатни айтишингни истагандим. Афсуски, алдадинг!

Ҳамид сўзида туриб олди. «Бошлигим ўлиб кетган, гувоҳ йўқ», деб ўйларди.

- Гапимга ишонинг, - деди у кўзларини бақрайтириб. - Баҳромни мен ўлдирдим. Бошига темир билан уриб, сувга ташлаб юборганман. Бошқа айбим йўқ!

- Унда бир янгиликни эшитиб қўй, сен ўлди, деган Баҳром тирик!

Ҳамид турган жойида музлаб қолди.

- Алдаяпсиз, - деди заиф товушда.

- Ёлгон гапиришга одатланмаганман!

Қоплон телефон рақамларини терди. Гўшакни Ҳамиднинг қўлига тутқазди. Кўнгироқ қилинаётган томондан овоз келди.

- Алло эшитаман. Ким бу?!

Қоплон телефонни узиб қўйди. Ҳамид хўжайинини овозидан таниди. У боягидан баттар яхлаб кетди.

- Энди ростини айтарсан?

Ҳамиднинг олдида ҳақиқатни гапиришдан ўзга йўл қолмаганди... Қоплон мудҳиш ҳикоя тугагунча

бир неча дона сигаретани чекиб ташлади. Охири чидамай, Ҳамиднинг ёқасидан тутди.

- Мана шу айбинг учун менинг икки одамим ҳалиям терговда азоб чекиб ётибди!

Ҳамид ўзининг ҳимоя қиладиган барча йўллар беркилганини билди. Омон қолишнинг иложи борми? Қандай қилиб бўлмасин, Қоплоннинг қўлидан чиқиб, бу ердан гойиб бўлиш мумкин? Унинг хаёлига чўнтагининг четида қолиб кетган бриллиант келди. Унинг қийматини биларди.

- Сиздан жонимни сотиб олмоқчиман, - деди сирли жилмайиб.

Қоплон Ҳамидга ўқрайиб боқди. Бу орада у бриллиантни стол устига қўйишга улгурганди.

- Қаердан олдинг буни?

Қоплон бриллиантни қўлига олганида, Ҳамид хурсанд бўлди ва юрагида умид учқуни ёнди. Лекин саволдан довдираб қолди.

- Узумини енг-у...

- Қаердан олдинг?!

Ҳамид «Тилла йигит»нинг важоҳатидан кўрқиб кетди. Нима дейишни билмади. Такрор ёлғон гапиришни истамасди. Шериклари билан Бароннинг уйидаги бойликларни талаганлигини гапириб берди. Қоплоннинг бир ғазаби икки бўлди.

- Ҳали у ерда ўғирлик ҳам қилдингми, номард?! Ўлдираман!!

Шуҳрат Шарифович уни зўрға ушлаб қолди.

- Назаримда сиз Ҳамид билан гаплашиб бўлдингиз, энди мени ундан сўрайдиган бир-иккита гапларим бор, - деди Ҳамидни бир четга тортиб.

Ҳамид бироздан кейин ўзига келди.

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

- Ризонинг одамларини яхши танийсанми?
- Ҳаммасини эмас, баъзиларини.
- Шуҳрат Шарифович Қоплоннинг ҳовлисида топиб олган сигарета қутисини унга кўрсатди.
- Бундай сигаретани кимлар чекади?
- Ризо.
- Яна кимлар?
- Ҳамид ўйланиб турди ва шу он эслади.
- Нодир!
- Шуҳрат Шарифович Қоплон билан кўз уриштириб олди.
- Бошқа яна ким чекади?
- Ҳеч ким!
- Сен буни аниқ биласанми?
- Уларга сигаретани мен келтириб берардим...
- Тушунарли! - Шуҳрат Шарифович ниманидир эслади...

* * *

Қоплон ўзи учун мавҳум бўлган айрим нарсаларга аниқлик киритиш мақсадида Баҳром билан учрашишга қарор қилди. Хотинининг ўлимида у терговчига «Бу ишда Қоплоннинг одамларининг қўли бор», деган кўрсатма берганди. Унинг бу гапи шаҳарда турли миш - мишларнинг болалашига сабаб бўлганди. Баҳром нимага асосланиб, аёли билан болаларининг ўлимида уни ва одамларини айблаганини ҳозир ҳам тушунолмасди. Мана, қотил аниқланди. Хўш, Баҳром буни тан олармикин?

- Қоплон у билан учрашишга аҳд қилди.
- Файрат, - деди иш юритувчисига. - Баҳромни бу

ерга чақир. Муҳим масала юзасидан гаплашмоқчи эканлигимни айт!

- Келармикин, хўжайин? - иккиланиб сўради Ғайрат. - Сиз билан учрашишга юраги бетламас...

- Субутсиз одамда юз бўлмайди. Келишни истамаса, Ҳамиднинг қўлимдалигини айт!

Ғайрат телефонни қўлига олди ва керакли рақамларни терди. Бироқ кўнғироқ овозларига ҳеч ким жавоб бермади. Шундан кейин у Баҳромнинг ишхонасига йўл олди.

* * *

Ҳамиднинг «ўлими» Баҳромнинг руҳини кўтариб юборганди. «Ниҳоят, қутулдим, хотиним билан болаларимнинг ўлимида энди мени ҳеч ким айблай олмайди. Якка-ю-ягона гувоҳ ернинг остида. Керак бўлса, Ризо билан алоқани узаман. Унинг қўли қон. Ортиқ менга зуғум ўтказолмайди. Ҳам пулни олиб, ҳам Ҳамидни ўлдирди - тили қисилди», деб ўйларди.

Тушдан кейин танишларидан бири келиб, ўн минг доллар ташлаб кетди. Столнинг тортмасида эллик минг доллар шай турарди. Аммо келишилган вақтга икки соат бор. Ғайратнинг кириб келиши Баҳромнинг хаёлини тўзитиб юборди.

- Қоплонбек сиз билан учрашмоқчи, - деди Ғайрат.

- Нима иши бор экан менда? - димоғ - фироғ билан сўради Баҳром.

- Буни борганингизда биласиз!

- Гапи бўлса, ўзи келсин!

- Бормасангиз бўлмайди, хўжайин нозик масалада

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

сизнинг маслаҳатингизни олмоқчилар, - босиқлик билан тушунтирди Файрат.

- Вақтлари йўқ экан, дегин. Гапи бўлса ўзи келсин!

- У киши сизнинг олдингизга келмайдилар. Сиз боришингиз керак!

Баҳромнинг асаблари таранглашди.

- Ким бўлиб кетибди, у менга буйруқ бергани!

- Бу буйруқ эмас, илтимос! Қоплонбек сизнинг тақдирингиз масаласида гаплашмоқчи.

- Менинг тақдиримга нима бўлибди? - Баҳром «элчи»га хўмрайиб қаради. - Гапларингдан тухматнинг иси келяпти! Чиқ хонамдан!

Файрат охирги имкониятни ишга солди.

- Қанақа одамсан, яхши гапга тушунмайсан? Иккала кулогинг билан эшитиб ол. Сени ўлдирмоқчи бўлган Ҳамид тирик, Қоплонбекнинг қўлида. Кўргинг келса борарсан!

- Бу шантаж! Сенлар мени ўлдириш мақсадида шундай ҳийла ишлатаяпсанлар. Ҳозир мелисага кўнғироқ қиламан!

- Буни шантаж, деб ўйласанг, хато қиласан. Ҳозир мен «Тилла йигит»га кўнғироқ қилай, бирикки оғиз гапини эшит, кейин мелисага кўнғироқ қилаверасан!

Бироқ Баҳром Файратнинг телефон қилишига тўсқинлик қилди.

- Кўчага чиқиб телефон қил! Бу ер менинг хонам!

Файрат индамай чиқиб кетди. «Наҳотки, Ҳамид тирик бўлса?» Баҳромнинг юрагига ғулғула тушди, вужудидан совуқ тер чиқиб кетди. Гўшакни жойига қўйди. Ноилож ўрнидан турди.

* * *

Шарофат эртаси куни яна Ризонинг олдига келди.

- Пулни ўтказиб бераман, дегандингиз, ука, - деди чўчинқираб.

Шу куни Ризонинг кайфияти яхши бўлмаса-да, кеча Шарофатни ранжитиб қўйганидан пушаймон эди. «Нима қилса ҳам аёл киши, ишониб бўлмайди, аччиғи чиқиб, Аҳмадни қочириб юборганини таниш - билишларидан бирортасига гуллаб қўйиши мумкин», деб ўйлади. Тилини қисиш мақсадида унинг талабини бажаришга мажбур эди.

- Қизингиз қаерда ўқийди? - сўради Ризо.

- Университетда.

- Қачон битиради?

- Келгуси йили.

- Катта қиз бўл қопти - да?

- Худога шукр, кеча ёшгина қизча эди, мана, энди бўйига етиб қолди.

- Қанча қарзи бор?

- Бир миллион!

- Ў, каттагина пул экан... қоғозлари қани?

- Ўзида бўлса керак, Ризожон.

- Қизингизга айтинг, олдимга келсин.

- Пул жуда зарур, бугун - эрта ўтказмаса, курсида қолиб кетаркан...

- Қизингиз келсин, дедим-у! Қоғоз бўлмаса, энамнинг банкидан ўтказаманми, пулни!

Ризонинг аччиқлангани Шарофатга эриш туюлди. Ўрнидан турди.

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

- Ҳозир телпон қиламан, опкелади...

Ризо индамади. Шарофат қўшни хонадан уйига кўнғироқ қилди.

- Қоғозларингни олиб тезда етиб кел, бошлиқ сўраяптилар! - деди қизига.

Азиза келганида Ризо хонасида эди. Қиз ичкарилади. Хипча бел, фариштасифат санамни кўриб, ўрнидан турди. Шарофатнинг одамни эс-хушини ўғирлайдиган шундай соҳибжамол қизи бор, деб сира ўйламаганди.

- Мен кўрганимда ёшгина қизалоқ эдинг, - деди Азизани диванга таклиф қилар экан. - Катта бўл қопсан! Ўқишни битириб, нима иш қилмоқчисан?

- Ўқитувчилик қиламан, - деди Азиза хижолатомуз.

- Бу касб сенга ярашмайди. Яхшиси мен билан ишла. Хоҳласанг ўзимга ёрдамчи қилиб оламан. Фирмани ўзинг бошқарасан.

- Мен бу ишни эпполмайман, ҳисоб-китобга йўқман.

- Ташвишланма, ўрганасан, яхшигина пул топасан!

Азиза Ризонинг раъйини қайтаргиси келмади.

- Аввал ўқишни тугатай, кейин бир гап бўлар.

- Жавобинг менга ёқмади. - Ризо қиздан кўзини олмай деди. - Истасанг, бугунданоқ буйруқлаштириб кўяман. Ҳам ишлаб, ҳам ўқийсан. Онангнинг топгани билан яхши яшаб бўлармиди?!

- Ўйлаб кўрай.

- Нимасини ўйлайсан? - қизни ҳоли-жонига кўймасди Ризо. - Биламан, онанг рози бўлади.

- Ўқишим кеч тугайди... - нима дейишини билмай қолди Азиза.

- Ҳечқиси йўқ, бир-икки соатга келиб-кетиб

турасан, майда-чуйда қоғозларни тартибга солиб кўясан. Бу ерда қийин иш йўқ.

Азиза ноилож бош ирғади.

- Контракт пулингни эртагаёқ тушириб бераман. Бу ёғидан хавотир олма. Эртага дарсдан чиқиб олдимга ке, ишлар билан таништираман!

Азиза Ризонинг таклифини онасига айтмади. Аммо ўқишдан чиқиб, фирмага ўтди. У контракт пулинг тушган - тушмаганлигини билиш ниятида эди.

- Пулни ўтказдим, - деди Ризо тантанавор оҳангда қизнинг қўлидан ушлаб. - Энди хурсандмисан?

- Раҳмат, амаки, - миннатдорчилик билдирди Азиза.

- Биргина раҳмат билан иш битмайди, - Ризо қизнинг кўзларига нигоҳини қадади. - Буни ювишимиз керак!

- Битта ош мендан!

- Йўқ, ошни мен қилиб бераман!

- Уялтирманг, амаки...

- Бугун вақтинг қандай, бўшмисан?

- Нимайди?

- Янги иш билан сени таништиришим керак.

- Ростдан мени ишга олмоқчимисиз?

- Ҳалиям ишонмаяпсанми?

- Кўрқяпман!

- Эртага тоққа жўнаймиз, қолган гапни ўша ерда гаплашамиз!

- Тоғда нима қиламиз?

Ризо ўйланиб қолди. Қизни ишонтирадиган гап тилига келмади. Ниҳоят:

- Идоранинг ҳужжатлари ўша ерда сақланади, - деди.

- Бошқа кун, - хижолатомуз жавоб қилди қиз. -
Эртага имтиҳоним бор!

Ризо аччиқланди-ю ammo индамади. Дала -
ҳовлида Аҳмаднинг борлиги ёдига тушиб жилмайди.

- Шанба куни, - деди кўрсаткич бармоғини
қизнинг юзига яқин келтириб.

Азиза чиқиб кетди. Қизнинг белига тушган
сочлари, нозик қомати Ризонинг юрагидаги чўғни
алангалатди. «Қанчалик қайсар ва ўжар бўлмагин,
тоққа чиққан кунинг меники бўласан», деди унинг
ортдан. Кейин қўлидаги соатга қаради. Баҳром
билан учрашадиган вақтга ярим соат қолганди.
Кўнғироқ қилди.

- Учрашувни бошқа кунга қолдирадиган бўлдик.
Айтган пулингизнинг ярмини ҳам жамлай олмадим.
Душанба куни кўришсак! - деди Баҳром изқувар
ўргатган гапларни тилига олиб.

- Сен боланинг бурдинг йўқ экан, - ўшқирди
Ризо. - Ортиқ муҳлат беролмайман. Пулни ҳозир
олиб келмасанг, одамларим мелисанинг қулоғини
қизитиб қўйишади!

- Икки кун сабр қилинг, ака. Ҳаммаси сиз
айтгандек бўлади.

- Бир соат ҳам сабр қилолмайман, - яна ўшқирди
Ризо.

- Шу пайтгача ҳамма топшириқларингизни
бажариб келганман, ака. Икки кунга осмон узилиб
тушмас. Мақсадим пулни бутлаб бериш!

Ризо бироз ўйланиб турди-да, кейин:

- Майли, душанба куни кечки соат бешда, айтил-
ган жойда кўришамиз, - деди.

* * *

- Мени нимага чақиртирдинг? Ўлган одамни тирик, деб баҳона қилмасанг ҳам келаварардим! - деди Қоплоннинг хонасига кириб келган Баҳром.

- Тутқаноғинг тутиб қолдими? - ўзини зўрға босиб деди Қоплон. - Аввал ўтир, одамга ўхшаб гаплашайлик.

- Вақтим тигиз, - қўрслик билан жавоб қилди Баҳром. - Қани Ҳамид?!

- Кўргинг келдими? Шошилаётган бўлсанг ҳозир кўрасан. Аммо олдин сен билан икки оғиз гаплашадиган муҳим гап бор!

Баҳромнинг назарида «Тилла йигит» ёлғоқ гапираётгандек туюлди. «Мени бу ерга олиб келиш учун ўйлаб топган найранги бўлса керак», деган фикр ҳамон калласида айланарди.

- Мақсадингни айт?! Мендан нима истайсан?

- Сендан кўп нарса истамайман, - босиқлик билан деди Қоплон. - Бир илтимосим бор. Хотининг билан болаларингнинг ўлимида нега айнан мени ва йигитларимни айбладинг?

- Бу саволингга судда жавоб бераман. Ҳамма гапни терговчига ёзиб берганман, билгинг келса, кўрғазмамни ўқиб кўр!

Баҳром гап тамом, дегандек ўрнидан турди.

- Менга қара, директор, - унинг йўлини тўсди Қоплон. - Истасанг хотининг билан болаларингни ким ўлдирганини исботлаб бераман!

- Бу гапингни терговчига айт! - нима қилиб бўлса-да, тезроқ чиқиб кетиш пайида шошди Баҳром.

- Олдин сен эшитсанг ёмон бўлмасди!

Баҳром уй эгасига шундай ўқрайиб қаради-ки, бу қараши билан тилига чиқаролмаган аччиқ сўзларини ошкор қилди. Қоплон эшик олдида турган Файратга юзланди. У хўжайиннинг қарашидан нима демоқчилигини тушунди. Ташқарига чиқиб, Ҳамидни бошлаб кирди. Баҳром кўзларига ишонмади. Тили танглайига ёпишиб қолган одамдек зўрға унинг номини айтди.

- Ҳамид...

Баҳром ҳали ўзини ўнглаб улгурмасидан, Файрат Ҳамидни олиб чиқиб кетди.

- Энди хотининг билан болаларингнинг қотили кимлигини сендан сўраб ўтирмайман. Боя айтганингдек, терговчига гапириб бераман. Аммо сендан сўрайдиган гапим бор. Хоҳласанг жавоб бер, хоҳламасанг кетавер.

Баҳром учун ҳаммаси тугаганди. Ризонинг ёлғон гапирганини тушуниб етганди. «Аблаҳ, мени чув туширмоқчи бўлибсан-да», деган фикр кўнглидан ўтди.

- Амирхонни ким ўлдирган? - сўради Қоплон.

- Ризо! - қуруқшаб қолган лаблари орасини ёриб чиққан сўз Қоплонга ток ургандек таъсир қилди.

- Ризо?!

- Ҳа, ўша ўлдиртирган...

- Унинг ўлими нима учун керак бўлиб қолди?

- Насимбек икковингни бир-бирингга душман қилиш мақсадида...

Баҳром бошқа гапиришни истамади. Шуҳрат Шарифович унинг олдига келди.

- Энди мен билан милицияга боришингизга тўғри келади! - деди.

Баҳром нима дейишни билмасди. Изкуварнинг олдига тушишдан ўзга йўл қолмаганини тушунди.

* * *

Ўқ овози Мирхолдорнинг қулогига жуда ҳам яқиндан эшитилгандек туюлди. Сесканиб тушди. Хира тортган нигоҳларини эшик вазифасини ўтаб турган парда тирқишидан кўриниб турган тепаликка қадади. Кейин юзига фотиҳа тортди.

- Ўз бошинга ўзинг етдинг. Яхшилигимни унутдинг, кўрнамаклик қилдинг, тузлигимга тупурдинг.- Мирхолдорнинг қуруқшаган лаблари орасидан шу сўзлар учиб чиқди. Саиднинг ўлими унинг юрагида заррача бўлса-да, ачиниш ҳиссини уйғотмади. Аксинча, қутулганига шукр қилди. У торгина, димиққан хонада майда қадам ташлаб юраркан, марҳумнинг шаънига бўҳтон тошларини ота бошлади. «Сен падарлаънат тўдага хиёнат қилдинг. Демак, ўлимга маҳкумсан. Аввалроқ қонингни ичмаганимдан афсусдаман».

Мирхолдор ташқарига чиқди. Остонада Шавкатга дуч келди. Унинг ранги оқариб кетганди. «Кўрққан», деб ўйлади Мирхолдор.

- Кўмдингми? - унинг тилидан чиққан сўз шу бўлди.

- Қочди... - зўрға тилга кирди Шавкат. Унинг кекиртагида тухумдай нарса ликиллаб турарди.

Бу хабар Мирхолдорга ёмон таъсир қилди. Вужуди титраб, юзи кўкариб кетди.

- Қочди? Қаёққа қочди?!

Шавкат тилини тишлади. Мирхолдорнинг хаё-

КАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

лидан ҳар турли ўйлар ўтди. «Атайлаб қочирган», деган хаёлга борди. Шу қарор уни ўзига келтирди. Шавкатнинг қўлидан милтиқни юлиб олди.

- Сен хунаса уни жўрттага қочиргансан!

- Эчкиэмар... - безгак тутган одамдек калтираётган Шавкатнинг тилига бошқа сўз келмади.

Мирхолдор милтиқнинг қўндоғи билан йигитнинг бошига солди. У пойгакка йиқилди. Мирхолдорнинг юрагидаги алам босилмади. Кўз ўнгида қум тепалар узра қочиб бораётган Саид келди. «Отолмадинг, энди ўзингдан кўр, мендан омонлик кутма», деяётгандек туюлди. Унинг тирик қолиши яхшиликка олиб келмаслигини Мирхолдор яхши биларди. Саид энди унинг изига тушади, пайт топиб келади, ўч олади. У тирик экан, Мирхолдор ором тополмайди. Бошига қандай кулфатларни солган бўлса, у бундан бешбаттар қилиб қайтаради. Отолмадимми, демак, албатта, у отади.

Ғазаб ва алам Мирхолдорнинг қонини кўпиртирди. У бўш стволга патрон солди. Оёғи остида ғужанак бўлиб ётган Шавкатнинг кўкрагига милтиқнинг учини тиради.

- Бундай қилманг, хўжайин, уни ҳозироқ тутиб келаман! - қўрқиб кетган Шавкат қичқириб юборди. У яна нимадир демоқчи эди, улгуролмади. Тепки босилганди. Шавкат ётган жойидан чалқанчасига тўнтарилди. Кўкрагини чангаллаб бақириб юборди.

Мирхолдор қилган ишидан пушаймон бўлмади. Қонга беланиб ётган мурданинг устидан ўтиб, ташқарига чиқди. Бу пайтда ўқ овозини эшитган Ҳайдар кулбасидан чиқиб келаётганди.

- Имилламай илдамроқ юр!! - қичқирди чўл эгаси.

Ҳайдар чопқилаб келди. Мирхолдор қўшотарни унинг қўлига тутқазди.

- Саид қочибди, изидан чоп, тутган жойингда пешонасидан от! - илон чаққандек қичқирди Мирхолдор ва чўнтагидан беш-олти дона ўқни олиб, Ҳайдарга узатди. Ёши қирқдан ўтиб қолган бу одам анча чаққон эди. Милтиқ билан ўқларни олган заҳотиёқ эчкидай сакраб, шамолдек елиб, кум тепалар сари чошиб кетди.

Чодирда Мирхолдорнинг ўзи қолди. Ичкари киришга юраги бетламади. «Саид шу атрофда бўлиши мумкин», деган фикр вужудида кўркув ҳиссини уйғотди. Етти кун оралиғида иккита одами ўлди. Бири қочоқни қувиб кетди. Поёнсиз саҳрода танҳо қолди. Саид буни биледи. Барханлар ортидами ёки юлғунлар остидами яшириниб ётган бўлса, кўққисдан ташланиб қолиши эҳтимол. Ўлимга маҳкум этган кимсани омон қўярмиди?

Мирхолдорнинг боши оғриди. Қулоғига чалинган ҳар қандай сас юрагига гулғула соларди. Теваракка олазарак боқарди. Энг ёмони ёнида қуроли йўқ.

Саид ўзининг оёқ изларини қайноқ кум устига муҳрдек босиб, пасту-баланд тепаликлардан ошиб кетиб борарди. Гоҳ чопарди, гоҳ туядек лўккиллаб юрарди. Кун иссиқ эди. Чанқаганди. Ўпкаси бўғзига тиқилганди. Тез-тез ортига боқиб қўярди. Кўзига одам кўринмасди. Чодирда Ҳайдар борлигини у яхши биларди. Хўжайин-ку, изидан қувмайди, ammo хизматкорини ишга солади.

Саид анча йўл босди, ҳолдан кетди. Кўйлаги тердан ивиди. Очлик сабабли, қуввати қолмади. Ташналик ичини ёндирарди. Тирик қолиш истаги,

Ризонинг хиёнати бу азоблар олдида арзимас нарса эди. Уни тезроқ ва илдамроқ юришга ундарди. Йўқ, биз айтиб ўтган нарсалар барибир ўз кучини кўрсатди. Саидни ерга йиқитди. Кекса саксовулнинг сояси унинг қум босган ва сочлари тўзиб кетган бошига соя ташлаб турарди. У қаттиқ чарчаганди. Ўпкаси томоғидан чиқиб кетгудек ҳансирарди. Тикан ва чангақлар санчилган товонидан томаётган қон қайноқ қумда қизил доғлар қолдирганди. Агар ҳозир Мирхолдор келганда ҳам ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатолмасди.

Ўтаётган лаҳзалар йигитнинг вужудидаги ҳорғинликни ҳайдаб, куч ато этарди. У анча йўл босиб қўйганлигини, бу ерларга Милхолдор етиб келолмаслигини яхши биларди. Лекин у бир нарсани - қумларда оёқ излари қолганини ўйламасди.

* * *

Юқорида таъкидлаганимиздек Хайдар чопқир эди. Чодирдан чиққанида кўзи Саид қолдирган изларга тушди. Уларни мўлжал қилиб келарди. Қочоқнинг узоққа кетолмаслигини биларди. Бургутнинг кўзларидек ўткир кўзлари ўн қадам олисдаги изларни аниқ-тиниқ кўрарди. Явшону янтоқлар орасидан илон мисоли буралиб, шох-шаббаларга кўйлагини илдирмай ўтиб борарди. Бироқ, қочоқнинг қораси кўринмасди. Наҳотки, олислаб кетган бўлса, наҳотки уни тутолмаса? У қўлидаги милтиқнинг тепкисини орқага қайириб, отишга шайлаб олганди. Саид кўринган заҳотиёқ худди кинолардагидек, «тўхта, қўлингни кўтар», деб

кичқиради. Шунда қочоқнинг қандай ҳолга тушишини кўз ўнгига келтирган Ҳайдарнинг тер босган ва қумлар ёпишиб қолган қоп-қора юзи ним табас-сумдан ёришиб кетди. Ахир ким ўлишни истайди? Ҳамма беажал ҳалок бўлишдан кўрқади-да. Саид ҳам яшаш истагида қочишга мажбур бўлмадими?

Бир тўп юлғунлар орасидан илондек эшилиб, кийикдек сакраб ўтиб бораётган қаҳрамонимизнинг кўз олдида қўлларини кўтариб, оёғи остига тиз чўкиб турган қочоқ йигитнинг аянчли қиёфаси жонланди. «Ўлдирма, раҳминг келсин, қонимни тўкиб нима наф топардинг, айтган талабингни бажараман», дея айтиши мумкин бўлган сўзлари қулоқлари остида жаранглади.

Ҳайдар азалдан мушкул аҳволга тушган одамларнинг аянчли башарасини кўришни, ялинувчан сўзларини эшитишни ёқтиради. Бегона одам қаршингда қўл қовуштириб, тиз чўкиб, ялиниб ёлвориб, «раҳм қилинг, акажон» деб туриши қандай яхши. Кўнгилларга худди саратонда одамнинг кўкрагига эпкин теккандек ҳузур бахш этади...

Хаёлига келган ҳар турли ўйлар, кўз ўнгидан ўтаётган манзаралар Ҳайдарга қанот бахш этарди. Тезроқ чопишга илҳомлантирарди. Шунинг учун чарчамасди. Шунинг учун шамол каби елиб борарди. Лекин у муҳим нарсани унутганди. Саид унинг қўлига ўзини осонликча топширадиган анойилардан эмаслигини, қувиб келаётганини билса, қайсидир янтоқ ёки юлғун остига яшириниб кўққисдан устига ташланиб, қуролини тортиб олишини ўйламасди.

Саид анча ичкарилаб кетган, икки-учта бархандан ошиб ўтганди. Ўзининг тахминича, олти чақи-

римни орта қолдирганди. Тирик қолганига шуқр қиларди. Мирходдорни бисотидаги энг ёмон ва жирканч сўзлар билан лаънатлади. «Ўлмасам сени тирик қолдирмайман, ит. Яхшилигимни билмадинг! Сени ҳам, ўша сотқин Ризони ҳам чавақлайман. Сатанг Султон кампир қўлимдан тирик чиқмайди. Уччалангни битта қабрга тиқаман. Қасос олиш қанақалигини сенларга кўрсатиб қўяман».

Саиднинг душманидан оладиган бошқа ҳақи ҳам бор эди. Мирходдорнинг тўшаги остида бир қучоқ пулларни кўрган, миллионлик «юк» ҳам ўша ерда. Шунча бойликдан кўз юмиб, бу ердан кетиш фирт тентакликнинг ўзи эмасми? Шу савол уни барханлар ичини зудлик билан тарк этишига имкон бермасди. Оёғига урилган кишандек ерга елимлаб қўйганди. «Нима қилиш керак? Ортга қайтайми?»

Ҳайдар юлғунзорга етганда изларни йўқотиб қўйди. Вужудида титроқ уйғонди. Қаёққа даф бўлди, лаънати? Қум остига кириб кетдими, осмонга учиб кетдими? У гоҳ ерга, гоҳ осмонга боқди. Юрагини ваҳима ўртади. Милтиқни отишга шайлаб, атрофни кўздан кечирди. Излар бир жойда айланиб, кейин ортга қайтганини кўриб қолди. «Саид шу ерда», деди ўзига - ўзи овозини ютиб. Вужудидаги қалтироқдан милтиғи ерга тушиб кетадигандек эди. Бояги шерюраклигидан мисқолча ҳам қолмаганди. Қўлида қурол бўлса-да, қаршисидан тирик одам чиқса, унга қарата ўқ узолмаслигини бирдан тушуниб етди. Қандай отади? Милтиқ кўтариб юргани билан қуш ҳам отмаган.

- Саид, ҳой Саид... - эшитилар - эшитилмас овоз чиқарди Ҳайдар. Жимжитлик чўккан қум тепалар

унинг заиф товушини шу лаҳзадаёқ ютиб юборди.

Ўн қадамча нарида сувсизликдан қурий бошлаган баҳайбат юлгун турарди. Излар ўша томон бурилиб кетганди. Ҳайдар юлгун сари икки-уч қадам босди-ю, тўхтади. Дукуллаб тепаётган юраги унга яқин боришга дов бермади. Ола-кула кўзлари ила юлгун остини назорат қилди. Чўғдек ялтираб турган нигоҳларни учратганида қичқириб юборди.

- Саид!!

Ер билан битта бўлиб ётган кимса ўрнидан турмади. Баттар қумга қапишиб олди.

- Ўрнингдан тур! - Ҳайдарнинг қулоқларига ўз овози бегона одамникидек эшитилди. Саид яна қимир этмади. Ўликдек чўзилиб ётаверди. Изидан Ҳайдар қувиб келишини билганди. Ундан қочиб қутилиш мумкин, бироқ милтиқнинг ўқидан омон қола оладими?

- Саид, тур деярман, сенга! - боягидан қаттиқроқ бақирди Ҳайдар ва милтиқнинг учини унга тўғрилади.

Терга ботган Саид ноилож қум зарралари ёпишган бошини кўтарди. Душманига ўқрайиб боқди. У ҳамон қочиш йўлини ўйларди. Кутилмаганда миясига келган фикрдан омон қолиши мумкинлигини тушунди.

- Эҳтиёт бўл, мени илон чақди, - деди афтини буриштириб.

Ҳайдар азалдан илондан қўрқарди. Жониворнинг номи қулоғига чалиниши биланоқ сесканиб кетди. Ён атрофига аланг-жалаңг кўз ташлади. Ҳатто оёқларини кўтариб ҳам қўйди. Лекин илон кўринмади. Шунда қулоғига янтоқ остидан ўқдек

учиб ўтган кичкинагина эчкиэмарнинг овози эшитилди. Ҳайдар росмана қўрқиб кетди ва ихтиёрсиз орқага чекинди.

- Ёрдам бер, ўлиб қоламан, - юзини ерга босиб ингради Саид.

«Бу ернинг илонлари заҳарли бўлади», ўзича донолик қилди Ҳайдар. «Тезроқ ярани пичоқ билан тилиб, заҳарни чиқариб юбориш керак».

- Сени менга Худонинг ўзи етказди. Келмаганинга ўлиб қолардим...

Ҳайдар ишонди. «Илон чаққани рост бўлса, ўлиб қолмасин», деб Саидга яқин борди.

- Қочиб нима қилардинг? - мулойим овозда насиҳат қилди.

- Гапинг рост, астойдил кечирим сўраганимда, бошимга бу савдолар тушмасмиди?

Ҳайдар унинг тепасида тўхтади. Қўлида учи ерга қаратилган милтиғи осилиб турарди.

- Қаерингни чақди?

Ҳайдар саволига жавоб олишга улгурмади. Саид чаққонлик билан унинг оёқларидан чалди. Қўлидаги милтиқ бўйи баравар тепага кўтарилиб, анча нарига тушди, ўзи оёғи осмондан келиб, йиқилди. Саид ўрнидан ирғиб турди. Аввал милтиқни олди, кейин қумга беланиб ётган Ҳайдарнинг тепасида пайдо бўлди. Милтиқнинг стволени пешонасига тиради.

- Изимга тушибсанда, ит?! Мени хўжайинингга тутиб бермоқчимидинг, сотқин?!

- Отиб кел, деб буюрди, - деди Ҳайдар. - Милтиқни пешонамдан ол. Шайтон осилиб турган, ўқ чиқиб кетиши мумкин!

- Мени ўлдирмоқчимисан?

- Хўжайин буюрди, - минғирлади Ҳайдар.

- Бекордан - бекорга шунча жойгача қувиб келма-
гандирсан?

- Энди қайтмоқчи бўлиб тургандим, - нима
дейишни билмай, тилига келган сўзни айта бошлади
Ҳайдар. Айни пайтда Саиднинг қўлини кўтартириб,
олдига солиб чодирга ҳайдаб кетмаганидан
афсусланди.

Қочоқ оёқлари остидаги қумни чангаллаб ётган
Ҳайдарнинг тақдирини ўйлади. Қўйиб юборса,
қочгани аён бўлади, отиб ташласа, ундан ёмонлик
кўрмаган.

- Тур ўрнингдан! - амр қилди қочоқ милтиқнинг
учини унинг пешонасидан оларкан.

Ҳайдар турди.

- Тўрт томонинг қибла, кетишинг мумкин, аммо
бир шарти билан, Мирҳолдорнинг олдига қайтиб
бормайсан! Тушунарлими?!

Ҳайдар бундай илтифотни кутмаганди. Қулоқла-
рига чалинган гапга ишонгиси келмади. Ортимдан
ўқ узади, деб ўйлади.

- Мен... мен қаёққа бораман? Ватаним мана шу
чўл бўлса. Яхшиси ўзинг билан бирга олиб кет!

- Гапимни эшитдингми, қани, тезроқ кўзимдан
нари кет, акс ҳолда мана бундан учиб чиққан ўқ
пешонангни иккига бўлиб ташлайди, - пўписа
қилди қўшотарни силтаб.

Ҳайдар унинг дағдағасига ишонди. Орқаси билан
юриб, узоқлаша бошлади. Кўздан ғойиб бўлгунча
Саиддан нигоҳини узмади. Бархандан ошиб ўтгач,
чопиб кетди. Шўрлик йигит қаёққа кетаётганини
ўзи билмаганидек, қаерга боришини ҳам билмасди.

Чор томони поёнсиз барханлар ичидан йўл топиб, одамлар яшайдиган бирор қишлоқ ёки овулга етиб олишига ақли етмасди. Бу пайтда қоронғу туша бошлаганди.

Саид милтиқни олиб орқасига қайтди. Мирхолдор билан ҳисоб-китоб қилишга қарор қилганди. Лекин шошилмади. «Ҳали вақт эрта», деб ўйларди...

* * *

Мирхолдор икки кўзини Ҳайдар кетган йўлга тикиб ўтирарди. Қош қорайиб, қуёш ётоғига кириб кетган бўлса-да, ундан дарак бўлмасди. Нима бало, қочириб юбордим ёки кетган томонини тополмай адашдим? У аниқ қарорга келолмай боши қотди, кўзлари толиқди. Қоронғулик тушган сайин вужудига ҳам зулмат янглиғ кўрқув ёпирилиб кирарди. Чодир ичига киришга юраги бетламасди. Бир томонга қараб ўтириш хатарли эди. Саид шу атрофда яшириниб турган бўлса, ортидан келиб ўлдириб қўйиши мумкиндек туюлди.

Мирхолдор ўтиролмади. Ўрнидан турди. Мақсадсиз атрофни айланди. Юлдузлар осмонни тўлдирганди. Чўл узра қумуш нурларини тараб, ой кўтарилганди. Эпкин гулга тўлган явшон ва янтоқларнинг ифорини ҳар ёнга таратганди. Илонлар уйғонди. Қурт-қумурсқалар маконига кириб кетганди. Мирхолдорнинг олисларга боққан кўзи икки довон оралиғидаги йўлдан келаётган шарпага тушди. Ҳушёр тортди. Ҳайдар, деб ўйлади. Аммо юришидан аёл кишига менгзади. Адашмаган экан: Султонхон.

Мирхолдорнинг юрагини кўрқувдан уйғонган оғриқлар тарк айлади. Аёлнинг йўлига пешвоз чиқди. Бир-бирларини бағриларига босиб, кўришишди.

- С приездим, ханум!

- Омонмисиз, полвоним!

- Сизни кўриб бошим осмонга етди...

- Бир ўзингизми, йигитлар қаерда? - жувон атрофга аланглаб сўради.

Мирхолдор жим қолди. Бошига тушган савдони яшириб бўлмасди. Ҳализамон Ҳайдар қайтса, барчаси фош бўлади.

- Саид хунаса, қочди!

- Қочди?! - ажабланди Султонхон. - Ўзи қочдимми?!

- Падарингга лаънат Шавкат ишни расво қилди.

Отиб кел, деб кўлига милтиқ тутқазсам, эчкиэмардан кўрқиб, қочиб юборибди.

- Атайлаб қилмадимикин?

- Шунисини биллолмай доғманда!

- Ўзи қани?

- Жаҳл устида отиб қўйдим, - Мирхолдор боши билан чодир томонга ишора қилди. - Ҳайдар Саиднинг изидан қувиб кетганди, уч-тўрт соат бўлди, ҳанузгача қайтмаяпти!

- Бундай одамларни кечириб бўлмайди. Яна панд беради. Ўлимга маҳкум этиб, тўғри қилибсиз!

- «Дори»ни эгаларининг кўлига топширдингизми? - мақсадга ўтди Мирхолдор.

- Бу гал каттароқ жўнатишингизни сўрашди.

- «Юк» тайёр. Қачон йўлга чиқасиз?

- Эртага кечки поездда жўнайман! Лекин катта «юк»ни олиб кетиш хавфли эмасмикин?

- Таваккал қиламиз.
- Юрагингиз отнинг юрагими дейман?!
- Уч-тўрт сўм ишлаб олай, дейман-да.

- Омадингиз бор экан, бозоримиз кун сайин қизиб турибди. Иссиғида «юк»ларимизни пуллаб олсак яхши бўларди. Ҳалемай, афғон далаларида яна ҳосил пишиб етилади. Мавсумга тайёргарлик кўриш керак. Савдо билан бўлиб, «дори» тўплашни унутиб қўйсак, кейин афсусланамиз. Хўжайин ҳам «қўлингдагиларни тезроқ эгаларига топшир», деяпти. Хабарингиз бордир, бошлиқ сизнинг хизмат ҳаққингизни уч баробарга оширди. Яхшироқ пул жамғариб олиш фурсати келди.

Пулнинг дарагини эшитган Султонхоннинг қулоғи чимирилиб, юраги патиллади.

- Уч баробари қанча бўлади?
- Ҳозир биздан ярим килограмм «дори»га икки минг доллар олаётган бўлсангиз, бир килограмми учун беш минг оласиз.
- Арзимас шартим бор, - деди аёл.
- Қулоғим сизда?
- Ҳақини олдиндан тўлайсиз?
- Бу ишончсизликнинг аломатими?
- Ҳар ҳолда қилаётган ишимнинг хатарлилигини ўйлаяпман-да!

Қоронғулик аста-секин қуюқлашиб борарди. Қум тепалар, ўсимликлар кўзга ваҳимали кўринарди. Алланималар чирилларди. Қаердадир итга ўхшаш жонивор узук-юлуқ ув тортарди.

Мирхолдорни ўй олиб қочди. Кўзларини қоронғулик қаърига тикиб, Султонхоннинг саволига қандай жавоб қайтаришни ўйларди. Талабини рад

этиб бўлмасди. Ундан бошқа одами йўқлиги учун жувоннинг ҳар қандай илтимосини қондиришга мажбур.

- Илтимосингиз шу бўлса, қабул қилдим. Пулни ҳозироқ олишингиз мумкин!

- Яхшиси эрталаб рози қиларсиз, ҳозир чарчаганман!

Мирхолдор чодир томон юрди. Аёл изидан эргашди. Чодирга етмасдан тўхтади.

- Бугун бошқа чодирда ётамиз, - деди Ҳайдарнинг кулбаси томонга юзланиб. -

Ичкарида Шавкатнинг жасади бор. Ҳайдар қисталоқ ҳали ҳам қайтмаяпти, келса кўмарди.

Мирхолдор жувонни хизматкорининг чодирига бошлар экан, эшик олдига етганида яна тўхтади. «Тўшагини бит босгандир, алмаштириш лозим». Қолаверса, ўзининг хонасида «дори» ва пул бор.

- Мени кутиб туринг, - деди у жувонга. - Тўшагимни олиб чиқай.

Аёл қолди. Мирхолдор чодир томон кетди. Кўп ўтмай елкасига тўшак ташлаб, қўлтиғига иккита целлофан халтани қистириб чиқди. Ичкари киришганида, чироқни ёқишди. Мирхолдор қўлидагини жувоннинг олдига ташлади.

- Булар менинг топганларим, - деди унга ишора қилиб. - Икки йил саҳрода яшаб топганим шу бўлди.

Султонхон халталарнинг бирида пул, иккинчисида «дори» борлигини билди.

«Буларни эгаларининг қўлига етказиб бергунча, камида ўн маротаба қатнашим керак», ўзича «юк»ни ва ундан келадиган даромадни чамалаб кўрди аёл.

- Қанча қатнасангиз қатнанг, аммо қўлга тушма-сангиз бас, - Мирхолдор кулди.

* * *

Ҳайдар икки ёнига шалвираб тушган қўлларини осилтирганича ўзига номаълум бўлган томонга кетиб борарди. Ҳозир қаерда турганини, чодир қайси ёнда қолганини ҳам эслаёлмасди. Гўё олам айланиб, борлиқ ўзгариб кетгандек эди. Қаёққа қарамасин, барханлар, явшон, юлғун, янтоқ, саксовулзорлар... У осмонга қаради. Чўлпон юлдузини топди. Бироқ қўл ўтмай уни булутлар кўмиб юборди. Қоронғулик тобора куюқлашиб борарди. Одамзоднинг иси келмайдиган бу жойларда тунда юриш хатарли. Уч ой саҳрода яшаб, бўрини кўрмаган бўлса-да, фарёдини эшитган. Одамнинг болдиридек келадиган заҳарли илонларни, бўйи баробар эчкиэмарларни кўрган. Улар овга тунда чиқишини ҳам билади. Шулар кўз ўнгида жонланганида Ҳайдарнинг бадани жимирлаб кетди. Қадамини илдамлатди. Бироқ қаерга боради? Мирхолдор қуролсиз қайтганини кўрса, бўғиб ўлдирмайдими?

Ҳайдар кулбасига қайтмасликка, қарама-қарши томонга юришга қарор қилди. Шундай қилса, жони омон қолиши мумкин эди. Баландликка чиқиб, атрофга боқди. Кўргани қорайиб турган барханлар бўлди. Ялт этган бирорта чироқ кўзига ташланмади. Қулоғига одам зотининг овози чалинмади. Эшитганлари жониворларнинг чириллаган товуши бўлди.

Ҳайдар икки соатдан мўл йўл босди. Қаршисидан на бир овул чиқди, на ялт этган чироқ кўринди.

Очлик ва ташналик азобидан ҳолдан тойди. Юлғун остига келиб, ўзини қум устига ташлади. Кўзини очганида қуёш уйғониб, тонг бўзариб қолганди.

Ҳайдар ўрнидан турди. Ногоҳ кўзи қумга санчилиб қолган қалин қоғозга тушди. Уни қўлига олди. Бу фуқаролик паспорти эди. Биринчи бетини очди. Кўзлари ўзининг исми-шарифига тушганда ҳайратдан донг қотди. Ташлаб кетган ким бўлиши мумкин? У атрофга аланглади ва кўзига таниш манзаралар чалинди. Тун бўйи қишлоқ ёки овул излаб, қанча-қанча масофани яёв босиб, кеча Саид билан учрашган жойига қайтиб келганини билди. Чеккан заҳмат-у азоблари кўз олдидан ўтди, хўрлиги тутиб, ерга тиз чўкиб йиғлаб юборди.

Милтиқ қўндоғини тепага, учини пастга осилтириб, елкасига илиб олган Саид осмонни булут қоплаган кечада бошига шунча укубатларни солган Мирхолдор билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида унинг ҳузурига кетиб борарди. Уни чодирда ёлғиз қолганини биларди. Ахир уни жазосиз қолдириш мумкинми? Ўлимга маҳкум этган одамдан ўч олмай кетиб бўладими? Тирик қолса, албатта, яна Саиднинг изига одам солади. Югурдаклари уни ернинг тагига кириб кетса ҳам топишади. Ҳеч қандай мўъжиза уни ажал домидан сақлаб қололмайди. Инчунин тавба - тазаррулар ҳам. Шундай бўлгач, албатта, у билан ҳисоб-китобни жойига қўйиши шарт. Илондан боши янчилгандагина қутулиш мумкин.

Саид ярим тунда чодирга етиб келди. Чироқ ўчганди. Мунтазам олов ёниб турадиган қозоннинг остида ёнғоқдек бўлса-да, чўғ кўринмасди. Саид

милтиқни қўлига олди. Тепкисини орқага қайирди. Чодирга яқинлашганида негадир юраги дукиллаб кетди. Кимдир ортида кузатиб турганга ўхшади. Оёқ учида ерни босиб келди-да, ствол билан эшик вазифасини ўтовчи пардани бир ёнга сурди. Ичкари зимистон эди. Кўзига ҳеч нарса кўринмади. Вужуди кулоққа айланган Саид одам нафасини сезмади. Иссиқ ҳаво билан бирга қандайдир қўланса ис димоғига урилди. Сезде Қон ҳиди Ичкарилади. Нимагадир оёғи илинди, мункиди, йиқилди. Милтиғи қўлидан чиқиб кетди. Кўрқди, бақириб юбораёзди. Назарида Мирхолдор уни пойлаб тургану, оёғидан чалиб йиқитгандек эди.

Саид қўли билан ерни пайпаслади. Милтиғини излади. Бармоқлари тарашадек қотиб қолган нарсага тегди. Бу одамнинг оёқлари эканлигини сезде. Боягидан баттар кўрқди. Тишлари билан лабини тишлади. Ортга тисарилди. Аммо ичкарига қайтишга мажбур эди. Милтиғи қолганди. Белини букиб, яна ерни пайпаслади. Топди. Ташқарига чиқди. Аммо кетолмади. Ичкаридаги ким? Мирхолдорми? Уни ҳам ўлдириб кетишдимикин?

Саид чўнтагидан гугурт олиб ёқди. Қизғиш шуъла чодир ичини бир зумгина ёритди. Мурдани таниди. Шавкат!

- Менинг ўрнимга сенинг қонингни тўкибди-да?
- минғирлади ўзича.

Саид Мирхолдорни бу ердан кетган бўлса керак, деб ўйлади. Шу пайт кулоғига кимнингдир овози чалинди. Товуш Ҳайдарнинг чодиридан чиқётганди. Кулоғи диккайди.

«Ўзим билан олиб кетаман. Бирга бўламиз».

Овоз Саидга таниш эди. Эти жимирлаб кетди: Мирхолдор. «Султонхон қайтибди-да»!

Саид милтигини отишга шайлади. Эшик ёнига келганида тўхтади, орқасига қайрилди. Юрагидаги исён жунбушга келди.

«Барибир топдим, энди мендан қочиб қутулолмайсан, Мирхолдор. Жонинг қўлимда. Сен ҳам қочиб кетолмайсан, сассиқ кампир».

Саид ичкарилади. Димоғига урилган ёқимсиз исдан акса урди.

- Ким?! - Мирхолдорнинг овози эди бу. Ичкари қоронғу бўлганлиги учун у пойгакдаги одамни танимади.

- Ҳайдар, сенмисан?!- тақрор овоз қилди чўл эгаси.

- Кунинг битди, тўнғиз!

Саид яқинроқ борди, милтиқ учини Мирхолдорнинг яланғоч баданига тиради.

- Саид, бу сенми?!

У ўрнидан турмоқчи бўлди. Қасоскорнинг қайтиб келишини кутмаганди.

- Менман, нима, келишимни кутмаганмидинг?

- Келган бўлсанг, ишингни давом эттиравер. Гуноҳингдан кечдим?

- Сен кечадиган қандай гуноҳ қилдим?

- Биласанми, жаҳл келганида ақл кетаркан, сени ноҳақ жазолаганим учун ўзим ҳам қийналдим.

- Мен сенинг гуноҳингдан кечмадим, қасос олгани келдим.

- Саид...

- Саид ўлган, унинг арвоҳи келди!

- Саид, ақлингни йиғ...

Қасоскор гаплашиб ўтиришни истамеди. Тепкини босди. Варанглаб чиққан ўқдан таралган қизғиш шуъла хонани оний лаҳзага ёритди-ю, сўнди. Иккинчи тепкини ҳам босди, аммо ўқ отилмади. Саид шахд билан ортига ўгирилди, чодирдан йироқ кетаркан, ортидан Султонхоннинг чинқириғи қувди.

- Оғзингдан қонинг келсин!!

Бунга аҳамият бермади. У ўз ишини адо этиб бўлганди.

Чодирдан анча олислаб кетган Саид бирдан тўхтади. Умрининг маълум онлари ўтган кулбага маънос кўзларини тикди. Дириллаган лабларидан шундай сўз учиб чиқди.

«Ўқ тегдимикин?»

Бу пайтда оёқ изларини топган Ҳайдар кулбаси томон келарди. Мадори қуриганди. Ваҳимали ўйлардан боши айланарди. Хўжайин «Саид қани?» деб сўраса, қандай жавоб қайтараман», деб ўйларди. «Отиб ўлдирдим, жасадини кўмиб ташладим», деса ишонармикин? «Кўмган жойингни кўрсат?», деб сўрамас. Аммо милтиқни сўрайди.

Ўйлаган ўйи оёқларига кишан бўлиб уриларди.

Ҳайдар юришни ҳам, туришни ҳам билмай ҳайкалдек қоғиб қолди. Ишқилиб қўшотарни сўрамасин-да? У юраги эзилиб, яна йўлда давом этди. Навбатдаги бархандан ўтганида, чодир кўринди. Мирхолдор «Ичкарида бўлса керак», деб ўйлади. Чодир ютиб юборадигандек кўзига совуқ кўринди.

Ҳайдар Мирхолдорнинг турқи-тароватини кўз ўнгига келтирди, газабидан чўчиди. Очлик ичини каламушдек кемирарди. Ташналик ичига ўт ёқарди.

«Ўлдирса ўлдирсин, ростини айтаман», дерди ўзига
- ўзи.

Бўронда қолган одамдек чайқалиб пастга тушди.
Чодирга яқин қолганида яна тўхтади. Сув ичгиси
келди. Бироқ пақир бўш эди. Томчи ҳам қолмаганди.
Ҳайдар ўзини ерга ташлаб, йиғлаб юборди. Бир
қадам босса, ичкарига киради. Хўжайиннинг
кулбасидаги идишларда доимо сув туради. Тўйгунча
ичиши мумкин. Бироқ ичкарига киришга ҳаққи
йўқ. Мирхолдор тақиқлаган.

- Хўжайин, - зўрға шивирлади Ҳайдар.- Хо,
хўжайин...

Жавоб қайтмади. У баландроқ овозда яна чақирди.

- Хўжа..йин..н...

Садо бўлмагач, илондек судралиб ичкарилади.
Остонадан ўтиб, чўзилиб ётган жасадга кўзи тушди.

- Ё, Оллоҳ!

Кўрқиб кетган Ҳайдар калимасини ўгириб орқага
қайтди. Юраги кўксини ёриб чиққудек гурсиллаб
тепарди.

* * *

Султонхоннинг кўзлари милтиқнинг учи ўзига
қаратилганлигини кўриб, дами ичига тушиб кетди.
Аmmo ундан қизил рангли ажал алангаси отилиб
чиқмади, тирс этган товушгина эшитилди. Саид
ортига бурилиб, чодирдан чиқиб кетди. Аёл бир
неча соатларга тенг бўлган дақиқалар мобайнида
нафасини ичига ютиб, қимирламай ётди. Кейин
бирдан чинқириб юборди.

Султонхон Мирхолдорнинг кўкрагидан итариб,

ёнбошига ағдарди. Димоғи қон исини туйди. У ҳали жон таслим қилмаганди.

- Султон... - бошини кўтариб тепасида турган аёлга юзланди чўл эгаси.- Бирорта буюм топиб бер, қон кетяпти, ўлиб қоламан!

Ўқ Мирхолдорнинг ўнг елкасига ботганди. Титилиб кетган этлари орасидан қон оқарди.

Аёл қаердандир латта топиб келди.

- Ярамни боғла, қонни тўхтат, - илтимос қилди Мирхолдор.

- Барибир ўласан, ярангни боғлаб нима қилардим, - лабларини чўчайтириб деди аёл. - Сенга кўшиб мени ҳам отиб кетаёзди, Худонинг балосига йўлиққир!

Мирхолдор оғзига ёмон сўз олди.

- Онангни... қанжиқ, ифлослигингни билганимда... - вужудига ёйилган оғриқ уни гапиртиргани қўймади. Оғзини очганида ярасида санчиқ турди. Ҳозиргина қучоғида тўлганиб, бўйнига қўлларини ташлаб, «сиз билан бирга бўлиш мен учун бахт», дея эрқаланиб ётган аёлнинг бунчалик ўзгариб қолганига чидаёлмади. Жувон унинг қаҳрли нигоҳларига, заҳардан аччиқ сўзларига парво қилмади. Бу ердан тезроқ кетишни ўйлади. Хаёлига халталар келди. Мирхолдор уларни тўшак остига яширганди...

Султонхон ярадорни оёғидан тортиб, пастга туширди. Тўшак остидан халталарни олди. Буни кўриб, Мирхолдорнинг жаҳли чиқди.

- Нима қияпсан, тегма, тегма уларга!.. - ҳам ялиниш, ҳам нафрат билан ингради. - Олиб кетсанг ортингдан ажал қувади. Яхшиси тегма...

- Энди буларнинг сенга кераги йўқ, ошингни ошаб, даврингни сурдинг. Навбат меники!

- Пулларнинг бир қисмини ол, ярмини қолдир, - жувоннинг қайтмаслигини билиб, уни мурасага чақирди Мирхолдор. - «Дори»га эса тегма. Эгалари ўлигингни ҳам тинч қўйишмайди!

- Яқинларингни отиб ўлдирдинг, Ҳайдар билан Саид эса сени ташлаб қочди. Мени бу ерга келганимни ит ҳам кўрмади? - Ўз билганидан қолмади аёл. - Ёки тирик қолишингга ишониъпсанми?!

Мирхолдор ўрnidан турмоқчи бўлди, аммо ўқ теккан жойида шундай қаттиқ оғриқ турди-ки, чидамай додлаб юборди...

Икки қўлида икки тугун кўтарган Султонхон ташқарига чиқди. Тун ярим бўлганди. Осмон ой ва юлдузларсиз танҳо эди. Тезда бу ердан силжишни ўйлади. Мунтазам қатнайдиган йўлидан юролмасди. Танишларига дуч келиб қолиши мумкин. Улар истаган пайтда бу ерга келишини биларди.

Аёл қаршисидаги бархандан ошиб ўтишга қарор қилди. Назарида саҳро поёнсиз эмасди. Яқин атрофда бирорта қишлоқ борлигига ишонди.

Жувон чиқиб кетгандан кейин юраги бойлик ишқида ёнган Мирхолдор оғриқ ва азобни унутди. Йигитлик йиллари уч-тўрт йил тиббиёт олийгоҳида таҳсил олган ва қандайдир сабаб билан ўқишдан ҳайдалганди. Ўқ танасининг қанча жойига кириб борганини, қайси хужайралар зарарлаганини яхши биларди. Қўлини сийдиги билан ювиб, ўқ қадалган жойни пайпаслади. «Пнемоторокс», деди касалига ўзича ташхис қўйиб. Рўмолчасини сийдигига бўк-

тириб, яра ичига тикди. Қон тўхтади, оғриқ босилгандек бўлди.

Хаёлидан Султонхон кетмасди. У олиб кетган бойликларга чидаёлмасди. Аламдан юраги ёнарди. «Мендан қочиб қутулолмайсан, барибир қўлимга тушасан, тутган жойимда чотингнинг орасидан бўғзинггача тилиб ташлайман, кўзларингни ўйиб, тилингни суғуриб оламан», дерди ўзига - ўзи.

Мирхолдор ўрнидан турди. Ташқарига чиқди. Атрофга боқди. Султонхон кўринмади. Қайси бирининг ортидан бориш керак? У бир зум ўйлади ва жувон кетган томонга юрди. Туядек ҳўкиллаб, катта-катта одим отиб борарди. «Қанжиқ, ҳали сен менинг ўлишимни кутувдингми? Бойликларни сенга топшириб ўладиган жинни йўқ. Чанғалимдан қочиб қутулолмайсан. Тутиб олсам, яланғочлаб, кетмон сопига ўтқазмасам, отамнинг ўғли эмасман. Сен мени ким деб ўйловдинг, мегажин?».

Мирхолдор кўнглига келган гапларни тилидан чиқариб, йўлида учраган чўп - ўтларни оёғи билан топтаб, Султонхоннинг кетидан кетиб борарди. Бироқ унинг ғазабга тўлган кўзига жувоннинг қораси кўринмасди. Кўрганлари қум, ўт-ўланлар бўлди. Ачинарлиси яраси шилиниб, кенгайиб, қон кетиши тезлашиб борарди...

Бу пайтда Саид ҳам ўқсиз милтиқни ташлаб, саҳронинг ўртасида ўзига маълум бўлмаган томонга кетиб борарди. Мирхолдорнинг ўлганига ишонарди. «Кунинг аллақачон битганди, аллақачон ернинг тагига кириб кетишинг керак эди», дерди ўзига - ўзи қилган ишидан мамнун бўлиб. Султонхон-чи? Уқи тугамаганида, отиб ташларди. Нега кўндок билан

бошини ёрмади? Ахир у тирик гувоҳ-ку? Мирхолдорнинг одамларига айтиб бериши мумкин.

Саиднинг ёдига тушди: Ичкарига кирганида Мирхолдор уни танимади. «Ҳайдар», деб қичқирди. Буни Султонхон ҳам эшитди. Шундай бўлгач, танимаган. Нима бўлса бўлар, фикрлашда давом этарди Саид. «Танигани билан нима ҳам келарди, қўлидан? Бугун-эрта бу ерда исим ҳам қолмайди. Юрагимдаги биргина алам Ризодан. Уни кўрсам, тириклигимни билдирсам, оёғимга тиз чўқтирсам, мана шу қўлларим билан бўғиб, ўлдирсам, юрагимнинг тафти босиларди. Кейин тутиб оладиларми, бошимни дорга иладиларми, билганларини қилишин!»!

...Кун қиёмига келганди. Офтоб кўкдан олов пуркарди. Ўзи билан ўзи гаплашиб бораётган Саид қачонлардир қазилган, пишган гишт билан доира шаклида урилган қудуққа дуч келди. Бошини эгиб, пастга назар ташлади. Сувсиз эди. Қудуқ ичига тушиб, салқинламоқчи, мадорсиз танасига куч йиғмоқчи, кечки пайт яна йўлда давом этмоқчи бўлди. Қудуқ одамни кўмадиган даражада эди.

Бошидан жазирама иссиқ ўтган Саид пастга тушди. Салқин ҳаво жонига ҳузур бағишлади. Илондек гужанак бўлиб ётди. Кечадан бери киприк қоқмаганди. Тундаги воқеалардан асаби таранглашганди. Барча азоб-у-қийноқларни унутиб, ҳузур қилиб ухлади. Кўзини очганида, шом қоронғулиги тушганди. Руҳи тетиклашиб, танасига куч йиғилиб, ўзини анча дадил ҳис этди. Кимнингдир қичқирган овозидан уйғониб кетди. Ким бу?

Саид ўрнидан турди. Тепага тирмашди...

* * *

Султонхон ўзида йўқ шод эди. Икки қўлида иккита тугунни кўтариб, илдамлаб, шахдам одим отиб борарди. Кўзларига бирор қишлоқ кўринмаганига, тобора қум тепалар ичига кириб бораётганига ҳайрон бўлмасди. Бошини қўлидаги бойликлар айлантирганди. Сувсизлик, очлик ва толиқишни ҳам ҳис этмасди. «Тезроқ уйимга етиб борсам бўлди», деб ўйларди. Мирхолдор «дори»нинг ўзи миллион доллар», деганди. Бу ҳазилакам пулми? Шаҳарнинг мана-ман деган тўраларида ҳам бунча маблағ йўқ. Халтада қанча пул бор? Жувоннинг телба кўнгли шу тобда пулни санашни истаб қолди. Истак шу даражада кучли эди-ки, аёлнинг юрагини патиллатиб юборди. Санамоқчи бўлди, аммо бир чимдим соя тушадиган жой тополмади. Бир оз юргач, фишт билан ўралган эски қудуққа дуч келди. Соя тушиб турган жойга ўтирди. «Бисмилло», деб тугунни ечди. Пуллар ёйилиб, сочилиб кетди. Улар шунчалик бисёр эди-ки, аёлнинг кўзлари ўйнаб кетди.

- Яйранглар, димиқиб ётгансизлар, шамоллаб олинглар! Оҳ, менинг ширин жонимнинг қувватлари! Сасиб, бижғиб кетибсизлар-ку!

Султонхон пулларни чор атрофига сочиб ташлади. Боя ўйлаганидек, уларнинг ҳаммаси четники эди. Бўлак-бўлак қилиб, ўртасидан резиңа ип ўтказилганди. Аёл бўлақларнинг ҳар бирида юз донада юзталиқ купюра борлигини билди. Аммо санаш, аниқ ҳисобини олиш истаги унга тинчлик бермади.

Бу юмуш Султонхоннинг анчагина вақтини олди. Пулларни қўлидан ўтказганида толиққан жисми жони ором олар, кучига куч қўшиларди. Уларни ҳидлаб, лабларига босиб, чўпиллатиб ўпиб, «Энди сизлар меникисизлар, менинг ихтиёримдасизлар. Сизлар мени бойвачча хонимга айлантирасизлар. Хоҳлаган буюмимни, хоҳлаган машинамни сотиб олишим мумкин. Ризодек ўзига бино қўйган манқалар менга қул бўлади, хизматимни қилади. Эшигимни пойлайди», дерди.

Халтада беш юз минг доллар бор эди. Санаб бўлганида ширин энтикиб қўйди. Султонхоннинг кўзлари иккинчи идишдаги «дори»га тушди. Аёл уни ҳам қўлига олди.

Кун қайтганди, салқин тушганди. Чўл жониворлари яна инларидан чиқиб, тирикчилик илинжида ғимирлаб қолишди. Аммо қудуқ атрофида яшовчи жониворларнинг тинчи аллақачон бузилганди. «Дори»нинг иси уларнинг димоқларини қитиқлаган ва инларидан чиқишга мажбур қилганди. Ўзидан зурриёт қолдириш истагида юрган қорақурт билан илон ёқимсиз иснинг пайдо бўлганидан ғазабланганди. Чўлларда бундай бадбўй исни хушловчи жонзодлар ҳам топилади. Улар аллақачон банги ўтлар ўсадиган жойларга кетиб қолишган. Баъзилари гоҳи-гоҳида келиб туради. Келишади-ю, жинникни бошлашади. Жинсдошларига кун беришмайди. Чийиллаб, чақиб, уларни безовта қилишади. Илон билан қорақурт эса бундай бангиларнинг додини бериб, ҳайдашади. Ушалар яна қайтиб келишдимикин? Банги ўтларга тўйиб қайтишдимикин? Кекса илоннинг хаёлидан шу фикр ўтди. У

инини ташлаб чиқар экан, икки метрли танасини чўзиб, увишган ва томир тортган баданини бўшатди. Ўзидан икки қадам нарида думини гажак қилиб ўтиб бораётган чаённинг асаби бузилганлигини унинг ҳаракатидан билди. Қорақурт эса оёқларини илдамлатиб, жилпанглаб у ёқдан, бу ёққа физилларди. Асаблари таранглашганлигини ошкор қилган қизғиш кўзларини бақрайтириб турган илоннинг ғазабли қарашига аҳамият бермади. Айниқса, юмронқозиққа кун туққанди. У бошини гавдасидан баланд кўтариб, оёқлари билан тик туриб, худди рақс тушаётгандек турган жойида айланиб-айланиб, ҳавони симирарди. «Дори» ҳиди унинг кайфиятини кўтариб юборганди. Узига ўқдек нигоҳини қадаб турган илоннинг ҳам, типирчилаб чопқилаётган қорақуртнинг ҳам, ҳатто заҳарга тўлдирган нишини гажак қилиб бораётган чаённинг ҳам назарига илмади. Бошқа пайтларда уларга дуч келишдан қўрқадиган юмронқозиқнинг юрагини қўрқув тарк этганди.

Илон олдидан ўтиб бораётган юмронқозиққа ғазабли нигоҳ ташлади. Бошқа пайт бўлганда уни тиллари билан илиб, ютиб юборган бўларди. Аммо ҳозир бунинг мавриди эмасди. Бутун диққат-этибори димоғини ачиштириб, нафасини бўғаётган исда эди.

Илон қайноқ кум устида бошини хиёл кўтариб, ис келаётган томон судралиб кетди. Хиёл очилган оғзидан икки дона қозиқ тишлари кўриниб турарди. Анчадан бери йиғилган заҳар сўлаклари орқали ташқарига чиқиб турарди. У ис яқин атрофдан келаётганлигини билди. Рақибини огоҳ этиш мақ-

садида вишиллаган товуш чиқарди. У судралиб борар экан, йўлидаги саксовул ва юлгунларни айланмади. Уларнинг орасини шиддат билан ёриб ўтди. Қуриган шохлар қорин пардасини шилиб юбораёзди. Илоннинг димоғи ҳозиргина қорақурт қолдирган ахлат исини ҳам олди. Тили орқали ҳис этаётган ўттизга яқин ҳидлар орасидан шу яқин-атрофда турган одам исини ҳам ажратиб олди.

Қорақурт аллақачон одамга яқин жойда пайдо бўлганди. Уни безовта килган ҳамда кўнглини беҳузур қилаётган ис мана шу одам олдидан таралаётганди. Қорақурт аёлга яқинлашганида, унинг асаблари боягидан баттарроқ кўзгалди. Боши гарангсиб, қон тўлган кўзларига майда-чуйда нарсалар ҳам катта-катта бўлиб кўринди. Шиддат билан аёлнинг оёқларига тирмашди. Димоғи билан ҳавони симириб, кўйлакнинг ичига кириб кетди. Тер босган баданга тегмасдан тепалади. У аёлнинг киндиги олдида тўхтади. Шу ерга танасидаги жамики заҳарни санчишга қарор қилди.

Бу орада кекса илон қудуқ тепасига етиб келганди. У халтани қучоқлаб ўтирган аёлни кўрди ва кўнглини беҳузур айлаган ис шу аёлдан таралаётганини билди. У тўхтаб, одамга газабли нигоҳ ила боқди. Узун, айри тилини чиқариб, ҳужумга шайланди.

Султонхоннинг қулоқларига илоннинг овози чалинди. Орқасига қайрилди. Бир қулоч нарида бошини ердан тизза баробар кўтариб, оғзини хиёл очиб, айри тилини чиқариб турган илонни кўриб, тахтадек қотиб қолди. Танасини йигиб, ғужанак бўлиб олган илон пружинадай сапчиб, бир ҳамла

билан заҳарли тишларини унинг кўкрагига ботириб олиши мумкин эди. Бироқ улгурмади. Илон ҳамлага отилишга чоғланганда аёл худди ер кўтариб ташлагандек сапчиб, дод солди. Овози чўл узра таралиб кетди ва қудуқ тубида ётган Саидни уйғотиб юборди. Илоннинг ишини қорақурт бажаришга улгурганди.

* * *

Саид қўл-оёқларини деворга тираб, тепага тир-машди. Худди остидан биров кўтариб тургандек қийналмай чиқди. Қудуқ оғзидан бошини чиқариб, атрофга аланглади. Шунда унинг кўзлари ерда чўзилиб, типирчилаб ётган аёлга тушди. «Султонхон», деган сўзни беихтиёр оғзидан чиқариб юборди. Аёл тўлғоқ тутгандек типирчилаб ётарди. Тиззасидаги халталар ерга тушиб кетганди.

Саид қудуқдан ирғиб чиқди. Пулларни йиғиштирди.

- Худо менинг оҳларимни эшитди, раҳми келди, қийналганимни билди... Етказганингга шукр, Аллоҳим! Югурганники эмас, буюрганники, деганлари шу бўлса керак-да а, хоним? Учрашган жойимизни қаранг. Ортимдан қувиб кепсизда? Худо дилингизга солган. Саид икки-уч йилдан бери Мирхалдорнинг думидан ушлаб, қуруқ қўл билан кетаётганини билгансиз-да а, хоним?!

Султонхон оғриқ азобидан инқиллаб, вужудига ёйилаётган заҳар таъсиридан қалтираб, ҳаво етишмай бўғилиб борарди. Оғриққа чидаёлмай чинқирарди. Тепасида жавраётган Саиднинг сўзлари қуло-

фига кирмасди.

Саид героин билан пулларни йиғиштириб бўлгач, жувонга қаради.

- Сизга жоним билан ёрдам берардим-у, аммо вақтим зиқ, хоним. Мени афв этинг! Худонинг ўзи дардингизга шифо берсин! Яхши кунларда учрашамиз, деган умиддаман! - деди ва қум тепалар оша чопиб кетди.

* * *

Пул аччиғи жон аччиғи, деганларидек яраланган, кўп қон йўқотган, оғриқ азобини писанд қилмай лўкиллаб келаётган Мирхолдор аёлнинг адашганини, у кетаётган томонда бирорта қишлоқ йўқлигини қумга муҳрдек босиб қолдирган изларидан билганди. Семизлиги ҳам унинг илдам юришига халақит берарди. Ҳаво етишмаётгандек, ҳансиради. Тилида жувоннинг шаънига куракда турмайдиган сўзларни ёмғирдек ёғдирарди. «Пулларни сенга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ. «Дори»ларни ҳам қайтариб оламан. Ўзингни соғ қўймайман, тутган жойимда яланғочлаб, саксовул устига ўтқазаман. Гўштингни қурт-қумурсқаларга едираман».

Мирхолдор икки-уч чақиримли масофани ортда қолдирди. Аммо аёл кўринмасди. Қумда қолган оёқ изларидан ва бу изларнинг устидан бирорта жонивор кесиби ўтмаганидан унга етиб олишга озгина масофа қолганлигини тушунди.

Ўқ теккан жой баттар ачиштириб оғритар, тинимсиз қон кетарди. Ҳолсизланиб қолса-да, қаддини секинлатмасди...

Ниҳоят, қудуққа етиб келди. Ерда чўзилиб ётган Султонхонда қўзи тўхтади. Кўзларига ишонмасди. «Топганим ҳалол экан, мендан қочиб кетолмадинг», деди унга яқинлашар экан. Аёл қимир этмасди. «Чарчаган, ухлаб қолган», ўйлади унинг тепасига келган Мирхолдор. Ёнидан ханжарини олди. Оёғини Султонхоннинг белига қўйди.

- Қани, ўрнингдан тур-чи, жодугар!

Елкаси билан нафас олиб ётган жувондан садо чиқмади. Султонхон фалаж бўлганди. Гапиролмасди. У нур кетиб бораётган кўзларини аранг очиб Мирхолдорга қаради. Нимадир деб гўдранди.

- Тушунтириброқ гапир, нима бало, тилингни тишлаб олганмисан? - Мирхолдор аёлни қорақурт чаққанидан беҳабар эди.

Аёл яна гўдранди. Мирхолдор унинг юзига диққат билан нигоҳ ташлади. Юзи кўкариб, қўл-оёқлари ишламаётганини сезиб қолди. Илон ёки қорақурт чаққанини шунда билди.

- Пул билан героин қани? Уларни қайси тешикка беркитдинг?

Мирхолдор «бойликларни остига яшириб олган», деб хаёл қилди ва жувоннинг гавдасини ёнбошига тўнтарди. Аммо ости бўм-бўш эди.

- Пулларим қани?! «Дори»ни қаерга беркитдинг?!

Султонхон аридек гўнгиллади. Мирхолдор чидамади. Ўрнидан туриб аёлни тешиб юборди. Кейин қудуқ атрофини айланиб, бойликларни излади. Аммо тополмай хуноби ошди. Хаёлига «қудуққа гавдаб юборган», деган фикр келди. Энгашиб, бўйинини чўзиб, бошини ичкарига суқди. Кўзларига

ҳеч нарса кўринмади. Қоронғу эди. Пастга тушди. Жароҳати шу даражада қаттиқ оғриди-ки, бақириб юборишдан ўзини тиёлмади. Кўзларидан ёш чиқди. Ерга ўтирди. Қон оқиши тезлашганди. Ярага тиқилган рўмолча аллақачон ивиб, яроқсиз бўлиб қолганди. У кўйлагининг бир парчасини йиртди. Ярага тикди. Қон тўхтади. Лекин йўқотилган қон аҳволини анча хароб қилганди. Боши айланди. Тепасидаги ёришиб турган осмон қора булут остида қолгандек, қоронғулик пардаси атрофни ўраётгандек эди. Фикри-зикри бойликни топишда бўлган Мирхолдор яна ҳаракатга тушди. Қўллари билан ерни пайпаслади. Кум ва гишт синиқларидан ўзга буюм илинмади. Пастга тушганидан пушаймон бўлди. Хўрлиги тутиб, йиғлай бошлади.

Пастда узоқ қолиб кетолмасди. Тезроқ юқорига чиқишга, жон талашиб ётган аёлдан бойликларни қаерга яширганини билишга бўлган иштиёқ уни оёққа турғазди. Амал-тақал қилиб ўрnidан турди-ю бироқ тепага чиқишга қуввати етмади. Оёқлари амрига итоат етмади. Қўллари ушламоқчи бўлган нарсасини чангаллай олмасди. Кўз олдини оқ-қора халқачалар қоплаганди. Боши тинимсиз айланарди. Кейин гавдаси қийшайиб, йиқилди.

* * *

Амирхоннинг ғойиб бўлишида, Баҳромнинг хотини ва болаларининг фожиали ўлимида Қоплоннинг айбланиши, бу ишларнинг барчаси ким томонидан уюштирилганлиги ойдек равшан бўлган бўлса-да, Шуҳрат Шарифович ўзи учун иккита муҳим

нарсани аниқлаши зарур эди. Шу сабабли Қоплонни сабрли бўлишга такрор ва такрор ундарди. У машина тормози атайлаб узилганлигини ҳам фош қилди. Аммо жиноятчини топиш лозим эди.

Кечга яқин изқувар Нодирни тутиб келди. Қоплон қурилишга кетганди.

- Машина тормозини узиш сенга нимага керак бўлиб қолди? - сўради ундан изқувар.

- Қанақа машина, нималар деяпсиз? - Нодир ҳеч нарса билмаган одамдек елка қисди.

- Қоплонбекнинг машинасини назарда тутяпман, - деди изқувар унинг кўзларига тикилиб.

- Тухмат қилманг, - юзини терс бурди Нодир, - Мен сиз айтган ишдан беҳабарман!

Изқувар стол тортмасидан арраланган шлангни олди.

- Булар сенинг ишингми?

- Буни мен қилмаганман!

Изқувар уни осонликча таслим бўлмаслигини афти-ангоридан сизди. Ёнидан сигарета қутисини олиб, олдига қўйди.

- Чекасанми?

Нодир сигарета қутисига қаради-ю ҳамма гапни тушунди. Ўша куни қутини тушириб қолдирганини биларди.

Қоплон кириб келганида, Нодир сигарета қутисига тикилганча турарди.

- Бу кимнинг топшириғи эди? - сўради изқувар.

Нодир тониш фойдасизлигини билди.

- Ризонинг, - деди у бошини эгиб.

- Қоплонбекнинг водийга жўнашини унга ким етказган?

- Шарофат опа, - минғирлади гумондор. - Бу ердаги гап-сўзлардан Ризони у огоҳ қилиб туради.

- Амирхонни кимлар ўлдирган?

- Бунисини билмайман. Ризо одамларини бир - бирига қўшмайди.

Қоплон билан Шуҳрат Шарифовичнинг назарида Нодир ёлғон гапирмаганди.

- Ҳозир тўғри уйингга боришингни ва икки кун ҳеч кимга кўринмасликни маслаҳат бераман, - деди изқувар унга. - Ўйлайманки, айтганимни қиласан!

Нодир бош ирғаб, хонадан чиқиб кетди.

- Энди Аҳмадни қаердан бўлса ҳам топишимиз зарур. Уни қўлга олсак, ҳамма сирлар очилади.

- Бироқ у қаерга беркинган бўлиши мумкин? Ҳар қалай шаҳардан четга чиқиб кетолмайди. Паспорти ёнимизда.

- Менимча у тоғда бўлиши керак, - деди Қоплон.

- Унда тоққа борамиз.

- Мен ҳам бирга бораман, - деди Қоплон. У бу гапни шу қадар қатъийлик билан айтди-ки, изқувар эътироз билдиrolмай қолди.

- Жиноят қидирув бўлими ходимларини ҳам таклиф қиламиз, - деди Шуҳрат Шарифович.

Қоплон эътироз билдирмади.

* * *

Қафас ичида тиззаларини кучоқлаб, мудраб ўтирган Жалил ниҳоят ухлаб қолди. Тезак ва пешобнинг омухталашиб кетган иси димоғини ачиштириб, кўнглини беҳузур қиларди. Шундай бўлса-да, чарчоқ ва ҳорғинлик гирдобига тортганди. Кўзларини

юмган заҳотиёқ туш кўрди: ҳамиша тиниб-тинчи-майдиған, жонсарақ аёли, бир-биридан шўх, ўйин-қароқ фарзандлари даврасида ўтирганмиш. Болалари оталарининг тиззасига чиқиб, бири соқол босган юзини силаб, бошқаси кўкрагига бошини қўйиб, эркаланармиш. Жалил ҳам жужуқларининг бирини олиб, бирини қўйиб, бағрига босар, искаб, тупроқ ва чанг қўнган юзларидан ялаб-юлқиб, чўлпиллатиб ўпиб, гоҳи-гоҳида қитиқлаб ўйнатармиш. «О, шунқорларим-ей, сизларни кўргим келиб, қанчалик соғинганимни, йўлларингизга термулиб, кўзларим тоғларнинг тошини тешганини билсаларинг эди. Мен ширмон кулчадек юзларингизни кундуз кунлари қуёшдан, кечалари ойу-юлдузлардан изладим. Ҳидларингизни тоғларнинг лолаларидан, ўтўланларидан ахтардим. Аммо тушларимда сизларни кўрмадим. Юрагим сим-сим оғриб, шундай эзилдим-ки, чидаёлмай йиғладим. Сизлардан озгина аразим бор, жужуқларим, нега мени излаб тоғларга чиқмадингиз, отам қани, деб ахтармадингиз? Шунда жажжи полопонлари оталарининг кўз ёшлардан нам бўлган юзини силаб-сийпалаб, соғинчдан чўгдек ёнган тўшларига бошларини босиб, унга шу сўзларни айтармишлар: «Эҳ, меҳрибон отажонимиз-ей, биз ҳам сизни қанчалар соғинганимизни билмайсиз-да, билганингизда бу сўзларни сўзла-масдингиз. Биз ортингиздан сиз кетган ўша қорсиз тоғларга чиқдик, тикан босган адирларни кездик, олислардан бўлса-да, сизни кўрдик.. Сиз қашқирлар ичида эдингиз, отажон. Уларнинг олдиға яқин боролмадик. Узоқдан бўлса-да, қонли тишларини кўрсатишди. Ириллашиб, бизға ҳамла қилишди.

Биз кўрган қашқирлар тоғ қашқирларидан ҳам баттар экан. Шу сабабли ёнингизга етиб боролмадик, отажон. Ахир қашқирларга ишониб бўладими?»

Шундай ширин давра, шундай ширин суҳбат кетаётган, ота болаларининг, болалар эса оталарининг дийдорларига тўйиб, масрур бўлиб турган бир пайтда, ё алҳазар, ё алҳазар, қаердандир қашқир пайдо бўлди. Худди одамга ўхшаб, икки оёқлаб келди. Жалил ҳам болалари каби қўрқиб кетди. Қашқир Жалилга яқин келди. «Нега бизни ташлаб келдинг? Қани олдимга туш, тоққа кетамиз!», буюрармиш у. «Менга тегма, бола-чақаларим олдида қолай, уларни соғинганман». Жалил кўз ёш тўкармиш. Шунда қашқирнинг қаҳри кўзида. Кўзларида ўт ёнди. Сўйлоқ тишини шақиллатиб, ириллаб, Жалилга ташланишга ҳезланди. У қўрқиб кетди...

Кўзларини очганида кўрганлари туш, айтганлари сароб, ётган жойи қафас эканлигини билди.

Совуқ тушганди. Вужуди аёздан эмас, кўрқувдан титрарди. Ёнида бароқ думини остига тўшаб, бошини оёқларига қўйиб, бўрилар кўзларини юмиб ётишарди. Жалил уларни уйғотиб юбормаслик учун жим ўтирди. Юрагидаги соғинч ҳисси тошқиндек кўпириб, булоқ мисоли тошиб, бўғзига келди. Кўзларидан оққан шашқатор ёшлар изғирин ялаб, нам қочган, серажин юзини ювиб, кейин эгнидаги узоқ вақтлардан бери ечилмаган, ранги ўчиб, моғор босган кўйлагига оқиб тушарди. Сергак бўрилар ҳам уйғонишди. Кўзларини очган заҳотиёқ очликлари эсларига тушдими ёки бирор нарсанинг ҳидини олишдими, гингшишди. Эркак бўри ўрни-

дан турди. Оёқларини кериб, гавдасини чўзиб керишди. Шунда Жалил унинг қорни анча ичкарига кириб, қовурғалари чиқиб қолганлигини кўрди. Бўри қоронғу осмонга тикилиб ув тортди.

- Қорнинг очдими, овқат егинг келдими? - минғирлади хизматкор. - Сабр қил, ҳадемай тонг ёришади. Мен ҳам очман, кечадан бери туз тотмадим. Аҳмедбек уйғонса, бизга раҳми келиб егулик берар.

Эркак бўри унинг гапларини тушунгандек жойига бориб, оёқларини узатиб, гуваладек бошини бироз кўтариб, кўзларини чўққиларга тикиб ётди. Негадир у безовта эди...

Жалилнинг кўзларидан ҳам уйқу қочганди. Нигоҳини қорсиз чўққига қадаб, ўй суриб ётарди. Ҳозиргина тушида кўрган болаларини ёдга олди. Уларни кўрмаганига ҳам анча бўлганди. Ичидан бир парча эт узилиб тушгандек вужуди оғриди.

Жалилнинг қулогига шитирлаган овоз чалинди. Қафас томон кимдир оёқ учида келарди. Жалил уни танимади. Бўрилар одам исини олиб, қулоқларини динг қилиб сергакланишди. У шарпадан кўз узмади. Шарпа бирдан ғойиб бўлди. «Кўзимга шунчаки кўринган», деб қўя қолди. Бир муддат ўтиб, шарпа яна пайдо бўлди. У қафас олдида турарди. Бўрилар бошларини илкис кўтаришди.

- Сизга ким керак? - сўради.

Нотаниш одам чўчиб тушди. Кўрқувдан олайган кўзлари билан атрофга аланг-жаланг боқди.

- Мен қафас ичидаман, - Жалил ўзининг қаердалигини билдирди. Кўзлар учрашганда қария уни таниди...

* * *

Кекса изқувар Ҳамид билан Баҳромни милицияга топшириб юборганидан беҳабар бўлган Ризо Бори-ни чақиртирди.

- Иш чўзилиб кетяпти. Аҳмадни тезроқ бир ёқлик қилиш керак. Қочиб кетгудек бўлса, сиримиз очилади.

- Истасангиз бугун ишни битириб келаман, - деди Бори.

- Эртага мен дам олиш учун тоққа чиқишим керак. Меҳмоним бор. Дачани тозалаш керак.

- Тушундим, хўжайин. Бугуноқ тозалаб келаман!

- Кечки пайт йўлга чиқ, бировнинг назари тушмайди!

Бори қўлини кўксига қўйди.

- «Тозалаб», шу ерга қайтайми?

Ризо «ҳа», дегандек бош ирғади.

Бори оқшомда тоққа жўнади. Дачага бормаганига ҳам икки-уч ой бўлганди. Қоронғуда машинани бошқариш хавfli эди. Салгина қалтис ҳаракат билан одамнинг кўзи тинадиган тубсиз жарликларга тушиб кетиш мумкин. Лекин Бори бунга парво қилмади. Тезликни пасайтирмай, довонга чиқди. Бироқ дачагача бўлган икки юз қадам масофани яёв босиб ўтиш лозим эди. Баҳорда сел ёғиб, тошқин бўлиб, оқим харсанг тошларни ўзи билан оққизиб тушган ва йўлни тўсиб қўйганди. Шунинг ҳисобини олиб, машинани йўлда қолдиришга мажбур бўлганди.

Тун ярмидан оғиб қолганди. «Аҳмад билан Жалил ухлашаётган бўлса керак», деб ўйлади. Ҳамма ишни

ими-жимида қилгани дуруст. Ҳатто Жалил ҳам хитланмасин. Бори қўлига милтиқни олиб, тошдан-тошга сакраб тепаликка кўтарилди. Дала - ҳовлига етмай тўхтади. Уй ичига киришни ўйлади. Эшикни итарса, овоз чиқиб, Аҳмад уйғониб қолиши мумкин. Жалил ҳам ҳамisha сергак ётади.

У деразадан киришга қарор қилди. «Аҳмад кўринса, отаман-у ғойиб бўламан», деб ўйлади. Лекин бу фикридан тезда воз кечди. Ўқ овозини Жалил эшитиб қолиши мумкин-ку?

Бори дераза ёнига келди. Парда туширилганди. Ичкаридаги нарсалар кўринмасди. Фақат эшикдан кириш мумкин. Бориб эшикни охиста итарди. Қулфланганди. Бори кутишга қарор қилди. Хилватроқ жойда беркиниб туриш мақсадида пастликка тушди. Увиллаган товуш қулогига чалинди. Ризо «бўри боқяпман», деганди. Шу эсига тушди. Қафасга яқин борди. Бўрилар ёниб турган кўзларини унга тикишди. Қафаснинг бурчагида тиззаларини кучоқлаб, совуқдан дилдираб ўтирган Жалилни кўрмади. «Сизга ким керак?», деган сўзни эшитганида, сапчиб тушди. Шошиб орқасига қаради. Уни таниди: Жалил.

- Қафас ичида нима қилиб ўтирибсиз? - сўради.

- Бўриларни пойлаяпсизми?

Савол чолнинг хўрлигини келтирди.

- Мени қамаб қўйишди, иним. - йиғламсиради қоровул.

- Ким?

- Аҳмадбек...

- Ўзи қаерда?

- Ичкарида ётибди.

- Ифлос! Сизни нега қашқирларнинг ичига ташлади?

- Билмадим...

Бори эшикни очмоқчи бўлди, аммо кўзи қулфга тушди.

- Калит қани?

- Нима қиласиз?

- Сизни чиқараман!

- Бундай қила кўрманг, иним. Аҳмадбек сизни хафа қилади.

Бори унинг сўзига қулоқ солмади.

- Калит қаерда?

- Ўзида, - кўрқа-писа жавоб қилди Жалил.

Бори қўлига тош олди.

- Бузманг, иним, томга чиқиб тунукани сурсангиз бас.

Бори томга чиқди. Тунукани кўтарди. Туйнук очилди. Жалил тепага кўтарилди.

- Ҳозирок уйингизга жўнанг! - буюрди Бори қоровулга.

- Уйга кетолмайман, иним, Ризобек хафа бўлади.

- Кетмасангиз, улар гўштингизни бўриларга едиришади. Яхшиси кетинг!

Жалилнинг боши қотди. Ўйлаб, Борининг маслаҳатини қабул қилди.

- Умрингиздан барака топинг, Борибой!

- Сизни қафасдан чиқарганимни бировга айта кўрманг!

Жалил бош ирғади, кейин пастликка тушиб кетди.

Бори қоровулнинг тезроқ кетишини кутди. Шарпаси йўқолган заҳоти, милтигини олиб, уйча томон

юрди. Кўндоқ билан эшикни урди. Қулф очилди.

Аҳмад қуш уйқу бўлиб қолганди. Ҳозир ҳам кўзларини юмиб, ўтмишини эслаб ётганди. Назарида ҳаммаси жойида эди. «Тилла йигит»нинг уйига кирганини биров кўрмади. Ризодан бошқа одам Дилдоранинг номусига текканини билмайди. Лекин Қоплон нега келиб-келиб ундан шубҳаланди, изига одамларини ташлади? Москвага бориб тутиб келишди? Кимдир сотган. Ризо бирортасига оғзидан гуллаган. Сири очилган.

Аҳмад бу ерга келгандан бери шу тўғрида ўйлайди. Аммо юрагига таскин берадиган жавоб тополмай қийналади. Аини дамда ҳам хаёлига ўрнашиб қолган мана шу саволга жавоб ахтариб ётганди. Узини бу ерда узоқ қололмаслигини биларди. Дачага ҳар хил одамлар келиб-кетиб туради. Бирининг бўлмаса, бошқасининг кўзи тушади. Жалил танийди. Ваъда қилинган паспорт қачон тайёр бўлади? Яна қанча кутиш мумкин? Ризо ҳужжатни олиб келса, бугуноқ боши оққан томонга кетарди.

Кўзларини бир нуқтага тикиб ётган Аҳмад эшикнинг қарсиллаб очилганини эшитди-ю, хонага бегона одам кириб келганини сизди. Бемаҳалда келган кимса Қоплоннинг одамларидан эмасмикин?

Аҳмаднинг боши қотди. Қутулишнинг чорасини ўйлади. Ўрнидан, сапчиб турди-да, тўшакни буклаб, одам ётганга ўхшатиб қўйди. Ёстигининг остига чопқини яшириб қўйганди. Уни олди. Оёқ товушлари шу томон келарди. Аҳмад панага яширинди. Қуролли одам ичкарига кириб келди. Тўшак тепасида тўхтади.

- Бу мендан сенга совға, қабул қил, Аҳмад!

Милтиқдан иккита ўқ узилди. Ствол ўқсиз бўш қолди. Аҳмад янглишмаганини тушунди. Яширинган жойидан чиқди-да, чопқини боши узра кўтариб, бегона одамга ташланди. Шунда уларнинг кўзлари учрашди. Аҳмад уни таниди. «Бори», дея бақириб юборди. Чопқи кўтарган қўл ҳавода муаллақ қолмади. Бори чап беришга улгурди-ю, бироқ унинг тиғи қўлининг тирсагини ялаб ўтди. Милтиқ ерга тушди. Аҳмад яна чопқини кўтарди, аммо бу гал хаёлига келган фикр аҳдидан қайтарди.

* * *

Жалил пастликка тушиб, Борини дуо қилиб борарди. У келмаганида ҳоли не кечарди? Қашқирлар ичида яна неча кун оч қолиб кетарди? Балки улар гўштини еб, суягини гажиб ташлашармиди? Аммо кетганини Ризо эшитиб қолса-чи? Хафа бўлмасмикин? «Сизга ишониб дачани қолдиргандим, бўриларни очдан ўлдирибсиз, товон тўлайсиз», деса-я? Бу савол хаёлига келганида қария кўрқиб, вужуди музлаб кетди. «Яхшиси қайтайин, жойимга кириб ётайин, ўлдирса бўрилар ўлдирсин, аммо хўжайиннинг ғазабига учрамай».

Жалил тўхтади. Орқасига қайрилди. Баландликда кўриниб турган уйча мунгайиб, қошига чорлаб турганга ўхшади. Қашқирлар ҳам у кетган томонга кўзларини тикиб тургандек туюлди. Жалилнинг оёқлари пастга тортмади. Бу жойни ташлаб кетгиси келмади. Бошида минг хил ўйлар. Қалбидан бир нидо отилди. «Қайтма, ўз оёгингга ўзинг кишан

урасан».

У уйчадан кўзларини узиб, пастга қаради. Бир қадам босишга улгурди. Қулоқларига бирин-кетин отилган ўқ овозлари чалинди. «Ё раббим, бу нима-си? Борижон бўриларни отиб қўйдими? Қафаснинг тепасини ёпмаганди, қашқирлар чиқиб унга ташландимикин? Ишқилиб ўзига зиён-заҳмат етмади-микин?»

Жалил шошиб, ортига қайтди. Унинг кўз олдига қашқирларга таланиб ётган Бори келди. Чопқиллади, йиқилди, турди ва яна чопди. Йўли унмасди, ҳансирар, ўпкаси бўғзига тиқилганди. Телага чиқиш азоб эди, хўп уқубат эди. «Ишқилиб бўриларнинг жони омон бўлсин-да, уларга бирор қор-ҳол бўлмасин-да. Хўжайин «қочирсанг, қонингни ичман», деган-а.

Эй, Художоним-ей, бўриларни паноҳингда асрагин, уларнинг жони сенга керак бўлса, меникини ола қолгин. Мен калласи айниган чол нега Борижоннинг гапига ишондим, нега бўриларни ташлаб кетдим-а? Жойимда ётсам бўлмасмиди?»

Жалил дала - ҳовлига келгунича қора терга ботди. Тўғри, қафас олдига ўтди. Бўрилар омон, аммо бироз безовта эди. Оёқларида тик турганча, қулоқларини динг қилиб, чақнаб турган ўткир кўзларини хизматкорга тикиб туришарди. Жалил қафас олдига келди ва ерга тиз чўкди. Кўзларидан шашқатор ёш оқарди. «Хайрият, соғ экансизлар», деди уларга қарата. Ҳеч бирингизга зиён етмабди. Борижон қани, ўқни кимга отдийкин?» Жалил уй томон қайрилди. Ошиқ-мошиғидан чиқиб, қийшайиб қолган эшикда кўзи тўхтади. «Ким бузди?» Жалил

баттар ваҳимага тушди. Калимасини ўгирди. Ўзи сезмаган ҳолда ичкарига кирди. Қулоғига узуқ-юлуқ сўзлар чалинди. Тўхтади.

Бу пайтда Аҳмад Борининг устига миниб олиб, қўлидаги чопқини пешонасига тираб турарди.

- Бошингни иккига бўлиб ташлайман. Фақат ростини гапир, мени ўлдиришни сенга ким буюрди?!

- Ҳеч ким, - хириллади Бори.

- Унда нега ўқ отдинг?

- Кўрққанимдан...

- Ёлғон гапиряпсан, ит! Энди ўзингдан кўр!

Аҳмад чопқини боши узра кўтарди. Шунда Борининг кўзлари Аҳмаднинг кўзлари билан учрашди. Оний лаҳзаларда унинг кўз қорачиқларида ҳеч нарсадан қайтмаслигини, қўлидаги чопқи билан бошини қовоқдек ёриб ташлашини билди. Бори қичқириб юборди.

- Айтаман!

- Гапир, хунаса!

- Ризонинг топшириғи билан келувдим. Сени ўлдиришни буюрганди!

- Ёлғон гапиряпсан, хотинталоқ! Қасам ич!

- Хотиним талоқ бўлсин!

- Менда нима қасди бор экан, у пасткашнинг?

- Қоллоннинг одамлари изингга тушганидан кўр-қишяпти. Сени кўлга туширишса, ўзининг сири очилиб қолармиш.

- Ризо қаерда?

- Эртага келади...

- Алдамаяпсанми?

- Нон урсин!

Аҳмад чопқини пастга туширди.
Қўлидаги қон оқаётган ярани маҳкам чангаллаган
Бори ўрнидан турди.

- Энди мен нима қиламан? - сўради у Аҳмаддан.
- Хўжайининг нима топшириқ берганди?
- Сени тинчитиб орқага қайтишни...
- Унда орқангга қайтавер!
- Сен-чи?

Аҳмад саволни жавобсиз қолдирди. Эшик томон
юрди.

- Қаёққа? - сўради Бори.
- Мен ҳам бу ердан кетаман, - паст овозда жавоб
қилди Аҳмад. - Ризо мени сўраса, ўлдириб, кўмиб
ташладим, де. Ўзингга яхши бўлади.

Жони омон қолганидан, Аҳмаднинг индамай чи-
қиб кетганидан хурсанд бўлган Бори бир парча
латта топиб ярасини боғлади. Кейин ўзини тўшакка
ташлади. Ризо келса нима дейди? Тирик одамни
«ўлдирдим», деб айтолмайди-ку?!

* * *

Каттанинг одамлари катта миқдордаги «дори»га
харидор топишганди. Улар «юк»ни жойида қабул
қилиб, пулни тўлашга сўз беришганди. Бундай
улгуржи савдо ҳамиша ҳам бўлавермайди. «Дори»-
нинг қиймати бироз арзон бўлса-да, бу таклиф
каттага маъқул тушди. Ўша заҳотиёқ Шокирни
Мирхолдорнинг олдига жўнатди.

- Тайёрлаган «дори»ларининг ҳаммасини олиб,
эрталаб бекатга келсин. Ишончли харидор топгани-
мизни айт. Султонхонга жавоб берсин. Янги мавсум

бошлангунча кўзга кўринмай турсин! - деб топшириқ берди.

Шокир саҳрога жўнади. У ҳам «юк»ка улгуржи харидор топилганидан хурсанд эди. Ахир бу ерга ҳар ҳафтада келиб-кетиш жонига теккан эди-да. Қолаверса, янги мавсум бошланяпти. Тайёрлари сотилса, улушини олади. Пул ҳаводек зарур. Ота-онасига «четга ишлагани кетяпман», деб айтган. Қариялар ёлғиз фарзандларининг йўлига кўз тикиб ўтиришибди. Шокир кечга яқин Мирхолдорнинг қўналғасига етиб келди. Бироқ излаган одамани тополмади. Ҳайдар хўжайинининг ғойиб бўлганини айтди.

- Келиши билан тайинла, «юк»ни олиб, эрталаб бекатга етиб борсин. «Дори»га харидор келди. Бир йўла ҳаммасини сотиб олмоқчи. Султонхонга жавоб берсин! Бу шефнинг топшириғи, тушундингми?! - деди.

- Тушундим, - деди бошини ирғаб Ҳайдар.

Шокир қайтиб кетди. Ҳайдарнинг бир ташвиши икки бўлди. Ўтиролмай қолди. Гоҳ тепаликка чиқиб, атроф-теваракка кўз ташлар, гоҳ секин-аста қоронғулик чўкаётган саҳро ичига кириб кетарди. Назарида Мирхолдор шу атрофда юргандек эди. У кечаси ҳам ухлай олмади. Тонгни бедор қаршилади. Кутган одами қайтмади. Юраги сиқилиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

Эртаси куни Шокир харидорни бошлаб, бекатга келди. Шу ерда Мирхолдорни кутишди. Лекин ундан дарак бўлмади. Охири сабр косаси тўлди. Поезд жўнашга сигнал берди.

- «Юк»ингиз келмади, Шокиржон. Одамларим

бетоқат бўлишяпти. Улар «юк»ни жойлаштириш учун вагон ходимлари билан келишиб қўйишганди. Одамингиз келмайдиган бўлса, бизни катта маблағга туширасиз!

- Яна бир оз кутайлик, Равил амаки. Мирхолдор, албатта, келиши керак.

- Мен-ку, сабр қилишим мумкин, аммо поездни ушлаб туrolмайман. У белгиланган вақтда жўнаши лозим.

- Одамларингизга айтинг, яна беш дақиқа ушлаб туришсин.

Равил соатига қаради. Ўзидан бир неча қадам нарида турган одамларига бармоғи билан беш рақамини кўрсатди.

Шокир бетоқатланди. Умид билан йўлга кўз тикди. Назарида у ҳозир келиб келадигандек туюларди. Бироқ кўринмади.

- Бас, ортиқ кутолмаймиз, - деди ниҳоят харидор Шокирга. - Поезд жўнаши керак.

- Айб бизда, Равил амаки, - узр сўради Шокир. - Ишонч билдираман-ки, сиз, албатта эртага «юк»ни қабул қилиб оласиз!

- Барча харажатлар сизнинг гардинингизга, - деди харидор аччиқланиб. - Буни тўлайсизлар!
- Қанақа харажат? - асабийлашган Шокир бу сўзни жаҳл устида айтиб юборди. Харидорнинг узун, қизариб кетган бурни остидаги қўнғиз мўйлови қийшайди.

- Биринчидан: вақт - бу маблағ, иккинчидан: «юк»ни олиб кетиш учун кузатувчига ваъда қилинган пул, учинчидан: «дори»ни жойлаш учун вагоннинг қимматбаҳо тахталарини кўчириб, у ердан

махсус жой очирганмиз. Буларнинг ҳаммаси пулга чақилади, дўстим. Бориб бошлиғингизга айтинг, эртага «юк»ни етказмайдиган бўлса, сизлар бир лимон тўлашга мажбурсизлар. Унутманг, бизнинг ишимизда субутсизлик, ёлғон гапириш, ваъдага хиёнат ёмон оқибатларга олиб келади!

Ялпоқ юзи шолғомдек қизариб кетган Шокир Равилнинг жиноят оламида қандай мавқега эгаллигини биларди. Шу сабабли ортиқча гап айтишга ҳадди сиғмади.

У сахрога жўнаб кетди. Кун ботганида етиб борди. Машинадан тушди-ю, тўғри Ҳайдарнинг ёнига борди. Хўжайиннинг йўлига кўз тикиб ўтирган хизматкор Шокирни кўрганида юраги тўнтарилиб тушди...

- Қани Мирхолдор?! - сўради у Ҳайдарнинг ёқасидан тутиб.

- Келмадилар...

- Келмадилар?! Нега келмайди? Ер ютганми? Осмонга учиб кетганми? Қаёққа кетган?!

- Мен бу ерда йўқ эдим, - минғирлади Ҳайдар.
- Ҳеч нарсани билмайман, Шокиржон.

- Мендан ниманидир яширяпсан, тўнғиз! Айт, қаерга йўқолди?! Ёки айтгани кўрқяпсанми?!

- Худо урсин, билмайман...

- Сен қаерда эдинг?!

Ҳайдарнинг тилини тош босди. Кўз олдига ўлим келди. Шокирнинг баджаҳллигини биларди. Хаёлига Султонхон келди Йигитлари уни кеча поезддан тушганда кутиб олишганди. Бу ерга машинада олиб келиб, ташлаб кетишганди.

- Султонхон қаерда?

- Уни ҳам кўрмадим.
- Саид-чи?
- Қочди!
- Камол-чи?

Ҳайдар қўли билан чодир томонни кўрсатди.

- У ўлиб ётибди...
- Ўлиб ётибди?
- Ким ўлдирди?

Шокир кўзларини чодир томонга тикди. Ҳайдар уни Мирҳолдор томонидан ўлдирилганлигини айтгиси келмади. Шокир ўйга толди. «Бу ерда нимадир бўлган? Ишқилиб бир-бирларининг гўштини ейишмаган бўлсин-да».

Унинг назарида Ҳайдар бошлигининг қаҳридан чўчиб, бўлиб ўтган ишларни айтгиси келмаётгандек туюлди. Лекин билгиси келди. Хизматкорни боягидан кучлироқ бўга бошлади. Бармоқлари унинг ингичка бўйнига миҳдек санчилди.

- Сен ифлос, ҳали мендан гап яширадиган бўлиб қолдингми? Гапир, Мирҳолдор қаерда?! Камолни ким ўлдирди?! Султонхон қаерга даф бўлди?!

- Ҳайдарнинг нафаси қайтди. Қийналиб оғзидан биргина сўз чиқди.

- Билмайман...

- Ёлгон гапиряпсан, чўчқанинг боласи! Гапир, Мирҳолдор қаерга кетди?!

Шокир ўз ўзини бошқаролмай қолди. Ҳайдарнинг бўйнидан маҳкамроқ бўғарди. Типирчилаб, жон талашиб турган хизматкорнинг қон томирлари қисилди, бўйни ингичкалашиб, бармоқлар орасида мижиғланиб кетди. «Жони оғримаса айтмайди», ўйларди Шокир ва бутун кучини қўлларига берди.

Ҳайдарнинг оғзидан кўпик келиб, ердан оёғи узилди. Кўзига жони кўринди. Саид Ғаффорни, Мирхолдор эса Камолни ўлдирганини айтмоқчи бўлди. Аммо бўйнидан бўғиб турган қўллар бунга имкон бермади. Қора терга ботган, ғазабдан юзлари гезарган Шокир ҳамон оғзидан тупук сочиб, бир саволни такрорларди:

- Мирхолдор қани, қаерга кетди?!

Ҳайдар ҳолсизлана бошлади. Ёшли кўзлари соқ-қасига сиғмай, сувсиз балиқдек оғзини каппа-каппа очиб турган бир пайтда, ёнидаги пичоғи ёдига тушди. Уни ўлим чангалидан шу нарса сақлаб қолиши мумкиндек туюлди. Куч-қувватни йиғиб, пичоқни олди. Кейин... кейин уни бир ҳамла билан Шокирнинг қорнига санчди. Аммо суғуриб олишга кучи етмади. Шокир қорнида пайдо бўлган оғриққа бардош беролмай, қичқириб юборди. Қўллари Ҳайдарнинг қизариб кетган бўйнидан сирпалиб тушди. Ўпкасига ҳаво кирган хизматкорнинг кўзларига зулмат босган олам бирдан ёришиб, яшнаб кетди. Азобдан қутилганига хурсанд бўлди ва «хайрият», деб юборди.

- Аблаҳ! - Шокир қаҳрли нигоҳини хизматкорга тикиб, кейин қумга йиқилди. Унинг бесўнақай гавдаси Ҳайдарнинг оёқлари остига тушганди. Хизматкор ўзига келди. Кўз ўнгини боягидан ҳам даҳшатли зулмат босди. Шокирнинг устига энгашди.

- Мен аҳмоқ, мен нодон нима ишлар қилиб қўйдим, шўр пешонамга балолар орттирдим-ку! - У бу сўзни уч-тўрт маротаба тилга олди. - Мени кечиринг, жаҳл устида... ўлимдан қўрқиб... - У яна

нимадир деб минғирлади.

Шокирнинг ярасидан чиқаётган қон кўйлаги ва қумни қизил рангга бўяб, атрофга ёйиларди. Сопигача қорнига ботган пичоқни суғуриб олиш на ўзининг, на ваҳимадан ақлу ҳушидан айрилган Ҳайдарнинг хаёлига келарди. Хизматкор телбалардек пичоқлаб қўйган одамнинг атрофида гир-гир айланиб йиғларди...

- Ё раббим, ўзинг кечир, нималар қилиб қўйдим? Наҳотки, одам ўлдирган бўлсам, ўзинг кечир, о, Парвардигорим! Унинг ўрнига менинг жонимни олгин. - Ҳайдар Шокирнинг олдига тиз чўкди. - Шокиржон, кўзингизни очинг, ўрнингиздан туринг. Мен ҳаммасини гапириб бераман. Саид Аффорни ўлдирди. Камолни эса хўжайиннинг ўзи отди. Саид қочганди, Мирхолдор уни қувиб кетганди. Мен буларни сизга айтолмагандим, кечиринг...

Шокир ўрnidан туришга уринди, лекин оғриқ бунга имкон бермади. У тўнтарилиб йиқилди. Тепасида жавраётган Ҳайдарнинг сўзлари қулоғига кирмасди. У додлаш асносида бир сўзни қайтарарди.

- Онангни... онангни мени единг...

Ҳайдар унга яқин келди ва яна кечирим сўради.

- Шокиржон... Шокиржон... мен билмасдан...

Шокир қорнига санчилган пичоқни суғуриб олганини хизматкор кўрмади. У бошини кўтарди. Ерга тиз чўккан, қум ёпишган юзи кўз ёшлардан нам тортган, вужуди япроқдек титраётган Ҳайдар уни бағрига тортди. Боши елкасига тегиши биланоқ кўкрагига нимадир санчилди. Оғриқдан у қичқириб юборди.

* * *

Айни шу дамда бепоён саҳродан чиқиб келган Саид йўловчи машиналардан бирига ўтириб, кўзлаган манзили томон кетиб борарди. Кўлга киритган бойликларини белига боғлаб олганди. У чегарани дарё орқали кесиб ўтмоқни ният қилганди. Дарёга яқин жойда машинадан тушди. Сузиб ўтадиган жой излаб ўтирмади. Кийимларини ечиб, тугунга тугиб, ўзини сувга ташлади. Сув яхдек эди. Музлаб қолаёзди. Чидади. Қулочини отиб, қирғоқ томон сузди. Соҳилга ўтиб олса, хатар ортда қолади.

Сув юзаси сокин бўлгани билан тубида оқим кучли эди. Эни юз қадам бўлган дарёнинг нариги томонида тўқайзор кўзга ташланиб турарди. Мана шу жой уни хавф-хатардан яшириши мумкин. У белидаги «дори» билан пулни тез-тез ушлаб қўярди. Нам ўтмасин, деб целлофан халтага жойлаганди.

Қулоч отиб, тўши билан сувни ёриб, олға интилар экан, хаёлан Ризони кўз олдига келтирди.

«Мен келдим, Ризо. Сен тутиб берган одамлар қашқирдек бир-бирларининг гўштини ейишди. Султонхонни илон чақдими, қорақурт заҳар солдими, ишқилиб шол бўлиб, оёқ-қўли ишламай, забони айланмай, чўлнинг ўртасида қолиб кетди. Ўша сен ишонган, сен сиғинган Мирхолдорни ўз қўлим билан отиб ўлдирдим. Эндиги гал сеники, Ризо! Бу сўзларни эшитса, қандай аҳволга тушаркин? Юраги тўхтаб қолса керагов! Боши айланиб, ўзини йўқотиб қўйиши аниқ. Аммо унинг айёрлиги, муғомбирлиги ҳам бор. Саидни кўрганида худди арвоҳга дуч

келгандек, қотиб қолади. Оёқларига бошини уриб узр сўрайди. Йўқ, Саид унинг таваллоларига қулоқ солмайди. «Мен сени қўлларим билан бўғиб ўлдирмайман, Ризо, - дерди сувда сузиб бораётган Саид кўкариб кетган лабларини зўрға қимирлатиб худди душмани қаршисида тургандек. - Белимдаги «дори»нинг кучи билан гумдон қиламан. Пулнинг кучи нималарга қодир эканлигини ўшанда биласан. Сен топган пуллар белимдаги «дори»нинг бир парчасига арзимамайди. Керак бўлса, жамики бойликларингни, мол-давлатингни сотиб олишга қодирман. Лекин мен сенинг исқирт нарсаларингга зор эмасман. Мен жонингга харидорман. Аввало тилинг учун жавоб берасан»!

Саид чарчади. Хаёлга берилиб, танасини кучкуват тарк айлаганини сезмай қолганди. Совуқ таъсирида пайлари тортила бошлаганди. Бошини буриб, ортига қайрилди. Босиб ўтган масофа олисда қолганди. Шовуллаб, бошини эгиб, чайқалиб турган қамишзорга етишига атиги йигирма-ўттиз қадам қолганди. Яна бир бор ҳаракат қилса, кучини тўплаб олдингга интилса, бас, соҳилга чиқиб олади.

У қўл-оёқларини ҳаракатга келтирди. Шунда пайлари боягидан қаттиқроқ тортила бошлади. Сузолмади. Оёқларига тош осилгандек вазминлашди. Белидаги юк сув тубига тортаётгандай туюлди. Оғзи-бурнига сув тўлди. Қўл-оёғини ҳаракатга келтиролмай чўка бошлади. Шунда унинг ўтмаслашиб қолган хотирасига Худо келди. Биргина у сув жафосидан, ўлим ёқасидан қайтариб қолиши мумкиндек туюлди. Унга ялинди, ёлворди, тавалло-ю-илтижолар қилди. «Э, раббим, ўзинг паноҳингда асрагувчи

зотсан, ўзинг бандаи ожизингни ажал домидан қутқарувчи зотсан. Мен бечора осий банданга раҳм айла, оёқ-қўлларимга куч ато эт, чўкиб ўлиб кетмай. Шу оқимдан чиқиб олсам, пулимнинг ярмини хайр-эҳсонлар қиламан. Ажал билан олишиб, душманларимни ўлдириб келдим. Бошимга шу савдоларни солган Ризода қасдим бор, уни кўрмай, ўч олмай ўлмайин. Менинг ўлганимни эшитса, байрам қилади».

Саид белидаги бойликларни ушлади. Оғзига сув кириб кетди. Бироқ оёғидан тортаётгандай чўка бошлади. Бошини сувдан чиқаришга куч тополмади. Танасида оёқ-қўлларини ҳаракатга келтирадиган куч қолмаганди. Кутилмаганда миясининг икки томонида санчиқ турди. Жон таслим қилишдан аввал яна бир бор типирчилади. Қўл-оёқлари қотиб қолганди. У бошини тош босгандек тобора пастга қараб чўка бошлади.

* * *

Аҳмад дала - ҳовлидан унча узоқ бўлмаган ёнбағирликдаги тошлар орасида беркиниб, Ризонинг йўлини пойлаб ётарди. Бу ердан уй ҳам, пастдан чиқиб келадиган одамлар ҳам бемалол кўриниб турарди. У Борига ишонарди. Ризо келиб, албатта «топшириқ нима бўлди?», деб сўрайди. Бори эса ўргатганини тўтидай сайрайди. Шундан Аҳмаднинг кўнгли тўқ эди. Эртаси куни Ризо Азизани бошлаб келди.

- Нима қилдинг, эпладингми? - сўради Борини бир четга тортиб.

- Ҳаммаси жойида, хўжайин, - бошини эгиб деди Бори.

Ризо унинг елкасига шапатилади:

- Сенга ишонардим, ўғил бола!

- Ҳизматингиздаман, хўжайин...

- Сўрига жой қил!

Азиза атрофга боқиб, табиатнинг гўзаллигини томоша қиларди. Қорли чўққилар, ям-яшил арчазорлар унинг хаёлини ўғирлаганди. Ризо унинг олдига келди.

- Истасангиз арчазорга олиб тушаман.

- Раҳмат, тезроқ ишингиз билан таништирсангиз...

- Бир пиёла чой ичмасдан кетмоқчимисиз? Шунча йўл босиб келдик. Бироз дам олиб кетамиз-да!

Бори сўрига жой ҳозирлади. Стол устини ноз-унёъматларга тўлдирди.

- Хўжайин, жой тайёр!

Ризо қизни бошлаб сўри олдига келди...

Тоғлар узра хуфтон қароси бостириб келмоқда эди. Азизанинг юраги типирчиларди. Ризонинг кўп ичаётганидан ташвишга тушганди.

- Тезроқ қайтишимиз керак, кеч бўлиб қолди, - деди Ризога.

- Ташвишланма, албатта, кетамиз!

- Онам хавотир оладилар...

- Мен билан бўлганингни айтсанг, индамайди.

Ризонинг мақсади Азизани бу кеча тоғда олиб қолиш эди. «Росмана қоронғу тушса, кетишга қўрқади. Бунинг устига маст ҳолда рулни бошқаролмаслигимни билиб, машина минишимга рози бўлмайди», деб ўйларди. Ахир қинғир-қийшиқ, паст-

баланд йўлларда машинани бошқариш осон эмас-ку.

- Мен мастман, - деди ниҳоят Ризо қизнинг кетамиз, деяверганидан ранжиб. - Бу аҳволда машинани бошқаролмайман. Йўлдан чиқиб, жарга тушиб кетсак, иккимиз ҳам нобуд бўламиз.

Азиза хиқиллаб йиғлашдан ўзга чора тополмади. Росмана қоронғулик тушди. Икки-уч қадам нарини кўз илғамасди. Бори эса қаёққадир ғойиб бўлганди. Атрофда кўринмасди. Ризо ўрнидан турди.

- Совуқ тушди, энди ичкарига кирайлик. Йўқса, шамоллаб қоламиз.

Ҳақиқатдан ҳам ҳаво совуқ эди. Юпун кийинган Азиза дилдирарди. Ноилож ўрнидан турди. Ризога эргашиб, ичкарига кирди.

Худди шу пайтда Ризонинг изига тушган Шухрат ака бошчилигидаги уч нафар милиция ходимлари дала - ҳовлига етиб келишганди. Бир шиша ароқни ичиб, эски одеялга ўраниб ётган Бори уларнинг келганини сезмай қолди. Аҳмад эса тасодифан уларнинг йўлидан чиқиб қолди-ю арчазор ичига қочди. Изқуварлардан бири унинг ортидан қувди. Шухрат ака шерикларини бошлаб уйча томон юрди. Яқинлашишганида қулоқларига ғўнғир-ғўнғир овоз чалинди. Ҳаммалари тўхташди.

- Агар айтганимни қилмасанг, билиб қўй, бу ердан тирик кетмайсан. - Бу Ризонинг овози эди.

- Менга тегманг. Бундай шармандагарчиликка чидамайман, яхшиси ўлдира қолинг, - ялинувчан овозда дерди қиз.

- Бошимни оғритма, қаршилиқ кўрсатишинг фойдасиз! Қани, диванга кел!

Азиза ҳиқиллаб йиғларди:

- Қўйиб юборинг, жон амаки, сиздан илтимос қиламан... Мени унаштириб қўйишган...

- Диванга кел, дедим!

Ризо қизнинг олдига келди ва унинг қўлидан ушлаб, диван томон судради.

Қоплон қизнинг нолаларига чидаёлмади. Шерикларининг рухсатини олмай, ўзини ичкарига урди. Эшикнинг қарсиллаб очилганидан Ризо чўчиб тушди.

- Бори, сенмисан, палакат?!

Қоплон чироқни ёқди. Унинг ташрифи Ризо учун кутилмаган ҳол эди. «Тилла бола»ни кўриб таёқдай қотиб қолди, аммо тезда ўзини қўлга олди.

- Қоплон?! Нега келдинг бу ерга?!

- Ифлос! - ўзини босолмай Ризога ташланди Қоплон. - Боланг тенги қизга ёпишгани уялмайсанми?!

- Менинг дала - ҳовлимга киришга ким рухсат берди, сенга?!

- Сенинг юзсизлигинг, виждонсизлигинг. Менга қилган хиёнатларинг!

- Тухмат қилма, Қоплон! Бу гапларинг учун ҳали жавоб берасан!

- Иккала қулоғинг билан эшитиб қўй. Баҳром ҳам, Ҳамид ҳам мелисанинг қўлида. Улар сенинг барча қилмишларингни айтиб беришди.

Шу пайт изқуварлардан бири қўлига кишан солинган Аҳмад билан Борини олиб кирди. Ризо уларни кўрди-ю таёқдай қотиб қолди.

ҚАБРИСТОНДА ОТИЛГАН ЎҚ

Кузнинг ўрталари эди. Тун яримлаб қолган бўлишига қарамай, ёғ - экстракт заводида иш давом этарди. Ишчиларнинг бақир-чақирлари; темир-терсақларнинг тарақ-туруғи тунги сукунатга халақит қиларди. Совуқ изғирин эса доврахтларнинг ерларда сочилиб, сарғайиб, нам тортиб қолган япроқларини тортқилаб қаёқларгадир олиб кетмоқчи бўларди. Кемтик ой худди ерга тушиб кетадигандек, сурмаранг ёғдуларини она замин узра сочмоқда. Мана шундай дилбар кечадан канал ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан икки киши оқимга қарши томонга юриб борарди. Тез юрганларидан ҳансираб-ҳаллослашр, бир-бир ортларига қараб қўйишарди. Уларнинг нимадандир ҳадиксираётгани ҳаракатларидан сезилиб турарди. Ой ёғдусидан қочиб, ўзларини терақларнинг соясига олишга ошиқардилар.

Тунги шарпалар узоқ юришди. Осма кўприк ёнига келишганда, нафаслари бўғзига тиқилиб, тўхташди. Изларидан бегона одам таъқиб қилиб келаётгандек яна ортларига қарашди. Бир зум нафасларини ростлаб олишгач, йўлларида давом этишди. Кўприк ўртасига келганда паст бўйли одам қўйнидан латтага ўралган буюмни олди-да, сувга улоқтирди. У ой нурида ялтираб, шохшаббаларга урилиб, сўнг «чўлп» этган овоз чиқа-

риб, кўздан ғойиб бўлди. Пакана одам елкасини босиб турган оғир юкдан халос бўлди-ю ammo қўлига ёпишган шилимшиқ қонни кўрганида, бадани ток ургандек жимирлаб кетди...

Шарпалар кўприкдан ўтишди. Бу гал улар ўз йўлларини ўзгартиришди. Ой ҳам уларга эргашди. Ёлғизоёқ сўқмоқ уларни канал тепасидаги қабристонга олиб чиқарди. Қабристон бундан ўн йиллар муқаддам тўлган. Энди марҳумларни бу ерга дафн этмай қўйишганди. Сўқмоқни ўт-ўланлар босиб кетганди. Улар чирмовуқдек оёққа илашиб, юришни қийинлаштирарди. Катта-кичик тошлар, ёмғир сувида ивиб қолган кесаклар, каламуш ва тулкилар кавлаб ташлаган чуқур ҳандақлар, гўё оғзини очиб турган махлукдек юракка кўрқув солади. Қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланлар ёмғир сувидан нам тортиб, оёқлар зарбига бардош беролмай, вужудида оғриқ туйгандек инграйди. Илгарилари бу ерларда дайди итлар санқиб юрарди. Улар тўда-тўда бўлиб, бир-бирларини қувиб изғишар, ўзлари билан олиб келган ўлжаларини шу ерда баҳам кўришарди. Кейинчалик улар бу жойга келмай қўйишди.

Катта-катта қадам ташлаб, тепалик сари тирмашиб чиқётган бояги кимсалардан бири янтоқлар орасида ётган юмшоқ нарсани босиб олди ва гўёки бомбага дуч келгандек сесканиб, бир неча қадам ортга тисарилиб, йиқилиб тушди. Вангиллаган овоз тун сукунатини бузиб, борлиқни ларзага келтиргандек бўлди.

- Эй, падарингга лаънат! - кўрқувдан овозининг борича қичқириб юборди пакана одам.

- Палид! - тўнғиллади иккинчиси ҳам ва ошиғич қўйнидан тўппончани олиб, унинг учини қайси томонга тўғрилашни билмай довдиради. Сўнг:

- Ҳушёр бўлиб қадам бос, Сўфи! Бу ерларда қутурган итлар кўп бўлади, - дея оғоҳлантириб қўйди.

Ит бўйнини қийшайтириб, вангиллаганча қочиб кетди.

Улар чор тарафи қўрғон қилиб ўралган, тепа қисми қор ҳамда ёмғир сувидан ивиб, нураб тушган пахса девор ёнида тўхташди. Олдинда бораётган йўл бошловчи бу ерни яхши билса керак-ки, адашмай қабристон ичкарасига кириладиган тешикни топди. Туянинг ўрқачидек пастбаланд қабрлар, бу ердаги совуқ сукунат ҳар қандай одамнинг қалбида қўрқув ҳиссини уйғотади. Сўфининг пойма-пой қадам ташлаши, қўрқув аралаш атроф-теваракка олазарақ боқиши унинг бу томонларга илк бор келганидан далолат беради. Бу орада у қандайдир чуқурга тушиб, икки бор мункиди. Гўштдор кафтига тикан ботди. Оғриқдан инграб юбораёзди. Лекин бунга ўша заҳотиёк унутди. Кимсасиз ва қўрқинчли бу жойга нимага келишадиганлигини ўйлади. Шаҳардан чиқиб кетишса бўларди-ку?! Биров танимайди. Улардан шубҳа қиладиган одам йўқ бўлса! Балки бу қабристон этагида у билмаган ва кўрмаган бирорта қишлоқ бордир...

- Этиб келдик, Сўфи! - деди шериги йўқотиб қўйган буюмини топиб олгандек мамнун бўлиб.

Сўфи қўрқув акс этиб турган кўзлари билан атрофга аланглади. Туянинг ўрқачидек паст-ба-

ланд қабрлардан ўзга нарса унинг кўзига кўринмади. Тунги чироқларга кўмилган шаҳар унинг диққатини тортди. Шаҳарнинг қиёфаси шу қадар гўзал эди-ки, Сўфини сеҳрлаб қўйди. Вужудидаги қувонч ва шодликни тезда унутди. «Энди у томонларга қайтиб бориш насиб қилармикан? Болачақаларининг дийдорини кўрармикан?!»

- Нега хода ютгандек гўдаиб турибсан?! Ўтир!
- жеркиб берди шериги.

Сўфи тиз чўкди. Тиззасига тош ботди. Кафти билан оғриқ турган жойини уқалади. Шериги эса тўхтаган ерни шох-шаббалардан тозалади. Қаердандир дастаси қирқилган белкуракни топиб, ерни қазишга киришди. Қатлам юмшоқ эди. Чуқур тизза бўйи бўлганида курак қандайдир қаттиқ жисмга тегди. Ғашни келтирувчи гичирлаган овоз эшитилди. Сўфи ҳайрон эди. «Нимага ерни кавлаяпти? Нимани яширган?», деб ўйларди. Шериги оёқларини икки томонга кериб, энкайганча ниманидир тортқилади. Кучли магнит майдонидан ажратиб олаётгандек уни зўрға кўтариб ташқарига чиқарди. Қандайдир темир қопқоқ экан. Шериги юзидаги терни артиб, Сўфига буюрди:

- Қани, пастга туш! - деди пишиллаб нафас олар экан. Сўфининг юраги титради. «Мени бу ерга тириклай кўммоқчимми?»

Сўфи ортига тисарилди. Қочмоқчи бўлди. Шериги биқинига тўппончани тиради:

- Қаёққа?! Шундай пайтда мени ёлғиз ташлаба?
а? - деди истехзоли жилмайиб.

- Нима, мени тириклайин кўммоқчимисиз? - йиғлаб юборди Сўфи.

- Пастга туш! - аввалгидан баландроқ овозда ўшқирди шериги.

- Тўғрисини айтинг, мени кўмасизми?

- Туш дедим!

Сўфининг қалтираётган оёқлари уни туйнук тепасига судраб келди. Ёшга тўлган кўзларини пастга қадади. Қоп-қоронғу туйнук уни ўз домига ютиб юборадигандек туюлди. Биқинини тешиб юбораётган тўппончанинг азобидан қутулиш учун пастга энкайди...

- Яхшиси отиб ташланг, тириклай кўмилишни истамайман, - Сўфи ортга чекинмоқчи бўлди. Шериги бунга имкон бермади.

- Туш, деган сўзни яна такрорлатадиган бўлсанг ўлигинг шу ерда қолади!

Сўфи ноилож туйнук тепасига келди....

2

Мурда шаҳар марказидаги ўликхонага жўнатилган бўлса-да, тезкор гуруҳ ходимлари воқеа жойида қотиллик сабабларини ўрганишда, жиноятчи томонидан қолдирилган бирорта далилий ашёни топишдан умидвор бўлиб, текширув ишларини давом эттиришарди. Бахтга қарши ҳеч қандай из топишолмай, хуноб бўлишарди. Гуруҳ аъзоларининг боши қотди. Наҳотки, жиноятни очишга ёрдам берадиган бирорта буюм топилмаса?

Тўшак устидаги қонга беланган чойшаб мархумнинг ётган жойида ўлдирилганлигини тасдиқларди. Хонада олишувдан дарак берувчи излар кўзга ташланмасди. Криминалист - эксперт Зо-

киржон Раҳмонов уй ичи ва ҳовли ташқарисида қотиллар томонидан қолдирилган бирорта изни тополмаётганидан хуноб эди. Сервантлардаги буюмларга қўл теккизилмаганди. Гуруҳ аъзолари «Жиноятчилар талончилик ёки босқинчилик мақсадида эмас, балки қасддан одам ўлдириш ниятида киришган», деган хулосага келишганди. Ниҳоят криминалист сервант остидан бир бўлак тишланган колбасани топиб олди. Раҳмонов уни эҳтиётлик билан қўлига олди. Колбаса бир мартаба тишланган, тиш излари яққол кўриниб турарди. Раҳмонов буни уй эгаси эмас, балки жиноятчилардан бири тишлаганини билди ва целлофан халтага жойлаб, ташқарига чиқди.

- Мени бу ерда қиладиган ишим қолмади, - деди эшик ёнида гувоҳ билан суҳбатлашиб турган тергов гуруҳининг бошлиғи Самадовга. - Идорага кетдим!

Терговчи дарозгина, елка суяклари ирғиб чиққан қария билан суҳбатлашиб турарди. Юпқа кийиниб олгани учун қариянинг бадани дилдирар, совуқдан лаблари кўкариб кетганди.

- Иссиқроқ хонага кирайлик, амаки. Бунақада шамоллаб қоласиз! Қани, юринг! - терговчи чолни ичкарига таклиф қилди. Бироқ қария:

- Мен ўлик чиққан жойдан қўрқаман, уахон, яхшиси бошқа хонага кира қолайлик, - дея илтимос қилди.

Ичкарига киришганда, Самадов қариянинг елкасига одеял ташлади.

- Мана энди билганингизни, кўрганингизни ва эшитганларингизни бир бошдан гапириб беринг, амаки?

- Хўп бўлади, уахон. Аммо гапирганларим орамизда қолсин. Чунки мен бу ерга мусофирман. Холангизга Кўқондан ичкуёв бўлиб келганман.

- Хавотир олманг, - далда берди терговчи. - Биз сўзни ҳеч кимга ошкор қилмаймиз!

- Ҳай, нима деяётгандим, эсим мана шунақа кирарли-чиқарли бўлиб қолганда, уахон. - қария титроқ қўллари билан пешонасини силаб, гапида давом этди. - Соат неча бўлганини билмайман. Ташқарига чиққанимда ой тиккада турарди. Кеч-қурун кўпроқ овқат еб қўйибманми, қорним безовта қила бошлади. Хожатхонага чиқдим. Бир нос чеккулик фурсат ўтирдим. Қулоғимга гўнғир-гўнғир овоз чалинди. Кўшнимнинг ишдан кеч қайтадиган одати бор, келган бўлса керак, деб ўйладим-у, ўтиравердим. Бироздан кейин тарсиллаган овоз эшитилди. Чўчиб тушдим. Яна жимжитлик чўкди...

- Ориф ака, - деди терговчи қариянинг сўзига аниқлик киритиш мақсадида. - Уша товуш сизга ниманинг овозини эслатди?

- Нимани бўларди, уахон, тўппончанинг овозига ўхшаб кетди.

- Ўхшадими ёки ўхшаб кетдими?

- Ўхшади.

- Буни қандай билдингиз?

- Энди, иним биз ҳам аскарликда хизмат қилганмиз. Икки йил ёнимда тўппонча олиб юрганман. Савилнинг овозини унутмаганман!

- Кейин нима бўлди?

- Нима бўларди, яна жимжитлик чўкди.

- Қулоғингизга бирор сўз чалинмадими?

- Йўқ, илғамадим, укахон...

- Яхшилаб эслаб кўринг, бу биз учун жудаям муҳим!

Ориф ака ўйга толди. Бир дақиқадан сўнг бошини чайқади.

- Тўғриси эслаёлмаяпман, укахон!

- Кейин нима бўлди? - терговчи Ориф акадан ишни очиш учун муҳим маълумот олишга ҳаракат қиларди.

- Уйга кириб кетдим. Бироқ кўзимга уйқу келмасди. Юрагим негадир безовта бўлаверди. Деворга қулоғимни тутдим. Жимжитлик. Кўнглим ниманидир сезди. Ўрнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Қулоқларимда ўша қарсиллаган товуш. Ваҳима боса бошлади. Юрагим боягидан ҳам қаттиқроқ дукиллаб, оёғимнинг учигача музлаб кетдим. Кечки пайт қўшнимнинг хотини ўғлини олиб, Тошкентга тушиб кетганди. «Бирорта эгри қўл уйда ҳеч ким йўқлигидан хабар топиб, улбулни ўмариб кетмасин-да», деган ўй кўнглимдан ўтди. Деворга шотини кўйиб, мўраладим. Қарасам уйнинг эшиги қия очиқ. «Кўшни», деб бир-икки овоз қилдим. Товуш бўлмади. Кўрқиб кетдим. Кўча айланиб ҳовлига ўтдим. Дарвозанинг бир қаноти очиқ қолганди. Уй олдига келиб, яна «кўшни», деб овоз қилдим. Ичкаридан жавоб бўлмади. Баттар ваҳима босди. Қўл-оёқларим безгак тутгандек қалтираб, эшикдан ичкарига назар солдим. Солдим-у, бошимга биров гурзи билан ургандек бўлди... Келинг, у ёғини сўраманг. Кўчага қандай чиқиб қолганимни билмайман. Муюлишдаги устахонага бориб, меласага тилпон қил-

дим. Кўрган-билганим, шу укахон...

- Яхши, - деди терговчи қариянинг сўзларини ён дафтарчасига ёзиб оларкан. - Машина овозини эшитмадингизми?!

- Йўқ, укахон. Мен жуда сергак одамман. Пашша гинг деса қулоғим илғайди.

- Ориф ака, ҳожатхонадан чиқиб, уйда қанча вақт ётганингизни эслай оласизми?!

- Бир соатча, - ҳозиржавоблик билан деди қария.

- Қўшнингизни кимлар келиб-кетиб туришини билармидингиз?

- Раҳматликнинг дўстлари кўп эди. Тўғриси, мен уларнинг исми-шарифини билмайман. Катта одамлар, бизнинг тенгимиз эмасда, укахон...

- Сизга катта раҳмат Ориф ака. Мабодо бирор гап ёдингизга тушиб қолгудек бўлса, менга кўнгироқ қилинг. - Самадов телефон рақами ёзилган қоғозни қарияга узатди.

Ориф ака терговчи билан хайрлашиб, уйи томон йўл олар экан, бирдан ҳожатхонада ўтирганда қулоғига чалиниб қолган бир сўзни эслаб қолди. Ортига бурилиб, терговчига қараганда, у ичкарига кириб кетганди...

3

Кейинги пайтда Раҳимхонов ишхонасига кеч келиб, эрта кетадиган одат чиқарганди. Эрталаб бирров кўриниш берарди-да, бажарадиган ишларни ёрдамчиларига топшириб, ғойиб бўларди. Солиққа ва валютага оид жиноятчиликка қарши

кураш бўлими департаменти ходимлари «Дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятига текшириш учун келишганида, Раҳимхонов шаҳар ташқарисидаги дала - ҳовлисига жўнаб кетганди. Бу ҳақда унга зудлик билан хабар килишди. Бироқ Раҳимхонов бугун ишхонага тушишга вақти йўқлигини айтди. Департамент ходимлари ун, дон, омухта ем ишлаб чиқариш омборларини муҳрлаб кетишди. Эртаси кун ишга келган Раҳимхонов бундан қаттиқ газабланди. «Менинг рухсатимсиз омборларни муҳрлашга уларнинг нима ҳаққи бор?», деб ўринбосарларини жеркиб берди. Ҳозироқ муҳрларни бузиб ташлашни буюрди. Унинг қаҳр-газаби қанчалик кучли бўлмасин, муҳрларни бузишга ҳеч ким ботина олмади. Бир-иккита ҳайба-ракаллачи ходимлари ётиги билан овутишди. «Хафа бўлманг хўжайин, ҳурматини қилайлик. Кеча муҳрлашган бўлса, бугун ўзлари келиб бузиб ташлашади. Эл кўзига шундай қилишганда. Ахир сизнинг кимлигингизни улар яхши билишади-ку», деб қўлтиғига сув пуркашди. Бу гап ўтга сув сепгандек тутаб кетган Раҳимхоновнинг ҳовурини босди. Ходимлари олдида ўз обрўсини, нималарга қодир эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлганди, холос...

Ҳаммадан ҳам Карим қаттиқ кўрқди. Бу йил қабул қилиб, омборда сақланаётган дондан беш юз тонна кам эди. Хўжайиннинг топшириғи билан ғалла ўрнига пул қабул қилганди. Бундан ташқари, ўзининг нафси ҳакалак отиб, эллик тонна буғдойни енг учида пуллаб юборди. Омбор муҳрлангандан кейин оёғи куйган товукдек ти-

пирчилаб қолди. Бошидан ақли ҳуши учган одамдек эсанкираб қолди. Тафтишчилар икки ой келишмай туришганда-ку, ҳаммаси хамирдан қил сугургандек теп-текис бўлиб кетарди. Карим қандай йўл билан бўлса-да, омборни текширтмаслик йўлини излади. Хаёли турли кўчаларга кирди. Бошлиқнинг бепарволиги ғазабини келтирди. Мабодо камомад фош бўлса, бу ишнинг орасига ҳеч ким тушолмайди. Ўн йилдан бери текширувчиларнинг бирортаси омборни муҳрлашга журъат этмаган. Хўжайиннинг кўрсатмаси билан айтилган цехда текширув ўтказишган. Шу баҳона бошлиқ дидига ёқмаган, топшириқни бажармаган, вақтида «муомала»ни қилмаган цех раҳбарларини вазифасидан четлатган. Бу ўч олишнинг осон йўли эди. Наҳотки, бу гал хўжайин уни нишонга олган бўлса?! Ўрни кимга керак бўлиб қолди? Ахир бир ой илгари ўрнида қолиш учун ўн минг кўкидан олганди-ку! Кимдир сотган? Орада душман бор!

Карим тонг отгунча киприк қоқмади. Эрталаб ишга барвақт келди-ю ҳеч кимга билдирмай муҳрланган бункерларнинг олдига борди. Уларни кўриб, юраги баттар эзилди.

Тангадек тешик ҳам департамент ходимларининг эътиборидан четда қолмаганди. Каримнинг назарида босилган муҳрлар ўн йилдан бери қилинган ўғирликлар, қўшиб ёзишларни фош этишга шай тургандек...

Бошлиқ ўз одатига амал қилган ҳолда бугун ҳам ишга кеч келди. Одамларнинг кайфияти тушиб кетганлигини, ичкарида қандайдир совуқ сукунат

хукмронлигини илғади. Гуёки бўлиб ўтган воқеалардан беҳабардек хонасига кириб кетди. Каримга қайрилиб қарамади ҳам. «Демак, мени ишдан ҳайдаши ёки қаматиш пайига тушгани аниқ. Сен аблаҳга осонликча таслим бўладиган аҳмоқ йўқ», деган ўй дилидан кечди. У бошлиқнинг ортидан эргашди.

- Омборни «печат»лаб кетишди, - деди руҳи тушган ҳолда. Бошлиқ тортмадан хушбўй атирни олиб бўйинлари остига сепди.

- Омборнинг тўғримиди? - ҳеч нарсадан беҳабардек сўради.

- Камомадим бор...

- Қанча? - атирни жойига қўйиб тортмани беркитаркан, Каримнинг юзига синчков нигоҳ ташлади.

- Эллик минг тоннадан кўпроқ...

Бошлиқ биров устидан совуқ сув қуйиб юборгандек, сапчиб тушди.

- Шу пайтгача тўғриламаганмидинг?!

- Ўтган йилги «остатка» тугамаган эди-да, хўжайин!

- Нега илгарироқ ҳаракат қилмадинг?!

- Тегирмон икки ойдан бери ишламаяпти... Кейин буларнинг келиши тушимга кирибдими?

- Мен билмайман, жавобини ўзинг берасан!

Бошлиқ Каримнинг юрагига пичоқ санчгандек бўлди. Ёноқларидан қон қочди. Юрагидаги ғазаб ва нафрат кўзларига балқиб чиқди.

- Жавобини бирга берамиз хўжайин, - ўзини қўлга ололмаган Каримнинг оғзидан шу сўз чиқди. - Бошимга мусибат тушганда мени ёлғизлатиб

қўйманг. Нима иш қилган бўлсам сизнинг топширигингиз билан қилганман!

Бошлиқнинг сигирнинг елинидек қип-қизил юзи оқарди, лаблари учди. Юзига сохта табассум ёйилди.

- Нега сен учун мен жавоб беришим керак экан? - деди гўё у билан ҳазиллашаётгандек.

Карим ўзини босолмади. Юрагида нимадир вулқондек отилди.

- Ахир топшириқни сиз бергансиз, мен бажарганман-да!

- Мен сенга ҳеч қандай топшириқ бермаганман!

- Хўжайин..

- Исботинг борми?

- Хўжайин...

- Далил-исботсиз, гувоҳсиз кўрсатмалар инобатга олинмайди. Тухмат дейилади!

Каримнинг ҳар туки орасидан тер чиқиб кетди. Оғзига келган гапни айтишдан ўзини зўрға босиб турарди. Бироз қизишиб кетганидан хижолат ҳам бўлди. Аммо «тухматчи»га чиқариб қўйганига чидамади. Ўз ишига ҳушёр бўлгани учун ҳам Раҳимхоновнинг оғзаки ва ёзма топшириқларини ён дафтарчасига қайд этиб юрарди. Чўнтагидан бир варақ қоғозни чиқарди.

- Бу сизнинг хатингизми? Қайси хўжаликка неча тонна қўшиб ёзиб бериш тўғрисидаги кўрсатмангизми?! Эътиборингиз учун мен буйруқ бажарганман, ҳузурини сиз кўргансиз?

Раҳимхонов ўзи ёзган руйхатни таниди. Тили айланмади.

- Қоғозни менга бер! - деди шаштидан тушиб.

Каримга жон кирди.

- Ҳозирча менда тургани дуруст хўжайин. Ишингиз кўп одамсиз, яна қўйган жойингизни эсингиздан чиқариб қолдирманг! - Омборчи очиқчасига бошлиқни масхара қилишга ўтди. Унинг сўзлари Раҳимхоновнинг баданига игна санчгандек таъсир қилди.

- Қўйнимда илон сақлаб юрганимни билмаган эканман!

- Хўжайин, «От бошига иш тушса сувлиғи билан сув ичар, йигит бошига ташвиш тушса, этиги билан сув кечар», деган мақол бор. Бошимга иш тушганида, сиз мени ёлғизлатиб қўйдингиз. Чўкаётган одам чўпга осилади, нажот излайди. Сизнинг бу ҳужжатларингизни асраб, хато қилмаган эканман. Ўзингизни олиб қочмоқчи бўлганингизда асқотиб қолди!

Раҳимхонов аросатда қолди. У Карим билан тил топишиш учун сўз ахтарди.

- Нима истайсан? - муросага келиш учун овозини пасайтириб сўради бошлиқ.

- Менга қолса бу ишлар «бости-бости» бўлиб кетгани дуруст. Иккимиз ҳам озор чекмайлик. Юрагим чатоқ, менга бир гап бўлса, бола-чақам сизни тинч қўймайди.

- Билиб қўй, сенга йўналган таёқ менинг бошимда синади. Қолаверса, чўнтагингдаги қоғоз текширувчиларнинг қўлига тушиб қолгудек бўлса, иккимиздан ташқари уч-тўртта туман ҳокимларини ҳам темир панжара ортига тортади. Ўйлаб иш тут, уларнинг ҳам бола-чақаси бор. Орқаларида кўкракларини қалқон қилиб турган аяхонлари

бор. Эсингда бўлсин, ҳар қандай жиноят кўпчилик томонидан содир этилса, жазо муддати узоқ берилади. Буни судьялар тилида группавой жиноят дейилади. Амнистия ҳам берилмайди. Камоматда бир ўзингнинг қўлинг бўлса, озроқ муддатга қамаласан. Кейин шерикларингни ҳимоя қилганинг учун ҳокимларнинг акахонлари сени чиқариб олишга ёрдам беришади. Бунинг учун, такрор айтаман, қўлингдаги қоғозни йўқот!

- Сиз айтган панжара ортида бир соат ҳам ўтиришга тоқатим йўқ, хўжайин. Яхшиси, ҳаракатингизни қилинг! Замон ўзгарган. Сиз ишонган дарахтларнинг илдизи чириган кўринади.

Карим қоғозни чўнтагига солиб, хонадан чиқиб кетди. Хўжайин алам билан столни муштлади:

- Падарингга лаънат! Қайдан ҳам сен аблаҳни ишга олдим! - дея сўкинар экан, газабдан титраётган қўлини телефонга чўзди...

4

Туман ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи Маҳмуджон Камоловнинг хонасидаги чироқ тун ярмидан ўтган бўлишига қарамай, ўчмаганди. Эшик тепасидаги соат миллари иккини кўрсатиб турарди. Бўлим изқуварлари, криминалист - экспертиза бўлимининг бошлиғи шу хонага жамланишганди. Улар тунда Охунбоев кўчасидаги 34 - хонадонда содир этилган қотиллик сабабларини таҳлил қилишларди. Тергов гуруҳининг бошлиғи Самадов ушбу жиноят ишига оид йиғилган маълумотлар тўғрисида ҳисо-

бот берди. Бироқ гувоҳларнинг, далилий ашёларнинг старли бўлмаганлиги, марҳумнинг қўшниси Ориф ака эса фақат оёқ шарпасинигина эшитганини таъкидлади. Қотилликнинг содир этилишидаги асосий далилий ашё - пичоқнинг топилмагани ҳам жиноятчининг шахсини аниқлашни қийинлаштириб юборганди. Терговчи «қотиллар қуролни ўзлари билан бирга олиб кетишган», деган қарорга келди. Асаблари таранг тортилган Камоловнинг сўзларидан ходимларнинг ишидан қониқиш ҳосил килмагани сезилиб турарди.

- Қотил пичоқни ўзи билан бирга узоққа олиб кетолмайди. Бу унинг руҳиятига ёмон таъсир қилиши мумкин. Фақат қаерга ташлаганлигини аниқлаш, излаш, топиш лозим! - деди Камолов. - Қотиллар марҳумнинг уйига пиёда келишган ва жиноятни содир этиб, пиёда қайтиб кетишган. Бироқ қайси йўлдан ва қайси томонга қараб ҳаракатланишган? Менинг назаримда улар канал ёқалаб кетишган. - Камолов харита олдига келди. - Улар жануб томон юришолмайди. Канал бўйларида чойхоналар бор. Шимол томон ҳаракатланишган. Бу йўл эса уларни шаҳарнинг эски қабристонига олиб чиқади. Қабристоннинг этаги эса Қирғизистон ҳудуди.

- Жиноятчилар қабристон ичига яширинишган, демоқчимисиз? - Самадов кулгудан ўзини зўрға тийиб олди.

- Фикрингизни инкор қилолмайман. Жиноят содир этган кимсалар бизнинг кўзимиздан яшириниш мақсадида одамлар эътибор бермайдиган жойлардан паноҳ излашади.

- Демак, пичоқ сувга ташлаб юборилган! - Раҳмоновнинг хаёлига шундай фикр келди.

- Фарғонадан чақирилган кинологлар канал ёқасидан из олишолмади. Сабаби чинор баргла-ридаги ёқимсиз ҳид итларнинг ис олишига сал-бий таъсир кўрсатган, - ўз хулосасини баён қилди Мирфозилов.

Криминалистика экспертизасининг бошлиғи Раҳмонов ҳам далилий ашё сифатида марҳумнинг хонадонидан тишлаб ташланган колбасадаги тиш излари ҳақида экспертиза хулосасини ўқиб эшит-тирди.

- Афсуски, воқеа жойидан биз жиноятни очиш-га хизмат қиладиган бошқа нарса тополмадик. Жиноятчилар қўлқоп ёрдамида ишлашган. Қотил-ликни содир этишдан аввал, бу ишга пухта тайёр-гарлик кўрилган. Тиш изига илашиб чиққан қон биологик тиббий экспертизанинг берган хулоса-сига кўра, марҳумнинг қонига тўғри келмайди. Из тахминан 25-30 ёшлар чамасидаги эркак жинсига мансуб шахсники эканлиги аниқланди. Тишлар-дан бири металлдан ясалган. Икки томондаги тишлар эса чархланган. Мутахассисларнинг айти-шича, жиноятчи ўша куни тиш шифокорининг ҳузурида бўлган. Менинг фикримча, шаҳардаги барча тиш даволаш шифохоналарини кўздан ке-чириш, тиш қўйдирмоқчи бўлган беморларнинг шахсини аниқлаш лозим.

- Колбасани биз ўйлаган жиноятчи эмас, уй эгаларидан бирортаси тишлаган бўлса-чи?! - Хо-димлардан бири гап ташлади.

- Колбаса қотиллик содир этилган куни сотиб

олинган. Қолаверса, Раҳимхоновнинг хотини ва ўғли ўша куни эрталаб уйдан чиқиб кетишган. Оила поликлиникасидан олинган маълумотномада директорнинг хотини ва ўғли тиш касали билан шифокорга муурожаат қилишмаган!

- Нима бўлганда ҳам аниқлаш зарур, - ўз сўзида катъий туриб олди Раҳмонов.

- Яхши, бу ишни Сатторовнинг зиммасига юклаймиз, - майор бурчакда ўтирган капитанга қаради. - Шунинг эса тутинг, шифокорларнинг айримлари даромадни яшириш мақсадида беморларнинг исми-шарифларини дафтарга қайд этишмайди. Нима мақсадда текшираётганларингни очиқ айтишлар. Уларнинг ёрдами кераклигини тушунтиришлар. Шундай қилинганда, улар бизни тўғри тушуниб, ёрдам беришади. - Майор ён томонида ўтирган Мирфозиловга қаради. - Сиз канал бўйлаб қидирувни давом эттиринг!

Майор ходимларига йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб, эртаси куни тунги соат 11.00да ахборот беришларини маълум қилди.

5

Исохон Раҳимхонов кутилмаганда Мақсуд полвонни йўқлаб қолди. Гарчи у билан бўладиган учрашувларни дала-ҳовлисида ўтказишга одатланган бўлса-да, бугун одатига хилоф иш тутди. Айтадиган гапининг муҳимлигидан эмас, балки вақтнинг тиғизлигини ҳисобга олиб, шундай қарор қилганди. Раҳимхонов кейинги икки ой давомида у билан учрашмай қўйганди. Аниқроғи, иши

тушмай қолганди. Раҳимхоновнинг ишхонасига таклиф қилиши полвонни бироз ўйлантириб қўйди. Хаёлидан турли фикрлар ўтди. «Гина-кудурат қилган экан-да», деган шубҳага бормаслиги учун йўлга отланди. Эшикни очиб, ичкарига кираётганда Раҳимхоновнинг тунд чеҳрасига кўзи тушди-ю қандайдир нохушлик рўй берганини тушунди. Бу тўғрида ўзи гап очмагунча сўрамади. Елкаси букчайиб қолган хўжайин унга ёвқараш қилди. Бу айтилган муддатдан анча кечикиб келгани учун норозилик белгиси эди.

- Сенга нима бўлди, полвон? Акам бор, деб хабар ҳам олмайсан?! Ё мендан тондингми?

- Ундай деманг хўжайин, мен сиздан тонсам охиратим куйиб кетади-ку!

- Қочирим гапларни эшитишга тоқатим йўқ! - деди Раҳимхонов паст овозда.

Полвон Раҳимхоновнинг шашти тушиб қолганини тушунди.

- Пичинг қияпти деган хаёлга борманг, хўжайин, сизни акам деганман!

- Иш чатоқ, - вазмин оҳангда давом этди Раҳимхонов. - Эшитгандирсан, ўтган куни комбинатни департамент босди. Мендан берухсат оморларни печатлабди.

- Ҳар йилги келиб-кетиладиган меҳмонларингизда, хўжайин, - жилмайди Мақсуд.

- Бу йилгиси бошқачароққа ўхшайди. Бунинг устига, қўйнимдаги илонлар ҳам ғимирлаб, ўзларини фош қилиб қўйишди.

- Ўша илонлар ким экан?

Полвон бу саволни қизиқиш мақсадида берди.

Ичида эса «Бу кунингдан баттар бўл», деб қўйди.

Хўжайин «илон»нинг кимлигини фош қилишга шошилмади.

- Мен уларга худди ўзимга ишонгандек ишониб юрган эканман, - хўрсинди Раҳимхонов. - Зимдан изимга тушиб, камчиликларимни қоғозга чизиб юрган экан.

- Сиз ҳар қандай одамнинг тилини топасиз, хўжайин. Унақа қоғозлар билан сиздек одамни қўлга туширолмаслигини «илон»ларнинг ўзлари ҳам яхши билишади, - ялтоқланди полвон.

- Буларнинг тили йўқ кўринади...

- Кўкини кўрсатинг, тилини чиқаради!

Раҳимхоновнинг қаҳри кўзиди. Ҳайдаб солгиси келдию, газабини ичига ютди. «Бошингга мусибат тушса, худди маймунни масхара қилгандек устингдан куладиганлар топилади», - тилла тишларини фижирлатиб хаёлидан ўтказди бошлиқ.

- Омбор чатоқ, полвон, - хўжайин ўзини босиб мақсадини очди. - Ит эмган Кариминг ўпқон экан, яширинча 100 тонна ғаллани гумдон қилибди.

- Аллақачон думини тугишингиз керак эди...

- Сенинг одаминг деб ҳурматини қилдим...

Бу гап полвонга ёқмади. «Ишга сен олиб келгансан, бу ёғини ўзинг тинчит», демоқчими?

- Ундан қўлимни ювиб, қўлтиғимга артганимга бир йил бўлди, ака! Бетини ит есин, ўша пасткашнинг!

- Чўнтагида мен ўз қўлим билан ёзиб берган рўйхатлар бор, - деди Раҳимхонов хўрсиниб. - Қайси фермер хўжаликка қанча дон ёзиб бериш

тўғрисида. Худо у куннинг юзини тескари қилсин-у, қисти-қафасга олишса, шу қоғозни уларнинг қўлига топшириб қўядими, деб чўчияпман. Эрталаб олдимга кирганида шунга шаъма қилди, баттол!

- Ўз қўлингиз билан ўзингизнинг оёғингизга кишан солибсизда, хўжайин. Энди бир иложини топиб, ўша қоғозни қайтариб олинг! Бўлмаса охири чатоқ! Кексалик гаштини турманинг зах хонасида ўтказишингизга тўғри келади!

Раҳимхоновнинг баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Сигарета тутатди. Қўлидаги титроқ, вужудига ёйилгани сезилиб турарди. Бир ҳисобда полвоннинг гапида жон бор. Турмага тушса, дўсту душманларининг орасида шарманда бўлади. Ўзи кейинги пайтда кўп касал бўладиган бўлиб қолди. Дори-дармоннинг қуввати билан дардни енгиб юрибди.

- Шу мақсадда сени чақиртирдим. Орамиздаги гина-кудуратни унут, ука. Ўшанга ҳам анча йиллар ўтди. Қорлар ёғилиб, излар босилди. Мусулмон одаммиз...

- Мендан қандай ёрдам керак? - Мақсуд ер остидан хўжайинга кўз қирини ташлади.

- Карим қадрдон дўстинг, гапингга киради. Алдаб қўлидагини оласан. Аммо мени сотмагин. Бирор гап бўлса, ўзим балогардон. Сарф - харажати тўлайман.

Бир зумлик жимжитликдан сўнг полвон:

- Оғир ишни зиммамга юкляяпсиз, хўжайин, аслида у билан алоқам илгаригидек эмас, - деди.

- Сенга ҳар куни ишим тушаётгани йўқ. Бир

йилдан бери энди топшириқ беряпман. Ака-укачилигимизнинг ҳурмати йўқми?

- Сиз учун жонимни беришга тайёрман, ака. Лекин боя айтаганимдек, у билан орамиздан ола мушук ўтган.

- Уша ола мушукни ҳайдайсан, зиёфатга чақирасан, битта яраш ошини қиласан. Харажати мендан!

Мақсуд учун хўжайиннинг «Яраш ошининг харажати мендан», деган сўзи оғир ботди. Катта ишга арзимаган пулини миннат қиляпти, деб ўйлади.

- Балки бошқа одам топарсиз?

Раҳимхоновнинг қошлари чимирилди.

- Бошқа одамингни бошимга ураманми? Озиб-ёзиб, битта иш айтсам, орқангни тарозига соласан! Оқибат шуми?

- Яхши! - деди бошини кўтариб полвон. - Мен ҳаракат қилиб кўраман.

- Бу бошқа гап! - Раҳимхоновнинг чеҳраси очилди. - Шу кунгача сен билан эркакчасига гаплашиб келганман.

- Эркакчасига гаплашиб келганмиз-у, аммо... - Полвон атайин мақсадини айтмади. Раҳимхонов унинг ниятини тушуниб етса-да, бу тўғрида гап очишни истамди.

- Сени ранжитган жойим борми?

- Мени-ку ранжитмагансиз, хўжайин, бироқ ҳозир замон бошқача. Одамларнинг савоб ҳалталари тўлган. Бекорга ўтказган вақтини ҳам чўтга соладиган бўлиб қолди.

Раҳимхонов юзида табассум балқиб турган

Мақсудга ялт этиб қаради. Нимага шаъма қилаётганини тушунди.

- Хизматингга қанча тўлашим керак? - заҳархандалик билан сўради.

- Олганга қанча кўп бўлса ҳам оз! - кулди Мақсуд.

Ҳозир савдолашиб ўтиришнинг мавриди эмасди.

- Очигини айт?

- Ўн минг!

- Кўкиданми?!

- Бизнинг бозоримизда фақат кўки айланади, хўжайин!

- Устимдан куляпсан-а? - кўзларини чақчайтирди Раҳимхонов. - Бир варақ сарғайган қоғозга шунча сўрайсанми?

Мақсуд хўжайинни тузоғига илинтирганидан мамнун эди. Ахир уни неча маротаба алдамади, қанча ёлғон ваъдалар бериб, сарсон қилмади. Мана, энди қармоғига илиниб турибди. Сигирдек соғиб, ичиш керак!

- Ихтиёрингиз, мен сизнинг ҳурмат ва обрўингизни ўйлаб, бу қалтис ишни гарданимга оляпман.

Раҳимхоновнинг бошқа иложи йўқ эди. Вақт ўтяпти. Текширувчилар билан ҳали тиллаша олгани йўқ. Қолаверса, Карим қаҳрини лабига ёйилган табассум билан яширган бўлса-да, кўзлари уни фош қилиб турганди.

- Майли, айтганинг бўлсин, лекин менга унинг қўлидаги қоғоз эмас, балки кўкраги остидаси сотқин юраги ҳам керак...

Полвон кулди.

- Унда қўшасиз, хўжайин...

- Қанча?

- Элликта!

- Орқамдаги тукимни ҳам юлиб оладиганга ўхшайсан, сен бола!

- Ўттиз йилдан бери шу идоранинг бошлиғисиз, хўжайин. Олтмиш минг сиздек одамга хамирдан қил суғургандек гап-ку!

- Ҳамманинг назарида мен бўриман! Комбинатнинг бойлигини орқалаб, уйимга ташиб кетаётгандайман. Мени ҳам узатадиган жойларим бор. Бир кун кечиксам, манаву савил телефонлар худди зилзила бўлгандек, бутун идорамни титратиб юборади. Акам ўттиз йилдан бери бу курсини ниманинг ҳисобига ушлаб ўтирибди, деб ўйлаб кўрмайсанлар.

Раҳимхонов бу гапларни топган-тутганидан айрилиб қолган судхўр сингари йиғламсираб айтди. Полвондан бошқа одам унинг аҳволини кўрганида қалбида салгина бўлса-да, шафқат уйғонарди. Лекин Мақсуднинг юраги жиз этмади. Қайтанга ичида «бу кунингдан баттар бўл», деб қўйди.

- Сиздан оладиганимни битта ўзим еб кетмайман, ака. Менинг ҳам узатадиган жойларим бор. Қўлимга қараб туришади. Қолаверса, қон тўкилган «иш»ни беркитиб бўлмайди. Эллик йилгача қидиришади.

- Ўша олтмиш мингнинг ярмини департаментдагиларга берсам, ишни босди-босди қилишади.

- Унда нега мени чақиртирдигиз? - полвон аччиқланди.

- Каримнинг гаплари суяк-суягимдан ўтиб кетди-да!

- Унда тортишманг!

- Тишимни омбур билан суғургандек бўлдинг полвон, аввал ишни уддала!

- Хотирингиз жам бўлсин, иш бажарилади. Билсангиз мен кейинги пайтда насияни ёқтирмайдиган касалга мубтало бўлганман!

- Илоҳим бу касалинг билан қайтиб, остонамни босмагин!

- Яхши ният қилинг, хўжайин! Одамнинг боши Аллоҳнинг тоши, деган машойихлар.

- Кечқурун уйга ўт. Ўша ерда гаплашамиз!

Мақсуд маъноли бош ирғаб хонадан чиқиб кетди...

6

Сўфи пастга энкайди. Гавдаси тепада балқиб турган ой ёғдусини тўсди. Кўзига одам боши сиғадиган туйнук кўринди. Титроқ қўллари муздек темир дастасини тутди. Шунда у ўзини пастга тушиши, шериги ўлдириш ниятида эмаслигини англади. Қалтираётган оёқларини темир шотига қўйди. Бот-бот тепага қараб пастга туша бошлади. Кўкда сочилган юдузлар гўёки у билан видолашаётгандек туюларди. Тепадан мўралаб турган шеригининг тақир пешонаси ой нурида қўрғошин тусида ялтиради. Пишиллаб нафас олиши қулоғидан узоқлашиб, қоп-қора башараси кўринмай борарди. Сўфининг мадорсиз оёқлари ниҳоят қандайдир жисмга тегди. «Энди ҳаммаси тугади.

Шеригим туйнукни беркитади-ю жўнайди».

Ваҳимадан юраги гурсиллаб ураётган Сўфи шундай ўйларди. Дарҳақиқат, темир қопкоқ тарақлаб беркилди. Юлдузлар кўздан йўқолди. Сўфи бўғзига қадалган фарёдни зўрға ютди. Йўқ, шериги уни ташлаб кетмаганди. Пастга тушиб келаётганини оёқ товушидан пайқади, юраги таскин топди.

- Қўрқингми? - пастга тушгач сўради. - Худога шукр, ҳаммаси хамирдан қил сугургандек осон кечди. Бу ёғига Худо пошшо. Шаҳардаги тўстўполон босилгунча, уч-тўрт кун шу ерда дам олиб ётамин.

У чўнтагини пайпаслаб, гугурт олди. Чироқларни ёқди, деворларга ўрнатилган махсус плиталар ўзидан бир неча ўн баробар кучли ёруғликни қайтарди. Хона ёришди. Шериги қўйнидан темир қутини олди. Қопқоғини очди. Тилла тангалар чироқ шуъласида товланиб кетди. Сўфининг кўзлари ўйнади. Юраги ҳаприқди. «Наҳотки кўраётганларим олтин бўлса», деб хаёл қилди. Шу ёшга кириб тиллани кўзи билан кўриб, қўли билан ушламаганди. Юрагидаги қувонч ва шодлик ўт чақнаб турган кўзларида акс этарди. У олтинларни ҳовучига тўкиб, кўзларига яқин келтирди.

- Юрагимнинг қуввати, белимнинг мадори, кўзларимнинг нури! - Шериги тангаларни боши устидан сочди. Телба одамдек қаҳ-қаҳ отиб кулди. Сўфининг кўзлари ўйнаб, ёнига тушаётган тангаларга термулиб турарди. Шу бойликларда ҳиссаси борлигидан қувонди. Кўз ўнгида юпун кийинган, кир-чир жужуқлари гавдаланди. Улушини бе-

ришса, уларга кийим-кечак олиб беради. Тижорат дўкони очади. Маҳалланинг бой одамига айланади. Ҳар куни қулоқ-миясини еб, тепасида ҳаққадек қағиллайдиган хотини буларни кўрса, юраги ёрилиб кетади...

- Сен хумпар бизга қўшилишни истамовдинг-а?! Кўрдингми, бир-икки соат ичида қанча бойликка эга бўлдик!

Сўфи индамаса, тиллалардан бенасиб қоладигандек мингирлади.

- Бундай катта бойликка эга бўлиш хаёлимга келибдими?

- Умрингда тилла кўрганмисан?

- Энди, бу бахтга сизнинг шарофатингиз билан эришдим-да!

У шарақлаб кулди.

- Қани, йиғиштир, қутига сол?

Сўфи бир қадам нарида сочилиб ётган олтинларнинг олдига эмаклаб борди. Яқиндан тангалар янада жозибали ва сирли кўринди. Улар турли рангда жилваланиб, товланарди. «Шундан қанчаси менга тегиши мумкин», деган фикр хаёлига келди. Сабри чидамай сўради:

- Ҳўжайин, буларни тенг учга бўламизми?

- Бажарган ишимизга қараб тақсимланади!

- Менга қанчасини берасиз? - беихтиёр тилидан чиқиб кетган сўз учун Сўфи ўзини гуноҳкор ҳис этди.

- Истасанг учдан бирига эгалик қилишинг мумкин, аммо бир шарти билан!

- Айтинг?

- Пичоқ билан тўлпонча меники эди, дейсан!

Сўфи ҳайрон бўлди.

- Бу гапни кимга айтаман?

- Худо у куннинг юзини тесқари қилсин-у, мабодо мелиса бизни тутиб олгудек бўлса, айбни бўйнингга оласан!

Сўфи ёмон туш кўрган одамдай чўчиб тушди. Сочилиб ётган олтинлар қонни ёдига солди.

- Ҳазиллашманг, хўжайин, ахир... мен эшик олдида тургандим...

- Мана, кўрдингми, кўрқдинг! Демак, олтинларнинг учдан бирини ололмайсан!

Сўфи нима дейишни билмай, икки кўзини сочилиб ётган олтинлардан узолмай ўйланиб қолди. Аста баланд чўққиларни ишғол қилаётган туман мисоли унинг юрагини ёвузлик ва очкўзлик балоси кемириб борар, кўзига фақат ялтироқ тангалар кўринар, уларга эгалик қилиш ҳисси юрагидаги кўрқувни ҳайдар, мудҳиш жиноятни зиммасига олишга бўлган қаршилиқни енгиб борарди.

- Рози бўлсам, қанчаси тегади?

- Санаймиз, юзта бўлса, ўттиз тўрттасини оласан. Биттаси биздан совға!

«Ҳақиқатдан ҳам юзтами», ўйлади Сўфи. «Биттаси бозорда қанча туради»? Бир пайтлар хотинига йигирма мингга кичкинагина тилла балдоқ сотиб олиб берганди. Бу тангадан нечта балдоқ-ясаш мумкин?» У чўнтагига қанча пул тушишини ҳисоблади. Ҳисобининг адоғига етолмади. Ёнида турган шеригига юзланди.

- Бир донасини бозорда қанчага олади?

- Беш юздан санайдиган заргарлар бор!

Бу катта пул эди. Шундан кейин Сўфи олтинларни битталаб санаб, қутига солмоқчи бўлиб, қўлини чўзди.

- Тўхта! - Сўфи чўчиб тушди. «Шеригим аҳддан қайтдимми?», деб ўйлади ва унинг қизарган юзига мўлтираб боқди. - Қўлингни юв!

Сўфи бармоқларидаги қотиб қолган қонни кўриб, юраги орқага тортди. Қўрқув ҳисси ширин ҳисларни қувди. Кўксига пичоқ санчилган мурданинг ўлим олдидан типирчилашлари кўз олдига келди. Электр токи урган одамдек бадани жимирлади. Ноилож ўрnidан турди. Бурчакка бориб қўлини ювди. Сув қизил рангга бўялди. Сўфининг кўнглидан шундай гаплар кечди. «Йўқ, мен уни ўлдирмадим. Фақат қонли пичоқни ушладим... Умуман қотилликка менинг алоқам йўқ... Олтинлари ҳам керак эмас. Шу ердан тезроқ чиқиб кетсам, болаларимнинг олдига қайтсам бас»...

- Нимани ўйлаяпсан?!

Шеригининг овози Сўфини ҳушига келди, ортига қаради. У гилам устига дастурхон тўшарди. Сўфи қўлини артиб, унинг рўпарасига ўтирди.

- Пичоқни қаерга улоқтирдинг? - шериги бошини кўтариб, шундай савол берди.

- Каналга!

- Сувга тушдимми?

Сўфи буни эслаёлмади. Пичоқ сувга тушдимми ёки шох-шаббага илиниб қолдимми, бу унга қоронғу эди. Шеригининг қаҳридан кўрқиб, тасдиқ маъносида бош силкиди.

Шериги консерва очди. Гилам тагидан бир шиша ароқ олди. Шу аснода чўнтак телефони

жиринглади. У туйнукдан тушган симга уланган-ди. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳаводаги тўлқинни тутиб олишини Сўфи билмасди.

- Докторлар касални кўргани келишди. Уларни кўшниси чақиртирибди. Беморга ташхис қўйишга ҳаракат қилишмоқда. - Бу Ҳасаннинг овози эди.

- Қўшниси унинг бетоблигини қаердан билибди?

- Ҳозирча номаълум!

- Зудлик билан аниқла!

У телефонини ўчирди-ю бошини эгиб, ўйга толди. Ўзича нималарнидир ҳисоб - китоб қилди.

- Мен у ифлосга эшикни тепмагин, деб минг бор тайинлагандим. Одамларга ҳам ҳайронсан, туни билан ухламай чиқади!

- Тинчликми, нега асабийлашяпсиз? - кўрқаписа сўради Сўфи.

- Қўшниси мелисага хабар берганмиш. Ким билсин, балки девордан мўралаб, афти-ангоримизни кўриб қолгандир?

- Орқамизга тушишган бўлса-я! - Сўфининг кути ўчди. Овози ҳам титраб чиқди.

- Орқангдан хотиржам бўл, изингга тушишганда аллақачон тутиб кетишарди!

Сўфининг ороми йўқолди. Туйнукдан биров тушиб келаётгандек тепага қаради. Ҳасан ташқарида бежиз қолмаганлигини, бўлаётган воқеалардан уларни хабардор қилиб туришини тушунди.

Ароқ очилди.

- Ичасанми?

- Йўқ!

- Жаннатга кирмоқчимисан?

- Гуноҳсиз яшамоқчи эдим...

- Гуноҳга ҳам ботдинг. Энди Худо сени қиёматда ҳам кечирмайди. Ма, ич! Бу дунёда ҳеч ким гуноҳсиз яшай олмайди!

Сўфи юзини бурди. Боя юрагини қувончларга тўлдирган хурсандчилик ўрнини ғашлик эгаллаганди.

Бу ерда қуёш ботиб, чиққанини билиб бўлмасди. Деворда заиф овоз чиқариб турган соатгина вақтни кўрсатарди. Зах ва қўланса ҳид нафасни бўғарди.

Кечки пайт яна телефон тилга кирди.

- Ҳаммаси жойида, хўжайин, - ташқаридаги воқеалардан хабардор қилди Ҳасан. - Хотиржам бўлинг. Докторлар ташхис қўйишолмади. Сиздек тажрибали одам бажарган ишнинг иси қирқ йилда ҳам чиқмайди!

- Ичибсан, аблаҳ! Бас қил! - шериги телефонни ўчирди.

Сўфининг кўнгли ўрнига тушди. Хаёлини яна олтин тангалар олиб қочди. Улар ҳамон ерда сочилиб ётарди, бироқ ўзидан кўзларни қувонтирадиган нур таратмас, аксинча совуқ ялтирар, одамнинг қонини ёдга соларди....

...Мақсуд директорнинг хонасидан чиқди-ю, эшик олдида бир зум туриб қолди. Нималардир хаёлидан ўтди. Сўнг қўлини силтаб, йўлида давом этди. У табиатан қўпол, кўринишидан совуқ бўлса-да, айтган сўзининг уддасидан чиқадиған одам

эди. Шу хислати билан Раҳимхоновнинг эътиборини қозонганди. Уни ўн йил муқаддам бахтсиз ҳодиса туфайли тўрт йилга озодликдан маҳрум қилишганди. Турмада икки йилча ўтирди. «Зона»да жинойт оламининг сир-саноатларини ўрганди. Озодликка чиққач, ўзини бизнес дунёсига урди. Фалла ўрим - йиғими боиланганида Қозғистонга жўнади. «Зона»да орттирган танишларининг ёрдамида тонналаб буғдой донини бозорга суриб келди. Кўтарасига олиб-сотарларга пуллади. Унинг бу ишидан хабар топган Раҳимхонов ҳузурига чақиртирди. Полвоннинг рўйи-рост гапириши, тантилиги, пулга қаттиқлигини ҳисобга олмаганда, бошлиққа ёқди. Комбинат қошидаги «Камалак» фирмасига бошлиқ этиб тайинлаш ҳақида ўйлаб қолди. Бироқ пешонасига урилган тамгадан чўчиди.

Раҳимхонов дон суриб келиш учун полвонга юз минг доллар ташлади. Мақсуд бунга ўзига нисбатан билдирилган ишонч, деб ҳисоблади. Обрў-эътиборли бу инсоннинг олдида уялиб қолмаслик учун қўлидан келган ҳамма ишни бажарди. Бир ой қозоқ овуллари кезиб чиқди. Таниш-билишларини ишга солди. Хўжаликлардан мисқоллаб дон йиғди. Шу тариқа олти эшелон йўлга тушди. Паровознинг гудоги Раҳимхоновни бағоят қувонтирди. 500 тонна буғдойдан ишлаб чиқарилган юқори навли ун сохта ҳужжатлар ёрдамида Раҳимхоновга қарашли «Иссиқ нон» цехига жўнатилди. У ердан сувдек оқиб келаётган қоп-қоп пуллар ақлдан оздираёзди.

Мақсуд фойданинг учдан бирига ҳам рози эди.

Бироқ хўжайин лафзида турмади. Хиёнат қилди.

Улушинг! - деб олдига йигирма минг доллар ташлади. Ғазабдан полвоннинг юзи кўкарди. Бир ой на уйқусида, на юриш-туришида ҳаловат бўлмай, овулма-овул санқиб топгани шу бўлдими?

- Бу пулга набирангизга хўрозқанд олиб беринг! - полвоннинг қаҳр-ғазоби икки калима сўзга жо бўлди. Аччиқланганидан тилига бошқа гап келмади. Хонадан чиқиб кетди. Вақти-соати келганида Раҳимхонов билан ҳисоб-китоб қилишни дилига тугиб қўйди. Бу тугун уни кўрганида чипқондек газак отиб, катталашиб борарди. Директор келгуси йил кузда полвонни яна ҳузурига чақиртирди.

- Мана ҳаққинг, аразни унут, ишингни давом эттир, - деди ҳеч нарса бўлмагандек. - Эшитишимча, ишсиз юрганмишсан!

Полвон стол устидаги бир боғлам пулга кўз қирини ҳам ташламади.

- Сиз айтган тераклар кесилиб кетди, хўжайин, - деди Раҳимхоновнинг бўғриқиб кетган қипқизил юзига тикилиб. - Бу пулингиз йўлқирамга, бир кунлик маишатишга ҳам етмайди.

Раҳимхонов ғазабини ичига ютди. Ўтган йили дилини қаттиқ оғритганини эслади. Ялинишга, ваъда беришга ғурури йўл қўймади. Ҳеч нарса бўлмагандек ўзини бепарво тутди. «Мажбурласам, қўлга тушиб қолишим мумкин», деб ўйлади. Нима қилганда ҳам «зона» кўрган, ишониб бўлмайди. Мақсуд у билан хайрлашмасдан хонадан чиқиб кетди.

Дарвоқе, юқорида «қорлар ёғиб, излар босил-

ди» деган маънода гапирганида, Раҳимхонов кечаги ўтмишни назарда тутганди...

8

Полвон таклифни рад этганидан кейин Раҳимхоновнинг боши қотиб қолди. Нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлади. Дастлаб комбинатга янги ишга келганида бу ернинг сир-синоатини билмай юрди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг «шапкаси»дан бошқа унинг кўз тикадиган, умид қиладиган нарсаси йўқ, пихини ёрган цех бошлиқлари ўз нонларини яримта қилишни иташмасди. Гуёки улар бу ердан анча даромад олишаётган-у, бошлиққа узатишмаётгандек туюларди.

Ушанда полвондан ҳафсаласи пир бўлган директор хонасига Каримни чақиртирди. У билан суҳбатлашди, кўнглига қўл солди. «Иложи бўлса, Мақсуд билан тиллашиб, уни четдан бугдой олиб келишга кўндиргин,» демоқчи эди. Бироқ ходимнинг қаршисида қадрини йўқотишни истамади. Полвоннинг қўполлиги, берган пулига ношукрлик қилганидан шикоят қилли:

- Чўнтагида ҳемириси йўқ, пул узатсам бурнини жийиради. Бирга ишлаш нияти йўққа ўхшайди. Билмадим оғайнинг нимасига кеккаяди?

- Четдан дон суриб келишингизга мен қаршиман! - кутилмаганда бошлиқнинг таклифини рад этди Карим.

- Нега? - ҳайрон бўлди Раҳимхонов

- Ўзимизда ҳам дон сероб бўлиб қолди. Ўтган

йили бӯш ётган бункерларга дон сигмай кетди.

- Бироқ даромаднинг мазаси йўқ, - дилидагини тилига чиқаришга мажбур бўлди хўжайин.

- Бунинг учун ўзимизда имкониятлар етарли. Фақат ақл билан, аҳиллик билан иш юритсак бас!

- Қандай таклифларинг бор? - хўжайинга жон киргандек бўлди.

- Тегирмонда ишлаб чиқарилаётган уннинг намлигини 30 фоизга, керак бўлса, ундан ҳам кўпроққа ошириш лозим!

- Худди кичкина боладай фикрлайсан-а! - деди норози бўлиб. - Намлигини оширсанг, ун хамир бўлиб кетади-ку?!

- Бунинг йўли бор, хўжайин. Ўз тажрибамда синаб кўрганман. Намлиги оширилган унни оморда сақлаб турмаймиз. Ўша куниеқ сотувга чиқариб юборамиз. Иккинчидан, элеватордаги элакларни алмаштирамиз. Назарингиз тушган бўлса, бутун донлар омухта ем цехига ўтиб кетяпти. Тежамқорлик йўқ!

- Ем ҳам керак. Маълум миқдордаги бугдойни ем ишлаб чиқариш цехига туширишга мажбурмиз.

- Энди бундан воз кечамиз. Цехга ўтказиладиган бугдой ўрнига оҳак, майда шағал, туз ва қумларни кўшамиз. Шу йўл билан бугдойни тежаб, чиқиндиларни пулга айлантирамиз. Ўзимча ҳисоб-китоб қилдим. Ун тонна омухта емдан икки тонна, ўн тонна ундан бир ярим тонна фойдага қолади.

- Бу омухта емга чиқиндиларни аралаштириб юборсак, чорвадорлар арз - дод қилишмасмикин?

- Ҳамма нарсадан чўчийверсангиз, иш юрмайди, хўжайин! Бир тонна ем таркибига юз килограмм оҳак, шунча туз ва шағал қўшиб юборсангиз, ким ҳам хитланарди? Бундан ташқари, йилига эллик тонна донни қушлар еди, деб акт тузамиз. Бу кўрсаткични етмиш тоннага чиқарамиз. Ҳозирданоқ, омборнинг тепасида бутун водийнинг лайлагидан тортиб, читтагигача учиб юрибди. Хўжаликлардан дон қабул қилиб олинаётганида, лабораториядан чиқиндиси, намлиги, ифлослигини орттирамиз.

- Буларни қандай ёпамиз?

- Ёзда режасини бажаролмаган фермерлар қопда пул кўтариб, атрофда айланиб қолишади. Ушларнинг ҳисобига ётқизамиз!

- Яхши фикр!

- Инженер билан маслаҳатлашиб, чиқиндиларни кўпайтириш керак!

- Тегирмон эски бўлгани билан эҳтиёт қисмлари янги-ку?!

- Алихўжа - Хўжаали, барибир эмасми? Аслида орқамизни ёпиш учун қоғоз керак, холос. Янги тегирмон қураман, деб бошингизни қотирманг. Тегирмон эски, кўплаб донни исроф қиляпти, десангиз ким ишонмайди? Яна бир гап, иккита туманда дон сақлайдиган омборларимиз бор-а?!

- Бор, - Каримнинг таъсирига берилган хўжайин ҳамон унинг мақсадини тушуниб етмай, ҳайрон эди.

- Баракалла, донни шаҳарга ташиб келгунча йўлда тўкилади, қурийди. Бир неча тоннаси йўқолади. Буни ўнга кўпайтирамиз. Сабаби аниқ,

масофа узоқ. Сизнинг кўзингизга арзимаган бу нарсалар минглаб тонна ғалани ташкил этади. Булар эса харажатимизга асқотиб қолади.

Раҳимхонов омборчининг гапини ўйлаб, ўзича мушоҳада қилди. Дарҳақиқат, гапида жон бордек туюлди. Агар айтганларига рози бўлса, ошиғи олчи. Мақсуднинг ёрдамига ҳожат қолмайди.

- Калланг ишлайди сен болани, - қаршисида термулиб турган Каримни мақтаб қўйди бошлиқ. Унинг олқиши омборчининг кўнглини кўтарди.

- Хўжайин, нима қилганда ҳам сиздан яхшилик кўрдим. Бўлса сизга бўлсин дейман-да!

- Бу ишларни шахсан ўзинг бошқарсан, - деди Раҳимхонов. - Ҳар ҳафтада менга ҳисоб берсан. Тушундингми? Аммо оғзим бор, деб дўст-у душман олдида алжираб юрмагин!

- Тушунарли хўжайин, мендан кўнглингиз хотиржам бўлсин! - Карим жилмайди.

Мавсумда кўшиб ёзилаётган дон ўрнини қоплашнинг осон йўли шу эди.

Ўша суҳбатдан сўнг Раҳимхонов кўлига калькулятор олиб, келадиган даромадни сарҳисоб қилди. Агар Карим алдамаса, кўриладиган фойда Мақсуд келтирадигандан икки ҳисса ортиқ эди. Гарчи кўшиб ёзиш ишлари омборчининг зиммасига топширилган бўлса - да, шахсан ўзи пинҳона назорат қилиб борарди. Карим алдамади. Ҳар ҳафта охирида келтирилган маълумотларни ўзининг ҳисобкитобига таққослаб кўрди. Ва унга бўлган ишончи ортди. Кейин назорат қилишни унутди. Ўша кезлар Раҳимхонов келаётган жарақ - жарақ пулларнинг ҳидига маст бўлиб, қилаётган ишлари қачон-

дир бошига тўқмоқ бўлиб тушишини хаёлига келтирмаганди. Каримга ишонганидан катта пул эвазига режани бажаролмай оқсаб қолган хўжаликларга иккиланмай, керакли тоннани қўшиб ёзиб берарди.

9

Полвоннинг хаёлида минг хил фикрлар гужгон ўйнарди. Демак, Каримнинг қўлида хўжайиннинг дастхатлари бўлса, бўйнидан ип ўтказиб, бемалол айтган йўлига солиш мумкин. Қоғозларни осонликча ундан олиб бўлмаслигига ақли етган ва шу мақсадда унинг ёрдамига муҳтож бўлиб, хонасига таклиф этган. Кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади. Алдангани кечагидек ёдида. Яна алданишни истамайди.

Полвон ташқарига чиққанидан сўнг, аввал ҳисоб-китоб қилиб, олдиндан пул олиш кераклигини ўйлади. Токи айтилган пул қўлига тегмагунича, Карим билан учрашмасликка аҳд қилди. Кун бўйи шаҳар айланди. Қуёш ботиб, оқшом чўкканида Раҳимхоновнинг уйига йўл олди. Ҳовлининг чироқлари ёқилганди. Ташқарида одам кўринмасди. Жимжитлик. Дераза ёнига келганида ошхонадан гўнғир-гўнғир овоз эшитилди. Уй эгалари овқатланишаётган бўлса керак, деб ўйлади. Деворга яқин келиб, деразадан Раҳимхоновнинг хонасига мўралади. Ёниб турган олтинранг қандиллар уй ичини чароғон этганди. Қип-қизил тусда товланиб турган гилам устида чордана куриб ўтирган уй соҳиби атрофида сочилиб ётган

тилла тангаларни тўплаш билан овора эди. Улар чироқ шуъласида қизғиш рангда товланиб, кўзни қамаштирарди. Раҳимхонов ҳар бир тилла тангани битгалаб териб олар, худди уларни биринчи бор кўраётгандек томоша қилиб, темир қутига жойларди. Полвон ёши қирқдан ошиб, бундай катта миқдордаги тилла тангаларни кўрмаганди. Юраги хаприқиб, бетартиб урар, худди бўри қувган одамдай ҳансирарди. Кўзлари соққасидан ирғиб чиққудек тангалардан нигоҳини узолмай қолди. Томирларидаги қон кўпириб, вужудини жунбушга келтирди. «Қаерга беркитаркин»? Полвон олтинлар яшириладиган жойни кўрмай қолишдан қўрқди. Бу орада хўжайин олтинларни қутига жойлаб, ўрнидан турди. Полвоннинг юраги ҳамон қафасдаги қуш мисоли типирчиларди. Деворга ёпишиб, ўт чақнаган кўзлари билан кузатарди. «Ишқилиб бошқа хонага чиқиб кетмасинда», дея хавотирланарди.

Раҳимхонов курсига чиқиб, нақшинкор фанерни иккига ажратиб турган юпқа тахтачани олди. Фанерни иккинчи томонга сурди. Шاپалоқдек туйнук очилди. Хўжайин қутини унинг ичига тикди. «Кўрдим», деди Мақсуд ўзига - ўзи енгил тин олиб. «Бойликлар энди менинг қўлимда». Мақсуд оёқ учида юриб, орқасига қайтди. Унинг ҳовлига кирганини ҳам, чиққанини ҳам ҳеч ким кўрмади.

Мақсуд ташқарига чиққач, хаёлига турли ўйлар келди. Кўз олдидан тилла тангалар кетмасди. Уларни қўлга киритиш иштиёқи тинчлик бермасди. Йўловчи машинага ўтириб, шаҳарга тушиб

кетди. Эски таниши Ҳасанга кўнгироқ қилиб, уни ҳозироқ «Ўзбекистон» ресторанига етиб келишини илтимос қилди. Сўнг ўзи ҳам ўша жойга ошиқди. Олтинлар кўз олдидан кетмасди. «Кўрганларим чинми ёки саробми», деб ўзига - ўзи савол берарди. Олтинларни ўғирлаш тўғрисида бош қотирди. Уларни қўлга киритса борми, бой одамга айланади. Раҳимхоновдан қасос олган бўлади. Бироқ қандай қилиб қўлга киритиш мумкин?! Мана шу саволга жавоб тополмасди. Ҳасан билан маслаҳатлашгани маъқул, нима қилганда ҳам шу «соҳа»нинг эгаси, ўғирликнинг сир-синоатини беш қўлдек билади.

Елкасига миниб олган шайтон Мақсудни гоҳ подшолардек олтин курсига ўтқазиб қўяр, гоҳ «қўлга тушиб қолсанг ёки Раҳимхонов таниб қолсачи?», деган хавотирни чўғ бўлиб ёнаётган юрагига ташларди. «Ичкарига Ҳасанни киритаман. Хазинага шерик бўлгани билан бойлик камайиб қолармид?».

Мақсуд Ҳасанни чақириб, тўғри иш қилганини тушунди. У ресторанга кириб, бурчакдаги бўш курсилардан бирига ўтирди. Назарида вақт имиллаб ўтаётгандек туюларди. Яхшиямки, ресторанда одам кам, бўлмаса ҳаяжонини босолмай, асабийлашаётганини кўрганлар шубҳаланиши мумкин. Ҳасан узоқ куттирди. Ташқарига қоронғулик секин-аста чодир ташлай бошлади. Ниҳоят у келди.

- Раҳимхоновнинг уйида бир қути олтин тангаларни кўрдим, - деди у дўстининг қулоғига шивирлаб. - Қадимги тиллалар!

Ҳасан бу янгиликдан ҳайратланмади, юзида ҳеч

қандай ўзгариш сезилмаганидан Мақсуд ажабланди.

- Бўлса бордир, - деди қўлини силтаб.

- Нега бундай деяпсан ёки гапимга ишонмаянсанми?

- Нега ишонмай, албатта ишонаман. Ахир унда сен кўрган олтинлардан бошқа бойликлар ҳам бор.

- Тиллаларни олишимиз керак, - Мақсуд мақсадини айтди.

- Сен Раҳимхоновнинг кимлигини билмайсан, чоғи. У пихини ёрган тулки. Бойликларини қаерда ва қандай сақлашни яхши биледи.

- Мен яширган жойини кўзим билан кўрдим! - тобора қизиша бошлади полвон. У яширилган жойни фош қилиб юбораёзди.

Шундан кейин Ҳасан стулни дўстининг олдига яқин сурди. Унга бошқача кўз билан қаради. Икки дўст олтинларни қандай ўғирлаш тўғрисида бош қотиришди. Узоқ тортишувдан сўнг бир тўхтамага келишди.

- Эшитишимча, хотини Тошкент тарафдан, шундайми?! - сўради Ҳасан.

- Шундай!

- Қачон Тошкентга тушишини биласанми?

- Билмайман... Лекин эшитишимча, беш-олти кун аввал Тошкентга бориб келганмиш.

- Нима мақсадда борганини биласанми?

- Онаси бетоб эмиш.

- Унда соз. Эртага тушдан сўнг хотинининг номига «Онангнинг аҳволи оғир, зудлик билан етиб кел», деган мазмунда телеграмма жўнатасан.

Буни олгандаёқ юрагига гулгула тушади. Қараб-санки, ўғли иккиси яна Тошкентга шошади...

- А, Раҳимхонов-чи?

- Унинг масаласини кейин ўйлаб кўрамиз, балки бирор жойга - йиғилишгами ёки ўтиришгами жўнатишга тўғри келар.

- Фақат у дунёга эмас, - жилмайди Мақсуд.

- Сенга тиллалар керакми ёки Раҳимхоновнинг жони керакми?

- Ҳар қалай яхшилигини кўрганман!

- Яхшилигини кўрган бўлсанг, нега бойлигига кўз олайтиряпсан?

Ҳасан аччиқланиб ўрнидан туриб кетмоқчи бўлди. Мақсуд унинг қўлидан ушлади.

- Сен нима десанг, розиман!

Ҳасан жойига ўтирди. У анча жиддийлашиб қолганди.

- Тилла яширилган жойни аниқ эслаб қолдингми?!

- Ҳозир ҳам кўз олдимда турибди...

- Олтинлар қанча бўлишидан қатъий назар, иккига бўламиз.

- Гап бўлиши мумкин эмас!

- Қўлни ташла!

Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам қисишди.

- Эртага кечки пайт шу ерда кўришамиз, - деди Ҳасан. Дўстлар хайрлашдилар.

Майор Камолов режалаштирган йиғилиш бир соатга кечиктирилди. Капитан Сатторов «Олмос»

хусусий тиш даволаш шифохонасидан келтирган қолип ҳамда майор Мирфозиловнинг ҳайдовчиси Фарғона каналининг бешинчи километридан топиб олган қонли рўмолча йигилишнинг кечиктирилишига сабаб бўлганди. Улар рўмолчадаги қон доғларини аниқлаш учун суд-тиббий экспертизасининг хулосасини кутишмоқда эди. Ориф аканинг «Сўфи» сўзини эслаб қолиши ҳам жиноятчининг шахсини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга эди. Эрталаб Ориф ака терговчига қўнғироқ қилиб, ўша тун қулоғига чалинган сўзни айтди. Самадов шаҳардаги «Сўфи» лақабли кишиларнинг шахсини аниқлашга киришди. Бу иш тезда очилди. «Машраб» ва «Гулистон» кўчаларида «Сўфи» лақабли икки шахснинг номи аниқланди. Уларнинг бири бетоб, иккинчиси эса хотини билан жанжаллашиб, уйдан чиқиб кетган...

Суд-тиббий экспертизасининг маълумоти келгач, тезкор гуруҳ ходимлари майорнинг хонасига киришди. Далилий ашё қотиллик содир этилган хонадондан анча олисдан топилганлиги Камоловни бироз бўлса-да, ўйга толдирди. Қилинган меҳнатнинг, олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижаси кўринди. Экспертиза хулосаси буни исботлади. Шимолий Фарғона каналининг бешинчи километридаги кўприк остидан шохга илиниб қолган рўмолчадаги қон айнан Раҳимхоновнинг қонидаги кимёвий элементлар билан бир хил эканлиги тасдиқланди. Колбасада қолган тиш излари ҳам капитан олиб келган қолипдаги тиш изларига айнан ўхшаш бўлиб чиқди. Бироқ даволовчи врачнинг айби билан тиш олдирган бемор-

нинг исм-шарифи дафтарга қайд этилмаганди. Майорни яна бир нарса қизиқтирарди. Нима сабабдан рўмолча беш чақирим олисга ташлаб кетилган? Қотилликни яшириш мақсадидами? Балки эҳтиётсизлик оқибатида тушиб қолгандир? Нима бўлганда ҳам топилма қидирув ишларининг шу томондан бошлашга туртки берди.

- Жиноятчилар ўзларини одамларнинг кўзидан яшириш мақсадида канал ёқалаб кетган йўлдан ҳаракат қилишган, - деди майор Мирфозилов. - Модомики улар кўприкдан ўтишган бўлса, демак, қабристон орқали шаҳардан ташқарига чиқиб кетишган. Қабристон ортидаги даштлик эса Қирғизистон ҳудудига туташиб кетган. Жиноятчилар қўшни республикага ўтиб кетишган бўлса, қилаётган ишларимиз самарасиз яқунланиши мумкин. Ягона умидимиз тиш даволовчи врачдан.

Майор харитага кўз югуртирди.

- Кўприк билан рўмолча илиниб қолган шохнинг ўртасидаги масофа қанча? - сўради Камолов майорга юзланиб.

- Тахминан уч метр, - жавоб қайтарди майор.

Жиноятчилар пичоқни ҳам шу кўприк остига ташламадимикан? Рўмолча бежиз шохга илиниб қолмаган. Сув остига тушиб, қуролни топиш лозим. Далилий ашё сифатида жиноятчиларнинг айбига иқрор қилишимизда у муҳим аҳамиятга эга!

- Тушунарли, ўртоқ майор.

- Каналнинг суви кўтарилмаганми?

- Кеча ўлчаб кўрилганда, бир метр-у ўн сантиметр эди!

- Канал бошқармасига қўнғироқ қилинг, бир соатга сувни дарёга ташлашсин!!

- Тушунарли!

- Қотиллар Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетган бўлса-чи? - Самадов майорнинг эътиборини яна жиноятчиларнинг хатти-ҳаракатига қаратди.

- Мен ҳам шу фикрдаман, теварак-атроф даштлик бўлганидан кейин уларнинг яқин орада беркинадиган жойи йўқ. - Майор шундай деди-ю, ўйга толди. Бир-бирига қарама-қарши фикрлар унинг диққатини тумандай тўзғитди. Дарҳақиқат, қотиллар Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетишган бўлса, уларни излаш бефойда. Нажотни қирғизистонлик ҳамкасблардан кутишга тўғри келади.

Камолов суд-тиббий экспертизасининг хулосасини қайта кўздан кечирди. Қотил айнан жиноят содир этилган куни тишларини чархлатган. Қолаверса, тиш қўйдирмоқчи бўлган. Жиноят олдиндан режалаштирилган бўлса, гумондор тиш даволовчи докторнинг ҳузурига боришга ваъда берганмиди? Бу ерда қандайдир сир бўлиши мумкин?!

- Капитан, «Садаф» хусусий тиш даволаш шифохонаси бошлигининг сўзларини яна бир бор қайтаринг-чи?!

- Қотиллик содир этилган куни кундуз соат 16.00ларда қаттиқ тиш оғриги билан 26 ёшлар чамасидаги бемор «Садаф» шифохонасига келиб, докторга учрашган. Врач беморнинг оғиз бўшлиғидан қолип олган. Бемор икки кундан сўнг аёлининг олтин тақинчоғини олиб келишга ваъда бериб чиқиб кетган.

- Сиз нима деб ўйлайсиз, бемор ҳақиқатан ҳам айтилган вақтда докторнинг олдига борадими?

- Мабодо у шаҳардан чиқиб кетмаган бўлса, албатта боради.

- Яхши, унда шифохона олдига иккита яширин пост қўямиз. Кузатув ишларини шу ердан олиб борамиз. Бу ҳақда докторни хабардор қилиб қўйинг. Капитан, бу иш шахсан сизга юклатилади!

- Тушундим, ўртоқ майор!

- Эрталаб ёнингизга рассомни олиб, тиш доктори билан суҳбатлашинг-да, беморнинг қиёфасини чиздилинг!

Камолов Мирфозиловга юзланди:

- Пичоқни топиш керак!

- Эрта тонгдан ҳаракатни бошлаймиз!

Йиғилганлар ўринларидан кўзгагишди.

11

- Сиз ҳам одамларга ўхшаб, вақтли туриб, элга қушилсангиз-чи?! Қош қораймасдан қуёш тиккага келгунча ётасиз. Рўзгорнинг камидан хабар олай демайсиз. Ёғ қолмади, олиб келган ўн кило унингиз бугун тугайди. Болаларнинг кийимига қараб бўлмайди. Ака-ука битта ботинкани кийиб, мактабга қатнаёпти. Сиз тенгилар тонг ёришмай, бир ишнинг этагини тутиб, рўзгорнинг камини бут қиламан, деб елиб-югуриб меҳнат қиляпти. Тавбангдан кетайин, Худойим-ей, одам деган ҳам шунақа бепарво бўладими?! - бу ғам-ғуссадаги юраги тарс ёрилаётган, куйиб-пишиб жавраётган Саодатнинг ноласи эди. Унинг гаплари Абдурах-

моннинг миясини пармадек тешиб юбораёзди. У кўрпадан бошини чиқариб тўнғиллади:

- Бўлди энди, тилим бор деб ҳадеб вайсайверасанми?! Кулоғимни тешиб юбораёздинг-ку!

- Менинг гапларим сизга ёқмайди. Ёмон бўлинг, деяётганим йўқ. Одамларга ўхшаб меҳнат қилинг, катта-катта топиб келсангиз, менинг ҳам тилим жағимга ёпишиб, мусичадек беозор бўлиб, болаларингизни озода кийинтириб ўтираман! Итда тиним бор, менда тиним йўқ. Хотин бошим билан ҳали у бозорга, ҳали бу бозорга чопаман. Уч-тўрт танга орттирсам, бола-чақаларимнинг қорнини дурустроқ тўйдирай дейман! Сиз бўлса...

- Ҳой, мусулмон, жим бўл, деяпман сенга! Ҳадеб тепамда ҳақкадек қағиллайверасанми?!

- Мен сизга ҳали ҳаққа бўлдимми? - Саодат йиғлаб юборди.

- Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деганлари шу бўлса керак! - Абдурахмон ўрнидан турди. Кийиниб ташқарига чиқди. Қалбидаги ички бир нидо аёлининг ҳақлигини тасдиқлади. Кун бўйи кўрпага ўраниб ётгани билан биров унга бир танга бермаса, бу ёқда болалари ейман, ичаман деб турса...

Абдурахмоннинг юраги сиқилди. Уйда туришга сабри чидамади. Худди биров бўғзидан бўғаётгандек, ташқарига отилди. Хотинининг дийдиёсидан бошида оғриқ турганди. Мана шу дангасалиги, танбаллиги бошига битган бало бўлди. Яқин танишларидан бирининг ошхонасида дурустгина ойлик олиб, тирикчилигини ўтказиб юрганди. Ойлиги тайин, овқати текин, бошлиғи уч марота-

ба, «хеч бўлмаса ётган жойингизни супуриб-сидириб қўйинг, ака, бу ерга ҳар хил одамлар келади», деди. Шуни ҳам қилмади. Охири айтишиб қолди-ю, чопонини елкасига ташлаб, ишдан кетди. Биров ялинмади, ортидан чақирмади ҳам. Бир ойдан бери уйда, қиладиган иш йўқ. Хотинининг кўзига тўнғиз бўлиб кўриниб ётибди.

Абдураҳмон ишдан бўшади-ю, кўп надомат чекди. Энди бундай ишхонани қаердан топарди? Боз устига, ҳозирги пайтда бир корхонага ишга жойлашишнинг ўзи азоб. Ёнига чақирадиган танишбилиши йўқ.

Ташқарига чиққан Абдураҳмон яқин танишларини эслади. Ўйлаб-ўйлаб, охири ёдига Ҳасан тушди. У «Қалъа» қахвахонасида ишларди. Кўришмаганига бир ойдан ўтди. Топиши ёмон эмас. Қачондир кўришганларида «Кел, сенга ҳам бирор иш топиб бераман», деб ваъда берганди. Абдураҳмон дўстининг сўзларини эслади-ю, беихтиёр унинг ишхонасига йўл олди. Нима қилганда ҳам мактабдош дўсти. Ўн йил бирга ўқиган. Бир-бирини ҳидлаб, катта бўлган.

- Эй Сўфи, сен ҳам бу ёруғ оламда бормисан, бунча қорангни кўрсатмай кетдинг?! - Ҳасан дўстини кучоқ очиб кутиб олди. У Абдураҳмонни болалигиданоқ «Сўфи» деб чақирарди. Ҳозир унинг исмини унутиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

- Бекорчиликдан уйда айиқдек ағанаб ётибман, ўртоқ, - деди Сўфи афсуслангандек.

- Ётган одамнинг бири икки бўлмайти, - насиҳатомуз деди Ҳасан. - Куч-қувватинг бор, оёқ-қўлинг чаққон, бирон ишнинг этагини тутсанг

бўлармиди?!

- Этагини тутадиган ишни тополмай доғдаман, ошна. Шу масала билан ёнингга келдим. Бирорта энгилроқ иш топиб бермасанг бўлмайди. Хотин ҳар куни вайсаб, қулоқ - миямни еб қўйди!

- Қўлингдан нима иш келади?

- Қандай иш бўлса ҳам қотирвораман!

- Шундай де! - Ҳасан бошини чайқаб кулиб қўйди. Сўфининг афт - ангорига, кенг бақувват гавдасига кўз югуртирди. Бир неча лақиқа ўйга толди.

- Бир иш бор, шерик бўлсанг, чўмичинг мойга ботади. Лекин нозик иш, хўжайин билан маслаҳатлашиб кўраман. Рози бўлса, айтаман.

- Бир иложини қилиб кўндир! Хўжайининг қандай талаб қўйса розиман. Фақат хотинимнинг олдига қуруқ қўл билан кириб бормасам бас!

- Яхши, - деди Ҳасан. - Ўйлаб кўраман...

- Қачон келай?

- Эртага соат тўққизда «Ўзбекистон» ресторани олдига келиб тур. Хўжайин билан учраштириб қўяман!

Абдурахмоннинг елкасидан тоғ қулади.

Раҳимхонов онасининг қаттиқ бетоб бўлиб қолганлиги тўғрисида шошилишча телеграмма олган хотинини ўғлига қўшиб, Тошкентга жўнатганида куёш уфқни қип-қизил рангга бўяб, тоғ ортига ёнбошлаётганди. У тушлик қилишни унутган, қорни оч эди. Уйга қайтишдан аввал ресторанга

йўл олди. Кўчада камдан-кам овқатланарди. Негадир бугун кўнгли тортди. Мириқиб ўтиргиси келди. Хонага ҳеч кимни қўймасликни тайинлади. Кўнгли тусаган таомларни тановвул қилди. Уйга қайтганида вақт алламаҳал бўлганди. Хонасига кирди-ю юраги ғаш бўлди. Қандайдир номаълум куч уни кўчага тортарди. Музлаткичдан шарбат олиб ичди. Сигаретага «дори» ўраб тутатди. Буни бир вақтлар Мақсуд совға қилганди. Юраги сиқилганида эрмак учун чекиб турарди. Ҳозир чиндан ҳам кўнгли тусади. Марихуана бир лаҳзада худди яланғоч аёлдек ўз таъсирига олди. Дилини хуфтон қилган ғашлик кўтарилди.

Департамент ходимлари бугун унга ўнг қарашди. Тушликда бирга овқатланишди. Анча вақт ҳазил-мутойиба қилиб ўтиришди. Суҳбат асносида дон омборини очиб беришга ваъда беришди. Дили равшан тортган Раҳимхонов тушликдан сўнг Каримни хонасига чақиртирди. Илондек қўйнига кириб олган бу муғомбирдан қаттиқ хафа бўлганлигини яширмади.

- Хўжайин, ановилар билан гаплашдингизми, омборни очиб беришадиган бўлишдимми?

- Бир қоп туз яласанг ҳам одамнинг яхши-ёмонлигини ажратолмас экансан, - деди директор Каримнинг саволига жавобан. - Мен сени ўзимга яқин олиб ишга олдим, билмадинг, кўрнамаклик қилдинг! Чўнтагинг пулга тўлди, машинали бўлдинг, данғиллама уй-жой қурдинг, оқибат бетга чопарлик қилдинг! Аммо менинг нималарга қодир эканлигимни, қўлим узатган еримга етишини билмас экансан!

Карим иштонини ҳўллаб қўйган боладек юзи қизариб, қўлини кўксига босганча, бошини эгиб турарди. У айбига иқрор бўлдим ёки навбатдаги найрангим, хўжайин англаёлмади. У Каримдан дастхатларини қайтариб беришни илтимос қилмади. Шуғулланадиган одами бор, шуғулланар.

- Эрта-индин омборингни очиб беришади, - деди бошлиқ овозига сирли тус бериб. - Зудлик билан камомадингни тўғрила!

- Беадаблик қилдим, хўжайин. Нонкўрлик қилдим. Сиздек одамнинг юзига сапчидим, умрининг охиригача бу айбимни ювишга тайёрман. Сиздан яширмайман, комиссиянинг ваҳми босиб, чўчидим. Минг бор узр, - Каримнинг кўзлари ёшланди. Раҳимхонов Мақсуд у билан учрашганини шундан сезди. Бир ҳисобда кўришмагани дуруст. Борганда гап кўпаярди. «Ортимдан одам жўнатди, кўрққан-да», деган хаёлга бориши мумкин эди. Қолаверса, Мақсудга берадиган пули кассасига қайтди. Нега етмиш минг долларга рози бўлди? Жаҳл устида ваъда бердимиз? Эҳ, пулларидан айрилиб қолишига оз қолди-я. Худонинг ўзи асради, палакатдан. Энди кераги йўқ. Усиз ҳам иш битди. Пулнинг қудрати ҳар қандай зўравондан кучли эканлигига бугун яна бир бор амин бўлди.

«Дори»нинг таъсиридан роҳатланиб ўтирган Раҳимхоновнинг хаёлига шундай фикрлар келарди. Ширин ўйлар оғушида аста-секин кўзлари сузилиб, уйку элитаётганини сезди. Ўрнидан туриб, шкаф остидан тўппончани олди-да, ёстиғи остига қўйди. Деразадан мўралаб турган баркашдек ойга

тикилиб ётар экан, киприклари юмилганини пайқамеди...

Оқшом чўкиб, сурмаранг ой кўкка кўтарилиб, ортидан саноқсиз юлдузларни эргаштириб чиққанида Ҳасан айтилган жойга келди. Сўфи эса уни сабрсизлик билан кутаётганди. Мақсуд ресторанинг четида чой ичиб ўтирарди. У Ҳасаннинг кечикканидан бироз ташвишга тушганди. Ортидан шатак эргаштириб келганини кўриб, қовоғи уюлди. «Яна бир текинхўр топилибди-да», дея пичирлаб қўйди.

- Бу менинг дўстим, - деди Ҳасан Абдураҳмоннинг елкасига қўл ташлаб. - Лақаби «Сўфи», ўн йил бирга ўқиб, катта бўлганмиз. Аммо биз борган жойга ҳозирча қадами етгани йўқ.

Полвон истар-истамас қўл чўзди. Ўзини таништиришни истамеди. Шундан кейин келгувчилар бўш курсига ўтиришди. Бир пиёладан чой, ярим коса лағмон тановвул қилишди.

- Хўжайиннинг аёли жўнаб кетдимиз? - ниҳоят мақсадга кўчди Ҳасан. Мақсуд бошини кўтарди. Дўстининг бўғриқиб кетган юзига тикилди.

- Ўғли иккиси кетишди.

- Хўжайиннинг ўзи-чи?

- У ҳам бизга ўхшаб ресторанда овқатланди, кейин бир кило колбасани харид қилиб, уйига кетди.

Ҳасан ўйга толди. Қандайдир ҳийла ишлатиб, Раҳимхоновни бирор ёққа жўнатиш ҳақида бош қотирди. Бироқ хаёлига дурустроқ фикр келмади. Сўфи уларни ким ҳақида гапиришаётганидан бе-хабар, жимгина суҳбатга қулоқ тутиб ўтирарди.

- Хўжайинга зарар етказмаслик шарт! Акс ҳолда биз ўйлаган мақсадимизга эришолмаймиз, ҳамма ёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетиши мумкин.

- Бу ёғини менга қўйиб бер! - деди Ҳасан гапни бўлиб.

- Биз шундай иш қилайликки, хўжайин ҳам, изқуварлар ҳам биздан шубҳаланишмасин.

- Сенга доим беш кетаман дўстим, ҳамма нарсага ақлинг етади.

- Озми - кўпми тажриба орттириб келганман!

Улар кулишди. Официант дафтарчасини кўтариб келди.

- Битта арман коньяги, уч порс табака! - буюрди Мақсуд. Сўфининг юрагига гулгула тушди. «Булар мени талончиликка ёки босқинчиликка бошлаётган бўлишса-я», деган хавотирда ер остидан Мақсудга қаради. Ювош бўлиб кўринган бу йигит ўзини босиқ ва сабрли одам қилиб кўрсатса-да, лабларидаги табассум айёрлик аломати эканлиги, қалбидаги ҳасад, бировларнинг бахтини кўролмаслик ўти қайнаб тошаётганлигини билдирарди. Сўфи ўрнидан туриб кетмоқчи ҳам бўлди, бироқ сабаб тополмади. Бир-икки пиёладан коньяк ичишгач, Сўфи ўзини эркин ҳис эта бошлади. Хаёлига келган, вужудида титроқ уйғотган шубҳали фикрлар унинг учун арзимас нарсасдек туюлди.

Тун ярмидан ўтганида улар ўринларидан туришди. Кўчалар бўм-бўш эди. Одамларнинг қадами тинган, гоҳи-гоҳида қоронғу йўлни ёритиб, машиналар ўтиб турарди. Кеча сокин, ҳаво енгил, кўкда балқиб турган ой кечага дилбар файз бахш этганди. Улар оёқ учида юриб боришарди. Бир

неча чақирим масофани ортда қолдириб, нақшинкор дарвоза ёнида тўхташди. Ортларига қарашди, қоп-қорайиб турган йўлда ўзларидан бошқа одам кўринмади. Улар бу ерга келгунга қадар машиналар қатнови ҳам тўхтаганиди. Қаердадир тўлиб-тошиб қуриллаётган қурбақанинг овози эшитиларди. Ҳасан шерикларига маска ва чарм қўлқоп узатди.

- Кийиб олинглар...

Шериклари унинг топширигини бажаришди. Ҳасан полвоннинг елкасига чиқиб, девордан ошиб ўтди. Дарвозанинг бир табақасини эҳтиётлик билан очди. Полвон билан Сўфи ичкарига киришди. Ҳовли жим-жит эди. Сўфини баттар ҳаяжон босди. Юраги кўксини ёриб чиқадигандек гурсиллаб урар, худди маст одамдек деворни ушлаб, шерикларининг ортидан ноилож эргашиб борарди.

- Имилламай юр, Сўфи... - жеркиб берди Ҳасан. У негадир «Сўфи» сўзига алоҳида ургу берди.

Уй эшиги ичкаридан беркитилганди. Ҳасан тепиб очди. Раҳимхонов ухлаётган хонага кириб боришди. Иккалалари бир пайтнинг ўзида уй эгасининг қўл-оёғига ёпишишди. Раҳимхонов чўчиб уйғонди. Ой нури деразадан тушиб турарди. Хўжайин ниқобли одамлардан бирини таниди.

- Полвон! - унинг оғзидан шу сўз чиқди. - Юзингни беркитибсан-у, бўй-бастингни яширолмабсанда! Кийимларингни алмаштириб келганинда бўларди!

Ҳасан унинг оғзига кафтини босди. Димиқа бошлагач, типирчилади. Унинг кўзлари косасига сигмай, катталашиб борарди. Раҳимхонов бақувват эди. Ҳасанни ҳам, Мақсудни ҳам устидан улоқтириб ташлашга кўп уринди. Чорасиз қолган Ҳасан унинг қорнига пичоқ санчди. Раҳимхонов бўш келмади. Мақсуднинг юзига мушт солди. Унинг кўзлари тиниб, бир сония ҳеч нарсани кўрмай қолди. Ҳасан эса жон-жаҳди билан типирчилаб, пичоқ санчилган қорнидан қон отилиб чиқаётган Раҳимхоновга ташланди. Уни бир неча дақиқа ушлаб туриш лозим. Қон кетиб ҳолсизланса, қаршилиқ кўрсатолмайди.

- Яхшилигимни билмадинг, кўр бўласан!..

Раҳимхонов ҳали кучдан қолмаганди. Ҳасаннинг юзига мушт солди. У тўнтарилиб тушди. Тезда ўрнидан туриб, кўкариб чиққан кўзини кафти билан тўсиб, Раҳимхоновнинг тепасига келди.

- Ўчир овозингни!

Эшикка яқин жойда турган Сўфи қўллари билан юзини чангаллаб, худди аёзда қолган одамдай дилдирарди. У на шерикларига ёрдам беришни, на ташқарига чиқиб кетишни билмасди.

Раҳимхонов қўлини қайириб турган Ҳасанни тепиб юборди. Бироқ зарба кучли бўлмаса-да, ерга ўтириб қолди. Уй эгаси ўрнидан турмоқчи бўлди. Мақсуд бунга имкон бермади. Ҳасаннинг кўзи ёстиқ остидан сирғалиб ерга тушган тўппончага тушди. Уни олиб, Мақсуднинг қўлига тутқазди.

- Тинчит!

У қуролни Раҳимхоновнинг кўкрагига тираб, тепкини босди. Тўппончанинг учидан учиб чиққан ўқ уни тўшакка михлаб қўйди ва қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатларидан маҳрум қилди. Ҳасаннинг кийимларига қон сачраганди. У бунга аҳамият бермади ва қўлидаги қонли пичоқни Сўфига узатди.

- Рўмолчанга ўраб, қўйнингга солиб ол! - деди бўғиқ овозда. Кутилмаган воқеадан ҳангу-манг бўлиб қотиб қолган Сўфининг қулоғи том битган, кўз ўнгини туман қоплаган, нима қилишини билмай, ҳамон дир-дир титрарди. У пичоқни қўлига олганини-ю, Мақсуд берган рўмолчага ўраб, қўйнига яширганини билмасди.

- Нима қилиб қўйдиларинг? Энди нима қиламиз?... - Сўфининг дириллаётган лабларидан шу сўзлар учиб чиқарди. Ҳасан унга ўқдай нигоҳини қадади ва арақ шишасига ишора қилиб:

- Оғзингни юм! Манови билан бир уриб, башарангни қонга бўяб қўяман! - деди.

Сўфининг овози ўчган бўлса-да, силкинаётган елкаси унсиз йиғлаётганини билдирарди. Содир этилган даҳшатли қотилликни таҳлил қилиш пайти эмасди. Мақсуд учидан порох ҳиди анқиб турган тўппончани чўнтагига солиб, курсини олиб келиб, унинг устига чиқди-да, ўзига таниш бўлган фанерни четга сурди. Ҳасан эса шкаф ичини титкилай бошлади. Чинни идишдаги колбасага кўзи тушди. Оғзига солиб, бир тишлади-ю тишлари зирқираб кетди. Уни жойига қўйди. Полвон очилиб қолган туйнукка қўлини суқиб, ичкаридан те-

мир қутичани олди. Бир дона олтин танга ерга тушди. Ҳасан уни олиб, шимининг чўнтагига солди...

13

Гули остонада қалтираб турган хушторини кўриб, ўзини унинг қучоғига отди. Соғинганди. Кўпдан буён учрашмай қўйишганди. Юзига игнадек санчилаётган соқолининг ачиштирганига ҳам аҳамият бермади. Титроқ, қон қочган лабидан бўса олди-да, ичкарига судради. У вужудидаги ҳаяжонни сездирмаслик учун ҳавонинг совиб қолганидан шикоят қилди.

- Ташқари совуқ, қотиб қолаёздим, - деди паст овозда. У шими ва кўйлагига сачраган қон доғларига эътибор бермади.

- Нега кўринмай кетдинг? - деди Гули Ҳасаннинг кийимларини илгакка илар экан. - Ҳар куни йўлингни пойлайман.

- Қорним оч, бирор егулигинг борми?!

- Ҳозир ҳаммасини тайёрлаймиз, бироз сабр қил! - Гули ошхонага ўтди. Ҳасан шимининг орқа томонига қистирилган тўппончани олиб, ёстиқ остига яширди. Юмшоқ курсига ўзини ташлади. Шу заҳотиёқ кўзига уйқу илинди. Гули қовурдоқни олиб кирганида, йигит ухлаб қолганди. Аёл унинг тепасига келиб, совуқ юзларига тикилди. Кўкариб кетган лаблари, қони қочган яноқларининг тинимсиз учаётганидан Ҳасанга нимадир бўлганини пайқади. Кутилмаганда у ўрнидан сакраб турди. Худди йиғлаётган овозда нимадир

деди. Кўзларини очиб, қаршисида турган Гулини кўрди:

- Алаҳсирадим! - деди қайта ўрнига ўтираркан.

- Бирортаси билан уришдингми? - сўради Гули.
Ҳасан бепарво қўл силтади.

- Йигитчиликда бўлиб туради.

- Кап-катта бўлсанг ҳам эсинг кирмас экан, - аёл йигитнинг тиззасига ўтирди. Ҳасаннинг сочларини силади.

Йигитнинг бағрига сингиб кетган аёл нозланиб шивирлади:

- Овқат тайёр, жоним.

Ҳасан оппоқ тўшак устида сочлари ёйилиб ётган Гулини бағридан бўшатгиси келмади. Хуркак кабутар мисоли учиб кетадигандек маҳкам кучоқлаб, бўса оларди. Гули йигитнинг эркалашларидан, ширин бўсаларидан лаззат олиб, ширин энтикарди.

Қуёш терак бўйи кўтарилганида уйғонган Ҳасаннинг юзини силаб, Гули шу сўзларни айтди:

- Ўзингга қарамай қўйибсан.

- Соат неча бўлди? - кўзларини базўр очиб тепасида турган аёлдан сўради Ҳасан.

- Қаёққа шошасан, ҳали вақт эрта!

Ҳасан кийинар экан, шимига сачраган қон доғларини кўрмади. Бироқ бу аёлнинг эътиборидан четда қолмади.

- Бу шимингга қаердан юқди? - деди ташвишланиб

- Кеча бир - иккита безорилар билан жанжаллашгандим, - қиска жавоб қилди Ҳасан.

Гулининг ишонгиси келмади. Ҳасан буни унинг

қарашларидан пайқади.

- Айтмоқчи, тиш қўйдириш ниятинг йўқми? - сўради унинг фикрини чалгитиш мақсадида.

- Ичимдагини топиб гапирасан-да, жоним, - кувониб кетган Гули ёш боладек сапчиди.

- Унда эртага «Черёмушка»даги тиш даволаш шифохонасига ўт, кеч соат 17ларда сени ўша ерда кутаман.

Ҳасан Гули билан шу тариқа хайрлашди.

Гули «Садаф» тиш даволаш шифохонасига ай-тилган вақтда келди. Бироқ ичкарига кирмади. Вақт ўтиб борарди. Кўчаларда одамлар гавжумла-ша бошлади. Дақиқаларнинг имиллаб ўтишидан Гули безовталанди. У тез-тез қўлидаги соатга, олисларга чўзилиб кетган йўлакка қараб қўярди.

Зангори «Тико» шифохонадан бир неча ўн метр нарида тўхтади. Кабинадан ўрта бўйли, қотмадан келган йигит тушди. У қўлидаги машина калити-ни ўйнаб, шифохона томон кела бошлади. Сама-дов рация орқали номаълум объект ҳақида Камо-ловга маълумот берди. Гулининг бирдан Ҳасанга кўзи тушди. У томон чопди. Бўйинини чўзиб, Ҳасаннинг юзидан ўпди. Улар бир неча сония кўча четида туриб, нима ҳақдадир суҳбатлашиш-ди. Постдагилар диққат - эътиборини икки шахсга қаратишганди. Улар ичкарига юришди. Абдуваҳоб мижозини кўриб:

- Бир дақиқага улгурдингиз, - деди.

- Айблорман, доктор! - қўлини кўксига босиб узр сўради Ҳасан.

- Кечикканимизни мана шу билан ювамиз!

У стол устига бир шиша коньяк қўйди. Чўнта-

гидан шоколад чиқарди.

- О, зўридан-ку!.. Феруз!! - қўшни хонага қараб қичқирди доктор.

- Лаббай, дўхтир!

- Стаканларни ювиб чиқ! - Абдуваҳоб Ҳасанга юзланди.

- Хўш, оғриқ қолдими, дўстим?

- Бир оз оғриганини ҳисобга олмаганда, деярли безовта қилмади. - Абдуваҳоб стол остига ўрна-тилган микрофонга уланган тугмачани босди. Махсус микрофон ишга тушди. Хонадаги суҳбат постдаги кузатувчиларга узатила бошланди.

- Қани столга ўтиринг, «примерка»ни кўрайлик-чи?

- Ўтиришдан олдин юзтадан отиб олсак-чи?

- Яхши таклиф!

Абдуваҳоб коньякни очди, унинг кўзлари осто-нада турган кўҳликкина аёлнинг нигоҳлари билан бир неча бор тўқнашди. Чиройли, ёқимли чеҳраси таниш кўринди. Бироқ қаерда кўрганини эслай олмади.

Ҳасан ҳамёнидан тилла тангани чиқарди.

- Ортиб қолганини мана шу хонимчага қўйиб кўясиз, - деди аёлга ишора қилиб.

- Жоним билан, - ҳар доимгидек қувноқлик билан деди тиш доктори. - Бироқ бу гўзал қизнинг тишлари тилладан кам эмасга ўхшайди.

Улар коньякни ичишди. Ҳасан курсига ўтирди. Абдуваҳоб дераза токчасидаги қолипни олди. Пост ичидаги яшил чироқ ёнди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, Камолов иягини боғлаб олган ҳолда докторнинг хонасига кириб келди.

Кутилмаганда алоқа узилди. Шеригининг дили ғаш бўлиб, бетоқатланди. У бир неча бор сигнал жўнатди. Бирортасига жавоб қайтмади. Шундан кейин юрагига ваҳима тушди. Асабийлашиб, кимларнидир сўкди. Сўфи нима қилишини билмай, бурчакда писиб ўтирганича шеригига қарамасликка ҳаракат қиларди. Олдиндан келишилганидек, эртага қабр остидаги қасрни тарк этишлари лозим. Модомики, ташқаридаги тўс-тўполонлар босилмаган бўлса, яна бир-икки кун шу ерда қолишларига тўғри келади. Кўнглидаги ғашлик илон заҳридек вужудига ёйилди. Хаёл уни турли кўчаларга олиб кирди. «Кўлга тушиб қолган бўлса-я», деган хавотир тинч қўймасди. Ҳасаннинг сотиб қўймаслигига ишониб бўлмасди.

Сўфи борган сайин безовталанар, гўё милиция тутиб кетадигандек, тиззаси устига ташланган кўллари титрар, юзи докадек оқариб борарди. У кўлини қонга ботиришни ўйламаганди. Ҳасаннинг олдига иш сўраб боргани, унинг сўзларига ишониб, кутилмаганда жиноятга илашиб қолганидан изтироб чекарди. Мана, энди пешонасига «қотил», деган тамға босилди. Жиноятчиларга шерик бўлди. Улар «хўжайинни қўрқитиб, бойлигини олиб чиқамиз», дейишганди. Ким билсин, балки булар илгари ҳам кимларнингдир қонини тўкиб, бойлигини ўмариб, қабиҳ ишларини яшириш мақсадида ер остидаги мана бу «қаср»да жон сақлашгандир.

Сўфининг кўзига дунё тор кўриниб, юраги қонга тўлиб, кўзларига ёш келди. У ёш боладек овозсиз, энтикиб йиғлади. Атрофида сочилиб ётган даста-даста пуллар, кўзни қамаштирган тиллалар энди кўзига илондек совуқ кўринарди. Даҳшатли қўрқув уни шу қадар қаттиқ исканжасига олган эдики, ёнида бағрини ерга босиб ётган шеригига бирор гап айтишга ҳам ботинолмасди. Ниҳоят юрак ютиб:

- Худо хоҳласа, ишлар босилиб кетса, менга рухсат берасиз, - деди овози титраб.

Полвон бошини кўтарганида тунд, салқиб кетган башараси шу қадар совуқ кўриндики, Сўфи айтган сўздан афсусланди.

- Бўри боласига қанчалик яхшилик қилмагин, барибир ўзини ўрмонга уради, деган нақл ҳақ экан. Сен хунаса, шукр қилиш ўрнига биздан ажралишни истайсан, энди ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан. Тўрға илиндинг!

- Ундай деманг, хўжайин. Ҳали бола-чақаларим ёш, қўлидан иш келмайди, - бу ҳеч кимнинг сўзини қайтармайдиган, қўрқувдан юраги титраётган Сўфининг сўзи эди. - Менсиз улар қийналиб қолишади.

- Нима, бола-чақа фақат сенда борми? Биттамиз қўлга тушсак, биласанми нима бўлади? Отишади. Бизнинг ишимиз «группавой» жиноятга киради.

Сўфи қовоғини уюб, полвонга кўз ташлаб:

- Мен нима гуноҳ қилдим? - деди худди отилиб кетадиган одамдек ваҳимага тушиб.

- Ҳали ўзингни гуноҳсиз ҳисоблайсанми? Ахир кимсан, вилоятда номи чиққан Раҳимхоновнинг

қотилисан-ку! - тантанавор оҳангда деди хўжайин.

- Мен уни ўлдирганим йўқ! - кескин жавоб кайтарди Сўфи.

- Нима, нима, мен ўлдирмадим дейсанми? Хов, хомқалла, унинг қорнига пичоқни ўзинг урдинг-ку!

- Ёлғон, туҳмат! - қўлларини мушт қилиб қичқ-риб юборди Сўфи.

- Пичоқни сен ушладингми? Раҳимхоновнинг қони кимнинг қўйлагига сачраган, қонга ботган пичоқни ким рўмолчасига ўраб, каналга ташлади? Ҳарқалай, мен бўлмасам керак? Билиб қўй, чўғни ким ушласа, ўшанинг қўли куяди. Пичоқда сенинг бармоқ изларинг қолган.

Сўфи бошини чангаллаб йиғлаб юборди.

Полвон қўрқоқ, латта одамларни ёқтирмасди. Сўфини бу йўлга эргаштириб, хато қилганини англади. Жиноятчиларнинг қонуни бундай одамларни кечирмайди. Уларни тезда ўртадан олиб ташлашади. Хўжайин қўлини қўйнига солди. Тўп-пончанинг дастасидан тутди-ю бироқ бу ерда уни ишлатиб бўлмаслиги ёдига тушди. Қўлини гилам устида сочилиб ётган олтин тангаларга чўзди.

Ҳасан қўлга олиниб, зудлик билан ички ишлар бўлимига етказиб келинди. У аввалига «тобим йўқ, жавоб беришга ярамайман», деб туриб олди. «Тез ёрдам» бўлимидан чақирилган навбатчи ҳа-ким унда касаллик аломатларини тополмади. Унинг мақсади вақтдан ютиш эди. Белгиланган соатда алоқага чиқмаса, шериклари шубҳаланиб, жойини тарк этиши лозим эди. «Сиз Раҳимхонов-

нинг ўлимида айбланмоқдасиз», дея айблов варақаси ўқилганида, Ҳасан буни яна инкор этиб, «Раҳимхоновни танитайман», деб туриб олди. Суд - тиббий экспертизасининг хулосаси, далилий ашё сифатида сақланаётган колбаса олдига қўйилганида тили айланмай қолди.

- Бу рўмолча сизникими? - терговчи целлофан халтадаги қонга беланган рўмолчани ҳам Ҳасаннинг олдига қўйди. У рўмолчани шу заҳотиёк таниди. Сўфи пичоқни ўраётганида назари тушганди. «Дарров топишибди-да», нафрат билан хаёлидан ўтказди. «У қаерда тушиб қолдийкин?» Бўйнига олай деса, рўмолчани топиб олинганидан беҳабар, олмаса шерикларини сотиб қўйиши мумкин. Таваккал қилишга мажбур бўлди.

- Меники, - деди терговчининг ўқдек қадалиб турган кўзларига қараб.

- Буни қаерга ташлагандингиз? - Ҳасаннинг бўзрайган чеҳраси терговчининг бу саволини эшитганидан кейин яна ҳам оқариб кетгандай туюлди.

- Эсимда йўқ, - бепарволик билан жавоб қайтарди айбланувчи.

- Яхшилаб ўйлаб кўринг, балки асфальт йўл четдаги ўт-ўланлар ичига улоқтиргандирсиз?

Ҳасан терговчининг ўсмоқчилаб сўроқлаётганини тушунди. Шу боис жавоб қайтаришга ошиқмади.

- Бўлса бордир, ахир мен ўша куни маст эдим.

- Биз буни Шимолий Фарғона каналининг бешинчи километрдан топиб олдик. Уни эса шерикларингиз улоқтириб кетишибди, - ростини айтди терговчи. Ҳасаннинг оқарган чеҳрасида

ҳаяжон аломатлари пайдо бўлди.

- Айтдим-ку сизга, менинг шерикларим йўқ, ёлғиз ўзим эдим.

- Балки бу рўмолча Сўфиникидир?

- Нима, уларни тутдиларингми? - безовта бўла бошлади Ҳасан.

- Ҳозирча уларни қўлга олганимиз йўқ, аммо Сўфи сизнинг шеригингиз эканлиги тўғрисида бизда маълумотлар бор, - босиқлик билан деди терговчи. Ҳасан катта хатога йўл қўйганини, қаршисидаги терговчининг тузоғига осонгина илинганини тушунди. Энди айбни яширишнинг фойдаси йўқ. Ҳасан бошини чангаллаганича бўлиб ўтган воқеани сўзлаб бериш учун терговчига юзланди...

15

Полвон уйғониб, соатига қараганида вақт тунги 04:30 бўлганди. Ҳадемай тонг ёришади. Ҳасандан дарак бўлмади. Телефон жирингламади. Унга нимадир бўлган? Тили узун эди, бирор ерда гуллаб, қўлга тушгани аниқ. Бу ерни тезроқ тарк этиш, қўшни Қирғизистонга қочиш лозим. Утаётган дақиқалар ғанимат. Хўжайин ғужанак бўлиб ётган Сўфининг оёғига тепиб, уйғотди.

- Наҳс босиб ётаверасанми, иблис? Тур ўрнингдан, тезроқ кийин, кетамиз!

Сўфи уйқута тўймаган кўзларини ишқалаб, ўрnidан турди. Шериги атрофда сочилиб ётган тиллаларни йиғиштирди. Темир қутини қўйнига тикди.

Тугунни Сўфига тутқазди.

- Тайёрмисан, қани кетдик!

Чироқ ўчирилди. Сўфи қоронғида ҳеч нарсани кўрмай қолди. Хўжайин қўллари билан темир шотини пайпаслаб топди ва тепага тирмашди. Ортидан Сўфи эргашиди. Ташқарига чиқишганда, аста-секин тонг ёришаётган, осмоннинг бир чети бўзариб қолганди. Барвақт уйғонган қушлар кўкда чарх уриб қезарди. Жимжитлик кўйнида мудраётган қабристон уларни совуқ қарши олди. Сўфи осмонга тикилди. Тонгнинг енгил ҳавосидан симириб-симириб нафас олди.

- Энди қаёққа? - сўради Сўфи.

Шериги жилмайди. Жилмайди-ю бу табассум унинг юзидаги совуқ ифодани, кўзларидаги ғазабни яшира олмади.

- Энди шу ерда ажрашамиз. Мен бошим оққан томонга кетаман. Сени эса... Афсуски, ортимдан эргаштириб кетолмайман!

- Менинг улушим нима бўлади?

- Қанақа улуш?

- Олтинларнинг учдан бири менга тегиши керак эди-ку?

- Сенга олтин керакми?

- Бола-чақаларимга...

Шериги икки бош бармоғининг орасидан бош-молдоғини чиқарди.

- Мана!

Сўфи нима дейишини билмай қолди. Шериги кўйнидан тўппончасини чиқарди.

- Сен билан шу ерда хайрлашишимизга тўғри келади.

Тўппончани кўриб, Сўфи йиғлаб юборди.

- Ундай қилманг, бола-чақаларим бор, Худо хайрингизни берсин, ўла-ўлгунимча қулингиз бўлай!.. Тиллаларни бермасангиз ҳам майлига...

Қабристонда отилган ўқ овози атрофдаги сукунатни бузиб юборди. Қуриб-қовжираб қолган ўт-ўланлар остида яшириниб ётган ўткинчи қушлар ҳуркиб, кўкка кўтарилди. Осмонда доира ясаб учишди. Бироқ борар манзилларини билмай, яна қўноқларига қайтишди. Кўзларини юмиб олган Сўфи ўқ нишонга тегмаганини билди. Кўзларини очиб, бошини кўтариб, шеригига қаради. Унинг қўлидаги қурол кўринмасди. Сўфи атрофга аланглади. Кўзи тепалик сари тирмашиб чиқаётган тўрт нафар милиция ходимига тушди. Шериги қочмоқчи бўлиб, пастга бурилди.

- Мақсуд! - қичқирди Камолов. - Ортиқча ҳаракат қилма. Атроф қуршаб олинган!

Сўфи шундагина қонга беланган одамнинг исми Мақсуд эканлигини билди...

Т А М О М.

3000 с.ш

Адабий-бадний нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

ҚАСОСКОР ҚАШҚИРЛАР

КИССА

Иккинчи китоб

Муҳаррир: Нурбек Абдуллаев

Тех. Муҳаррир: Собитхон Абдухомитов

Дизайнер: Абдувоҳид Аҳмедов

Мусаҳҳиҳ: Улуғбек Умаров

2012 йилнинг 10 сентябрда теришга берилди. 2012 йилнинг 5 октябр куни босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 13 босма табоқ. Газета қоғозига офсет усулида босилди. Буюртма № 381. Адади 2000 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

"Наманган" нашриёти, Нашриёт лицензия рақами AN-156. 2009 йил августдан берилган Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

ZAKOVAT NASHRIYOT UYI MCHJ босмахонасида
Газета қоғозига офсет усулида босилди.

Корхона манзили: Косонсой шаҳри,
"Чорбоғ" кўчаси, 17 уй